

ИНЖИЛДАН

**ЛУҚМОНИ ҲАКИМ
БАЁН ЭТГАН МУҚАДДАС
ХУШҲАБАР**

УДК 22
ББК 86.3
И 62

**И 62 ИНЖИЛДАН ЛУҚМОНИ ҲАКИМ БАЁН ЭТГАН
МУҚАДДАС ХУШҲАБАР 2-б. - Б.: УМИД НУРИ,
2005, - 144 б.**

ISBN 9967-429-02-X

И - 040300000-05

УДК 22
ББК 86.3

ISBN 9967-429-02-X

© УМИД НУРИ, 2005

СЎЗБОШИ

Азиз китобхон!

Қўлингиздаги «Луқмони Ҳаким баён этган Муқаддас Хушхабар» номли китобча Инжилнинг бошқа бўлимлари билан эрамизнинг биринчи асрида, юнон тилида ёзилган.

Луқмон исмли таниқли юнон ҳаками Ийсо Масиҳнинг ҳаёти ва таълимотлари тўғрисида синчиклаб текширгандан сўнг, бу ҳақда асосли ва батафсил маълумот бериб, ушбу Хушхабарни Худои Таолонинг буйруғи ва илҳоми билан ёзган.

«Инжил» сўзи аслида Хушхабар демакдир. Шундай қилиб, нажоткоримиз Ийсо Масиҳнинг дунёга келиши, ҳаёти, ўлиши ва тирилиши тўғрисида асосли ва батафсил маълумот берувчи ушбу Муқаддас Хушхабар барча одамзодни ёритувчи, қувонтирувчи хабардир. Ушбу Хушхабарнинг моҳияти шундан иборатки, одамлар барчаси Худодан узоқлашиб, гуноҳкор бўлган бўлсалар ҳам, Ийсо Масиҳнинг гуноҳлар учун қурбон бўлганига чин қалбдан ишонган кишини Худо кечириб, унга абадий ҳаёт бағишлайди. Бу Муқаддас Хушхабарни қабул қилган киши қайси миллатга мансуб бўлмасин, Худо билан тинчлик топиб, мангу ҳаётга эга бўлади.

Сизнинг Муқаддас Хушхабарни ўқиб чиқиб, Худонинг оқ фотиҳасига эга бўлишингизга тилакдошимиз.

I БОБ

Муқаддима

¹ Муҳтарам Теофил! Орамизда кенг тарқалган воқеалар ҳақида ҳикоя қилишга киришган кўпларнинг ташаббуслари маълумдир.

² Бу воқеаларни бошданок ўз кўзлари билан кўриб, Илоҳий Каломнинг гувоҳи ва хизматкорлари бўлганларнинг ўзлари бизга айтиб беришган.

³ Шундай қилиб, мен ҳам бўлиб ўтган воқеаларни бошидан синчиклаб текширганимдан кейин ҳаммасини сенга тартиб ила ёзиб беришни лозим топдим,

⁴ токи сен олган таълимoting мустаҳкам асосга эга эканлигига амин бўлгин.

Яҳё чўмдирувчининг тугилиши ҳақида башорат

⁵ Яҳудия юртида Ҳирод подшоҳлик қилаётган даврда Абиё авлодидан бўлган Закариё исмли бир руҳоний бўлиб, унинг Ҳорун авлодидан бўлган Элизабет исмли аёли бор эди.

⁶ Булар иккови ҳам солиҳ ва художўй кишилар бўлиб, Худованднинг ҳамма амрларига тўлиқ риоя қилиб юришар эдилар.

⁷ Аммо Элизабет пуштсиз бўлганлиги сабабли уларнинг фарзанди йўқ эди; бунинг устига иккови ҳам кексайиб қолган эдилар.

⁸ Бир куни Закариё ўз навбатига кўра Худо олдида хизмат ўтаб турган вақтида

⁹ руҳонийлар одати бўйича қуръа ташланиб, Худованд ибодатхонасига кириб хушбўй тутатқилар тутатиш хизмати унга насиб этди.

¹⁰ Тутатқи тутатиш вақтида ташқарида тўпланган халқ ибодат қилаётган эдилар.

¹¹ Шу пайт Закариёга Худованднинг фариштаси тутатқи тутатиладиган қурбонгоҳнинг ўнг томонида пайдо бўлди.

¹² Закариё уни кўриб эсанкиради ва ваҳима босди.

¹³ Фаришта унга деди: «Закариё, кўркма, чунки сенинг илтижоларинг қабул бўлди. Хотининг Элизабет сенга бир ўғил туғиб беради ва унинг исмини Яхё қўясан.

¹⁴ У сенга шодлик ва хурсандчилик келтиради, унинг туғилганидан кўплар қувонадилар.

¹⁵ У Худо олдида улуғ киши бўлади ва маю шаробни асло ичмайди. Онаси қорниданок у Муқаддас Рухга тўлиб тушади.

¹⁶ У Исроил фарзандларининг кўпларини ўзларининг Эгаси – Худовандга қайтаради.

¹⁷ Оталар қалбини фарзандларига қайтариш, осий бандалар фикрини солихлар томон мойил қилиш ва ҳозирланмиш бир халқни Раббимизга тақдим этиш учун У Илёс пайғамбарнинг Рухи ва қудрати ила Раббимиз олдида келади».

¹⁸ Шунда Закариё фариштага: «Мен бунга қандай амин бўламан? Мана мен кексайиб қолдим, хотиним ҳам кексайиб қолди», – деди.

¹⁹ Фаришта унга деди: «Мен Худо олдида турган Жаброилман, сенга бу хушxabарни етказиш учун юборилганман.

²⁰ Ўз вақтида бажо бўладиган сўзларимга ишонмаганинг учун мана энди тилдан қоласан ва бу ишлар амалга ошадиган кунгача сўзлай олмайсан».

²¹ Шу орада Закариёни кутиб турган халқ унинг ибодатхонада ушланиб қолганига ҳайрон бўлди.

²² Закариё ташқарига чиққач, сўзламоққа тили айланмади ва халқ унинг ибодатхонада ваҳий кўрганлигини тушунди. Закариё гапира олмай қолганлиги сабабли улар билан имо-ишора орқали мулоқот қилди.

²³ Диний хизмат кунлари тугагач, Закариё уйига қайтиб борди.

²⁴ Ўша кунлардан кейин унинг хотини Элизабет ҳомиладор бўлиб, беш ой яшириниб юрди ва:

²⁵ «Бу менга Раббимнинг назари тушган шу кунларда бўлди ва У менга эътибор бериб, эл ичида юзи қораликдан халос этди», – деди.

Ийсо Масихнинг тугилиши ҳақида Хушxabар

²⁶ Элизабетнинг ҳомиладорлигининг олтинчи ойида Худо фаришта Жаброилни Жалиланинг Носира деган шахрига,

²⁷ Довуд авлодидан Юсуф исмли йигитга унаштирилган бир кизга юборди. Қизнинг исми Марям эди.

²⁸ Фаришта унинг олдига кириб: «Салом, эй Худодан иноят топган! Худованд сен билан, сен аёллар ичра мубораксан», – деди.

²⁹ Марям эса фариштани кўриб, унинг сўзларидан саросимага тушди ва «Бу қанақа саломлашиш бўлди?» – дея кўнглидан ўтказди.

³⁰ Шунда фаришта унга деди: «Қўрқма, Марям, сен Худодан иноят топдинг.

³¹ Мана, сен ҳомиладор бўлиб Ўғил туғасан ва Унинг исмини Ийсо кўюрсан.

³² У улуғ бўлгай ва Таолонинг Ўғли деб ном олгай. Худованд Унга отаси Довуднинг тахтини бергай.

³³ У Ёқуб хонадони узра абадий подшоҳлик қилур ва бу подшоҳликнинг чеки бўлмагай».

³⁴ Марям фариштадан: «Мен ҳали эр кўрмаган бўлсам, бу қандай бўлади?» – деб сўради.

³⁵ Фаришта унга бундай жавоб берди: «Муқаддас Рух сенинг устингга тушади ва Худойи Таолонинг қудрати сени қоплайди. Шу сабабли ҳам сендан туғиладиган Муқаддас бола Худонинг Ўғли деб аталади.

³⁶ Мана, бепушт деб аталган қариндошинг Элизабет ҳам қариганида ўғилга ҳомиладор бўлди ва ҳомиласи олтинчи ойда.

³⁷ Зеро Худонинг бирон каломи кучсиз қолмас».

³⁸ Шунда Марям: «Мана, мен Худованднинг банда-

симан. Менга айтганингдек бўлсин», – деди. Шундан кейин фаришта унинг ёнидан ғойиб бўлди.

Марям Элизабетнинг уйида

³⁹ Марям ўша кунлардаёқ шошилинич йўлга тушиб, Яхудо қабиласига мансуб бўлган тоғлик юртдаги бир шаҳарга борди.

⁴⁰ У Закариёнинг уйига кириб, Элизабет билан саломлашди.

⁴¹ Марямнинг саломини эшитиши биланоқ Элизабетнинг қорнидаги боласи ўйноқлаб кетди. Шунда Элизабет Муқаддас Рухга тўлди-да,

⁴² баланд овоз билан хитоб қилиб деди: «Сен аёллар ичра мубораксан, қорнингдаги бола ҳам муборакдир!

⁴³ Бу қандай бахтки, Раббимнинг оналари менинг олдимга ташриф айладилар!

⁴⁴ Сенинг саломинг қулоғимга етиши биланоқ қорнимдаги бола қувончдан ўйноқлаб кетди.

⁴⁵ Эй эътиқод қилган, бахтлисан! Чунки Худованд сенга айтганларини амалга оширгай».

Марямнинг ҳамду саноси

⁴⁶ Марям шундай деди: «Жоним Худовандни улуғлайди,

⁴⁷ Халоскор Тангрим ила руҳим шод-хуррамликка тўлди.

⁴⁸ Мен бандаи мўминага У назар солди. Энди мени барча авлодлар олқишлайдилар.

⁴⁹ Чунки Қодир Тангри менда бир ажиб иш яратди, Унинг исми муқаддасдир.

⁵⁰ Ундан кўрққан авлод-аждодларга Унинг марҳаматлари насиб этгай.

⁵¹ Унинг қўллари билан буюк ишлар амалга ошди, манманларни ўз хаёллари ила тўзитди.

⁵² Кучлиларни тахтларидан тушириб, мўмин-бечораларни юқорига кўтарди.

⁵³ Очларни тўйгазиб, бахт-саодатли қилди, бойларни эса куп-курук жўнатди.

⁵⁴⁻⁵⁵ Ота-бобомизга берган ваъдасига биноан, Иброҳимга ҳамда унинг зурриётига шафқат қилишни лозим топди».

⁵⁶ Шундай қилиб, Марям уч ойча Элизабет билан бўлиб, сўнгра ўз уйига қайтиб келди.

Яҳё пайгамбарнинг туғилиши

⁵⁷ Элизабетнинг ой-куни тўлиб, ўғил туғди.

⁵⁸ Худованднинг унга кўрсатган буюк марҳаматини эшитиб, қўни-қўшни ва қариндошлари у билан бирга қувонишди.

⁵⁹ Саккизинчи куни болани суннат қилгани олиб боришди. Унга отасининг исмини – Закариё қўймоқчи бўлишди.

⁶⁰ Аммо боланинг онаси эътироз билдириб: «Йўқ, унинг исмини Яҳё қўямиз», – деди.

⁶¹ Шунда бошқалар: «Қариндош-уруғинг орасида

бу исм билан аталган ҳеч ким йўқ-ку», – дейишди унга.

⁶² Шундан сўнг отасидан имо-ишора орқали болага қандай исм қўймоқчи эканлигини сўрашди.

⁶³ Закариё бир тахтача талаб қилди ва: «Унинг исми Яҳё бўлади», – деб ёзиб қўйди. Ҳамма ҳайрон қолди.

⁶⁴ Ўша заҳоти Закариё тилга кирди ва Худони улуғлаб гапира бошлади.

⁶⁵ Атрофда яшовчиларнинг ҳаммасини ваҳима босди ва бу ҳақдаги овоза бутун тоғлик Яҳудия ўлкасига ёйилиб, оғизга тушиб кетди.

⁶⁶ Эшитган барчанинг фикри бу воқеалар билан банд бўлиб: «Ажабо, бу бола ким бўлар экан?» – дея кўнглига тугиб юришди. Худованд эса уни қўллаб юрди.

Закариёнинг ҳамду сано мадҳияси

⁶⁷ Чақалокнинг отаси Закариё Муқаддас Рухга тўлиб, башорат қилиб деди:

⁶⁸ «Раббимиз бўлган Исроилнинг Худовандига ҳамду санолар бўлсин. Чунки У Ўз халқини йўқлаб асоратдан қутқарди!

⁶⁹ Қадимдан муқаддас пайғамбарлар орқали сўзлаганига мувофиқ,

⁷⁰ Ўз қули Довуд хонадонидан чиққан Қудратли Нажоткорни бизга берди.

⁷¹ У барча ашаддий душманларимиз қўлидан бизни қутқаргай.

⁷² Ота-бобомизга марҳамат айлаб, Ўз муқаддас аҳ-
дини эслади.

⁷³ Отамиз Иброҳимга қасамёд қилганига кўра, У
ёвларимиз кўлидан бизни кутултириб,

⁷⁴ умримиз борича Ўз паноҳида беҳатар сақлаб,

⁷⁵ муқаддас ва солиҳлик ила Ўзига хизмат қилмоқ-
ликка чорлади.

⁷⁶ Сен ҳам, эй чақалоқ, Худованднинг пайғамбари
деб ном оласан. Зеро сен Раббимиз олдида юриб,
Унга йўл тайёрлагайсан.

⁷⁷ Унинг халқига гуноҳлари кечирилиб, нажот то-
пажакларини англатарсан.

⁷⁸ Зеро Худоимиз меҳр-шафқати ила юксакликдан
нажот тонги ёришди ва уфқимизни равшан қилиб
юборди.

⁷⁹ Зулматда, ўлим соясида ўтирганларга зиёсини
сочди, оёқларимизни эса тинчлик йўлига бурди».

⁸⁰ Яхё эса улғайиб ва руҳан кувватланиб, Исроилга
кўринадиган кунигача чўл-сахроларда бўлди.

II БОБ

Ийсо Масиҳнинг тугилиши

¹ Ўша кунларда Подшоҳ Август бутун Рим дунёси-
даги аҳоли рўйхатга олинсин, деган фармон чиқарди.

² Ушбу рўйхатга олиш Сурияда Квириний ҳоким-
лик қилаётганида илк бор содир бўлди.

³ Ўшанда ҳар ким рўйхатдан ўтиш учун ўз шахрига борди.

⁴ Шунингдек, Юсуф ҳам Жалиланинг Носира шахридан Яҳудияга, Довудлар шахри Байтлаҳмга борди. Чунки у Довуд насаби ва хонадонидан эди.

⁵ У ўзига унаштирилган қиз, ҳомиладор Марям билан бирга рўйхатдан ўтмоқчи бўлди.

⁶ Улар Байтлаҳмга келганларида Марямнинг ойкуни тўлди.

⁷ У ўзининг тўнғич ўғлини туғди ва йўргаклаб охурга ётқизиб қўйди, чунки мусофирхонада уларга жой йўқ эди.

Чўпонлар ва фаришталар

⁸ Ўша юртда чўпонлар бор эди ва улар тунда сурувларини қўриқлаб, далада тунар эдилар.

⁹ Тўсатдан Худованднинг фариштаси уларнинг олдида пайдо бўлиб, Худованднинг шуҳрати чўпонларни коплаганда улар ниҳоятда кўрқиб кетишди.

¹⁰ «Қўркманглар!» – деди уларга фаришта. «Мен сизларга барча одамларни чексиз қувонтиражак Хушхабарни келтирдим.

¹¹ Бугун Довуднинг шахрида сизлар учун Нажоткор туғилди. У Раббимиз – Масихдир.

¹² Мана сизларга Унинг белгиси: йўргакланиб, охурда ётган Чақалоқни топасизлар».

¹³ Бирданига фаришта ёнида лак-лак самовий кўшинлар кўриниб:

¹⁴ «Самодаги Худога хурмату иззат, ердаги бандаларига тинчлигу марҳамат!» – деб Худога ҳамду сано айтдилар.

¹⁵ Фаришталар улар олдидан осмонга кўтарилиб кетгандан кейин чўпонлар ўзаро: «Қани келинлар, Байтлаҳмга бориб, Худованд бизга билдирган бу воқеани кўрайлик!» – дея сўзлашдилар.

¹⁶ Улар шошилганча югура боришиб, Марям, Юсуф ва охурда ётган Чақалоқни топдилар.

¹⁷ Улар Уни кўришганидан кейин ушбу Чақалоқ ҳақида эшитганларини айтиб бердилар.

¹⁸ Ҳамма эшитганлар эса чўпонларнинг гапига жуда ҳайрон бўлишди.

¹⁹ Марям эса бу сўзларнинг барчасини дилига туғиб олиб, қалбида сақлаб юрди.

²⁰ Чўпонлар бўлса кўрган ва эшитганлари ҳаммаси фаришта айтганидек бўлгани учун Худога ҳамду сано айтиб қайтдилар.

Чақалоқ Ийсоғни Худога бағишлаш маросими

²¹ Орадан саккиз кун ўтиб, Чақалоқни суннат қилмоқ лозим бўлди. Марям ҳомиладор бўлишидан олдин, фаришта унга буюрганидай, боланинг исмини Ийсо қўйдилар.

²² Мусонинг қонунида баён этилган тозаланиш даври тамом бўлгач, Ийсони Худовандга бағишлаш учун Қуддусга олиб келдилар.

²³ Чунки Худованд қонунида: «Туғилган ҳар бир тўнғич ўғил Худовандга бағишлансин», – деб битилган.

²⁴ Яна Худованд қонунига кўра, улар иккита мусича ёки иккита каптар полапонини қурбон қилишга ният қилдилар.

²⁵ Ўша вақтда Қуддусда Шимён исмли бир одам яшар эди. У солиҳ ва диёнатли бўлиб, Исроилнинг тасалли топиш замонини интизор бўлиб кутиб юрар ва Муқаддас Рух эса унга ёр эди.

²⁶ Муқаддас Рух унга: «Сен Худованд юборган Масихни кўрмагунингча ўлмайсан», деб олдинда-ноқ маълум қилган эди.

²⁷ Шундай қилиб, Шимён Муқаддас Рух таъсирида ибодатхонага борди. Ийсонинг ота-онаси Илоҳий Қонунда буюрилган маросимларни ижро этиш учун Чақалокни ичкарига олиб кирганларида

²⁸ Шимён Уни қўлига олиб, Худони шундай дея улуғлади:

²⁹ «Эгам, энди айтган сўзингга мувофиқ, кулингни тинчлик билан қўйиб юборгайсан.

³⁰ Зеро ўз кўзим-ла Сенинг барча халқлар учун тайёрлаган нажотингни,

³¹ мажусийларнинг дилларини равшан қиладиган илоҳий нурни,

³² Ўз халқинг Исроилнинг шон-шарафини кўрдим».

³³ Ийсо ҳақида айтилган бу сўзларга Юсуф ва Марям ҳайрон бўлдилар.

³⁴ Шимён уларга оқ фотиҳа берди ва Ийсонинг онаси Марямга деди: «Мана шу ётган Чақалоқ Исроилда кўпларнинг қулаши ҳамда юксалишига ва турли талашиш-тортишувларга сабабчи бўлади».

³⁵ Кўпларнинг дилидаги фикр-хаёллари ошкора бўлади. Сенинг қалбингга ҳам тиг санчилгандек бўлади».

³⁶ У ерда Ашир қабиласидан бўлган Фануилнинг қизи Анна исмли жуда кекса бир пайғамбар аёл ҳам бор эди. У эри билан етти йилгина яшаб, тул қолган эди.

³⁷ Саксон тўрт яшар бева ибодатхонадан ҳеч кетмасдан рўза тутарди ҳамда кечаю кундуз тоат-ибодат қилиб, Худо хизматида эди.

³⁸ Шу пайт у ҳам яқинлашиб, Худовандни мадҳ этганча Қуддуснинг нажот кунига кўз тикиб юрганларнинг ҳаммасига У ҳақида сўзлай бошлади.

Носирага қайтиш

³⁹ Юсуф билан Марям Худованд қонунида буюрилган бутун амрларни бажаришганидан кейин Жалилага, ўз шаҳарлари Носирага қайтиб бордилар.

⁴⁰ Бола эса ўсиб, ҳикматга бой ва руҳан бақувват бўла боргани сайин, Худованднинг инояти Унда намоен бўлар эди.

Ўсмир Ийсо ибодатхонада

⁴¹ Ҳар йили Ийсонинг ота-онаси Фисих байрамида Қуддусга борар эдилар.

⁴² Ийсо ўн икки ёшга тўлганида улар яна одатдагидай байрам қилиш учун Қуддусга бордилар.

⁴³ Байрам кунлари тамом бўлгач, улар уйга қайтар эканлар, ўсмир Ийсо Қуддусда қолди. Бунни Юсуф ҳам, Марям ҳам пайқамадилар.

⁴⁴ Уни бошқалар билан бирга келяпти деб ўйладилар. Бир кунлик йўл юришгач, қариндошлари ва танишлари орасидан Ийсони қидира бошладилар.

⁴⁵ Уни топа олмасдан, қидира-қидира Қуддусга қайтдилар.

⁴⁶ Уч кундан сўнг Уни ибодатхонадан, муаллимлар орасида ўтириб, уларни тинглаб ва уларга саволлар бераётган жойдан топдилар.

⁴⁷ Уни тинглаётганларнинг барчаси Унинг ақлидрокига ва бераётган жавобларига қойил эдилар.

⁴⁸ Ота-онаси Уни кўриб ажабландилар ва онаси Унга: «Болам! Бу нима қилганинг? Мана, отанг билан мен жуда қайғуриб, Сени қидириб келяпмиз», – деди.

⁴⁹ Ийсо уларга: «Нега Мени қидирдингизлар? Ёки Отамнинг уйида бўлишим кераклигини билмасмидингиз?» – деди.

⁵⁰ Аммо улар Унинг айтган сўзларини тушунмадилар.

⁵¹ Ийсо улар билан бирга Носирага қайтиб келди. Уларга итоатли бўлиб юрди. Онаси эса бу гапларнинг ҳаммасини дилига тугиб олди.

⁵² Шундай қилиб, Ийсо заковатда ҳам, ёшда ҳам улғайиб бориб, Худо ва одамларнинг меҳрини қозонар эди.

III БОБ

Яҳё пайғамбарнинг хизмати

¹ Рим императори Тибериус салтанатининг ўн бешинчи йили эди. Яҳудияда Понтий Пилат, Жалилада Ҳирод, Итурее билан Трахонит вилоятларида унинг укаси Филип, Авила юртида эса Лисаний ҳокимлик қилар эдилар.

² Ханан ва Каяфа олий руҳоний лавозимида эдилар. Ўша вақтда саҳрода яшаётган Закариёнинг ўғли Яҳёга Худонинг Каломи келди.

³ Яҳё халқни тавба-тазарру қилишга ва гуноҳлари кечирилиши учун сувга чўмиб имон келтиришга чорлаб, Иордан дарёси атрофидаги барча юртларни кеза бошлади.

⁴ Бу воқеа Ишаъё пайғамбарнинг китобида битилган қуйидаги оятларга тўғри келади: «Мана, чўлда нидо янграмоқда: сўқмоқларни равон қилиб, Худовандга йўл тайёрлангиз.

⁵ Ҳар бир чуқурлик тўлиб қолсин, ҳар қандай

тепалик пастласин, эгриликлар тўғрилансин, паст-
баландликлар текис бўлсин,

⁶ Ва ҳар бир инсон Худонинг нажотини кўрур».

⁷ Яҳё сувга чўмиб имон келтириш учун келаётган халқ оммасига хитоб қилди: «Эй илонлар зоти! Бошингизга келаётган Худо ғазабидан қочишни сизларга ким уқтирди?

⁸ Бундан буён тавба қилганингизга яраша мева келтиринглар! Ўзингизча Отамиз Иброҳим, деб ўйлаб ўтирманглар. Мен сизларга Худо шу тошлардан ҳам Иброҳимга авлод тиклашга қодир, деб айтаман.

⁹ Ҳозирданок дарахтлар илдизи ёнида болта ётибди. Энди яхши мева бермаган ҳар бир дарахт кесилиб, оловга ташланади».

¹⁰ Халойиқ эса Яҳёдан: «Ундай бўлса, биз нима қилишимиз керак?» – деб сўради.

¹¹ У жавоб бериб деди: «Кимнинг иккита кийими бўлса, бирини муҳтож бўлганга берсин. Озиқ-овқатга эга бўлган ҳам шундай қилсин».

¹² Солиқчилардан баъзилари ҳам сувда имон келтириш учун келиб, Яҳёдан: «Устоз, биз нима қилишимиз керак?» – деб сўрашди.

¹³ Яҳё уларга: «Сизларга буюрилганидан ортиғини талаб қилманглар», – деб жавоб берди.

¹⁴ Баъзи бир ҳарбийлар ҳам ундан: «Унда бизлар нима қилишимиз керак?» – деб сўрадилар. Яҳё уларга: «Талончилик қилманглар, ҳеч кимнинг ҳа-

қини еманглар ва ўз маошингиз билан қаноатланиб юринглар», – деб жавоб берди.

¹⁵ Қутқарувчи келишини кутиб юрган халқ Яҳё ҳақида «Бу Масих эмасмикан?» – деб кўнглидан ўтказиб турар эди.

¹⁶ Яҳё эса ҳаммага жавобан деди: «Мен сизларни сувга чўмдирыпман. Лекин мендан Қудратлироғи келмоқда, мен Унинг чориқ ипларини ечишга ҳам муносиб эмасман. У сизларни Муқаддас Рухга ва оловга чўмдиради.

¹⁷ Унинг белкураги Ўз кўлида, У Ўз хирмонини шопиради ва буғдойни Ўз омборига тўплаб, сомонни эса сўнмас ўтда ёндириб юборади».

¹⁸ Яҳё яна кўп нарсалар хусусида халойиққа насиҳат қилиб, Хушхабарни баён этиб юрди.

Яҳёнинг қамоққа олиниши

¹⁹ Вилоят ҳокими Ҳироднинг ҳам укасининг хотини Ҳиродияни олгани ва бошқа бир қатор ёмон ишлари Яҳё тарафидан фош бўлиб қолди.

²⁰ Бу қилғиликлари етмагандек Яҳёни зиндонга қаматиб ҳам кўйди.

Ийсонинг Худо томонидан тасдиқланиши

²¹ Барча халойиқ сувга чўмиб имон келтираётган вақтда Ийсо ҳам сувга чўмди. У ибодат қилиб турганда осмон очилиб кетди

²² ва Муқаддас Рух жисм тусини олиб, каптар шаклида Унинг устига тушиб келди. Осмондан эса: «Сен Менинг севикли Ўғлимсан, Менинг марҳаматим Сенда», – деган садо келди.

Ийсонинг насабномаси

²³ Ийсо Ўз хизматини бошлаган вақтда ўттиз ёшлар чамасида эди. У одамлар ўйлаганидек Юсуфнинг ўғли ҳисобланар эди. Юсуф эса – Элининг ўғли,

²⁴ Эли Маттотнинг, Маттот Левийнинг, Левий Малкийнинг, Малкий Янайнинг, Янай Юсуфнинг ўғли,

²⁵ Юсуф Маттиёнинг, Маттиё Амоснинг, Амос Нахумнинг, Нахум Ҳеслининг, Ҳесли Нагайнинг ўғли,

²⁶ Нагай Маҳатнинг, Маҳат Маттафиёнинг, Маттафиё Шемайнинг, Шемай Юсуфнинг, Юсуф Яхудонинг ўғли,

²⁷ Яхудо Юханнонинг, Юҳанно Резонинг, Резо Зўрбобилнинг, Зўрбобил Шаълтиэлнинг, Шаълтиэл Нерийнинг ўғли,

²⁸ Нерий Малкийнинг, Малкий Аддийнинг, Аддий Қосимнинг, Қосим Элмодамнинг, Элмодам Гернинг ўғли,

²⁹ Гер Йўшуанинг, Йўшуа Илъазарнинг, Илъазар Ёримнинг, Ёрим Маттотнинг, Маттот Левийнинг ўғли,

³⁰ Левий Шимённинг, Шимён Яхудонинг, Яхудо Юсуфнинг, Юсуф Юнуснинг, Юнус Элёкимнинг ўғли,

³¹ Элѣким Малиѣнинг, Малиѣ Маннонинг, Манно Маттафонинг, Маттафо Натаннинг, Натан Довуднинг ўгли,

³² Довуд Ишайнинг, Ишай Обиднинг, Обид Бўазнинг, Бўаз Салмоннинг, Салмон Наҳшўннинг ўгли,

³³ Наҳшўн Аминадобнинг, Аминадоб Ромнинг, Ром Ҳасрўннинг, Ҳасрўн Параснинг, Парас Яхудо-нинг ўгли,

³⁴ Яхудо Ёкубнинг, Ёкуб Исҳоқнинг, Исҳоқ Иброҳимнинг, Иброҳим Тераҳнинг, Тераҳ Наҳўрнинг ўгли,

³⁵ Наҳўр Саруғнинг, Саруғ Рағунинг, Рағу Фалажнинг, Фалаж Ҳавернинг, Ҳавер Шалаҳнинг ўгли,

³⁶ Шалаҳ Қенаннинг, Қенан Арпахшоднинг, Арпахшод Сомнинг, Сом Нухнинг, Нух Ламакнинг ўгли,

³⁷ Ламак Матушалоҳнинг, Матушалоҳ Ҳанўхнинг, Ҳанўх Ёреднинг, Ёред Маҳолалилнинг, Маҳолалил Қенаннинг ўгли,

³⁸ Қенан Энушнинг, Энуш Шитнинг, Шит Одамнинг, Одам эса Худонинг ўгли эди.

IV БОБ

Ийсонинг синалиши

¹ Ийсо Муқаддас Рухга тўлган ҳолда Иордан дарёсидан қайтиб келди ва Рухнинг таъсирида саҳрога борди.

² У ерда Ийсо қирқ кун мобайнида иблис томонидан васвасага солинди. Шу кунларда У ҳеч нарса емади ва охирида оч қолди.

³ Ўшанда иблис Ийсога: «Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, бу тошга амр эт, нонга айлансин!» – деди.

⁴ Ийсо бунга жавобан: «Тавротда: “Инсон фақатгина нон билан эмас, балки Худонинг ҳар бир каломи билан яшайди”, деб ёзилган», – деди.

⁵ Сўнг иблис Ийсони баланд тоққа олиб чиқиб, бир лаҳзада оламнинг барча салтанатларини Унга кўрсатди.

⁶ Иблис Ийсога шундай деди: «Барча ўлкалар устидан ҳокимлик қилишни ҳамда буларнинг шон-шуҳратини Сенга бераман. Чунки улар менга топширилган ва мен истаганимга бераман.

⁷ Энди Сен менга таъзим қилсанг бас, ҳаммаси Сеники бўлади».

⁸ Ийсо унга жавоб бериб: «Кет олдимдан, шайтон! Тавротда: “Раббинг бўлган Худовандга таъзим қил ва биргина Унга итоатда бўл”, деб ёзилган», – деди.

⁹ Кейин иблис Ийсони Қуддусга олиб борди ва ибодатхонанинг тепасига турғазиб: «Агар Сен Худонинг Ўғли бўлсанг, Ўзингни пастга ташла-чи.

¹⁰ Чунки ёзилганки: “У Ўз фаришталарига Сен ҳақда амр этгай, токи Сени асраб қолсинлар.

¹¹ Улар Сени қўлларида кўтариб кетар, оёғинг ҳам тошга қоқилмагай”» – деди.

¹² Ийсо унга: «“Раббинг бўлган Худовандни синама”, деб ёзилган», – деб жавоб берди.

¹³ Иблис эса барча синовларини тамом қилганидан кейин вақтинча Ийсодан узоқлашди.

Ийсонинг Ўз юртида рад қилиниши

¹⁴ Ийсо Муқаддас Рух қудратида Жалилага қайтиб келди ва У ҳақда мамлакат бўйлаб овоза тарқалди.

¹⁵ Яҳудий синагогаларида* таълим бергани сари ҳамма Уни мақтарди.

¹⁶ Сўнг Ийсо ўсиб тарбияланган жойи Носирага борди. Ўз одати бўйича шанба кунда синагогага кириб, Худонинг Сўзини ўқиб бериш учун ўрнидан турди.

¹⁷ Унга Ишаъё пайғамбарнинг китобини узатдилар. У китобни очиб, қуйидаги оятлар ёзилган жойни топиб ўқиди:

¹⁸ «Худованднинг Руҳи менга ёрдир. У Мени муқаддас мой билан мойлади. Бечораларга Хушхабар етказмоқ учун, қалби яраларни шифолаш учун, асирга – озод бўлгин, кўрларга кўзинг очилсин демок учун, қийналганларни эркинликка чиқариш учун,

¹⁹ марҳамат йилини эълон қилмоқ учун Худованд Мени юборди».

²⁰ Кейин Ийсо китобни ёпиб хизматчига бериб, ўр-

* Ибронийларнинг Таврот қонунларини ўрганиб Худовандга ибодат қиладиган жойи.

нига ўтирди. Шунда синагогадаги барчанинг кўзи Унга тикилди.

²¹ Ийсо уларга сўзлай бошлади: «Сизлар эшитган ушбу оятлар шу бугун бажо бўлди», – деди.

²² Ҳамма Ийсонинг айтганларини маъқуллар эди. Унинг оғзидан чиққан латиф ва иноятли сўзларга қойил бўлишиб: «Бу Юсуфнинг ўғли эмасми?» – деб айтдилар.

²³ Ийсо уларга деди: «Сизлар албатта: “Эй табиб, Ўзингни Ўзинг давола” деган сўзни эслатмоқчисизлар. Биз эшитганимиздай, Кафарнаҳумда рўй берган ишларни бу ерда, Ўз юртингда ҳам амалга ошир-чи, дерсизлар».

²⁴ Кейин Ийсо давом этди: «Сизларга ростини айтайин, ҳеч қандай пайғамбар ўз юртида қабул қилинмайди.

²⁵ Мана, Илёс пайғамбар даврида уч йилу олти ой ёмғир ёғмасдан, бутун мамлакатда оғир очарчилик бўлганда Исроилда кўп бева аёллар бор эди.

²⁶ Ўшанда Илёс уларнинг биронтасига ҳам юборилмай, фақатгина Сидўн диёридаги Сарафат шаҳрида яшовчи бир бева аёлга юборилган эди.

²⁷ Шунингдек, Элиша пайғамбарнинг даврида ҳам Исроилда кўп моховлар бор эди. Аммо буларнинг биронтаси соғаймаган бўлса-да, фақатгина Суриялик Нўъмон соғайиб кетди», – деди.

²⁸ Бу гапларни эшитишиб, синагодагиларнинг барчаси ғазабланиб кетишди.

²⁹ Ўринларидан туриб, Ийсони шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқаришди-да, Уни ташлаб юбориш учун ўз шаҳарлари қурилган тепаликнинг қирғоғига, тоғнинг тепасига олиб боришди.

³⁰ Лекин Ийсо уларнинг орасидан ёриб ўтиб, Ўз йўлини давом эттирди.

Ийсо Кафарнаҳумда

³¹ Ийсо Жалиланинг Кафарнаҳум шаҳрига тушиб келиб, шанба кунларида халққа таълим бериб юрди.

³² Халқ эса Ийсонинг таълимотига ҳайрон қоларди, чунки Унинг Сўзларида куч-қудрат ва ҳокимият бор эди.

³³ Синагогада жинга чалинган ва ёмон руҳли бир одам бор эди. У баланд овоз билан бақириб:

³⁴ «Бизни тинч қўй, носиралик Ийсо! Бизлар билан нима ишинг бор? Сен бизни ҳалок қилгани келгансан! Сенинг кимлигингни биламан: Сен Худонинг Азизисан!» – деди.

³⁵ «Бас қил ва бу одамдан чиқиб кет!» – деди Ийсо жинга буйруқ қилиб. Шу пайт жин бу одамни ҳамманинг кўз ўнгида ерга йиқитди-да, унга ҳеч қандай зарар етказмай чиқиб кетди.

³⁶ Ўшанда ҳаммани ваҳима босди ва халойиқ ўзаро мулоҳаза қилишиб: «Бу қандай сўз экан? У ёмон руҳларга ҳам куч-қудрат ва ҳокимлик билан буюради, улар эса чиқиб кетади!» – дейишар эди.

³⁷ Шундай қилиб, Ийсо ҳақидаги шов-шув барча вилоятларга овоза бўлди.

Ийсонинг кўплаган хасталарни соғайтириши

³⁸ Ийсо синагогадан чиқиб Симуннинг уйига келди. Симуннинг қайнонаси оғир иситмадан қийналиб ётган эди. Ийсога касални кўриб, ёрдам беришни илтимос қилишди.

³⁹ Ийсо аёлнинг ёнига келиб, иситмага буйруқ қилди. Иситма ўша заҳоти аёлни тарк этди ва у турибоқ уларга хизмат қилишга киришди.

⁴⁰ Қуёш ботаётган чоғ ҳамма турли хасталикларга йўлиққан одамларини Ийсонинг ҳузурига олиб келар ва Ийсо уларнинг ҳар бирига қўлларини теги-зиб шифо берарди.

⁴¹ Жинлар эса: «Сен Худонинг Ўғли – Масихсан!» – деб бақирганларича, кўп одамларни тарк этардилар. Ийсо жинларга гапиришни тақиқларди, чунки улар Унинг Масихлигини билардилар.

Ийсонинг бутун Яҳудия юртида ваъз қилиши

⁴² Тонг отгач, Ийсо уйдан чиқиб овлоқ жойга кетди. Халқ эса Уни қидириб топиб, ташлаб кетмасликни сўраб ёлворди.

⁴³ Ийсо уларга: «Мен Худо Шоҳлиги ҳақидаги Хуш-хабарни бошқа шаҳарларга ҳам етказишим керак, чунки Мен шунинг учун юборилганман», – деди.

⁴⁴ Шундай қилиб Ийсо Яҳудия юртининг синагогаларида ваъз айтиб юрди.

V БОБ

Ийсонинг дастлабки шогирдлари

¹ Бир куни Ийсо Генисарет кўли ёқасида турганида халойиқ Худонинг каломини тинглаш учун Унинг ёнида тирбанд бўлиб тўпланди.

² Ийсо кўл қирғоғида турган икки қайиқни ва қайиқдан тушган балиқчиларнинг тўрларини юваётганини кўрди.

³ Қайиқларнинг бири Симунники эди. Ийсо ўша қайиққа тушиб, қирғоқдан бир оз нарироқ сузиб боришни Симундан илтимос қилди ва қайиққа ўтириб, халққа таълим бера бошлади.

⁴ Насихатларини тугатиб, Ийсо Симунга: «Чуқуроқ ерга сузиб бориб, ўлжа учун тўрларингизни ташланглар», – деди.

⁵ Симун эса жавоб бериб: «Устоз, бизлар тун бўйи уриниб, ҳеч нарса тутолмадик. Лекин Сенинг сўзинг бўйича тўрни ташлайман», – деди.

⁶ Улар Ийсонинг айтганини қилгач, жуда кўп балиқ овладиларки, ҳатто тўрлари йиртила бошлади.

⁷ Улар бошқа қайиқдаги ўртоқларига ёрдам беришлари учун ишора қилдилар ва улар келиб, иккала қайиқни ҳам чўқар даражада балиқларга тўлдирдилар.

⁸ Симун Бутрус буни кўргач, Ийсонинг олдида тиз чўкиб: «Ё Раббий! Мендан узоқлаш, чунки мен гуноҳкорман», – деди.

⁹ Чунки улар тутган бундай мўл балиқдан ўзини ва у билан бирга бўлганларнинг ҳаммасини ваҳима босган эди.

¹⁰ Бу воқеадан Симуннинг шериклари бўлган Забадий ўғиллари Ёқуб билан Юҳанно ҳам ваҳимага тушишган эди. Ийсо Симунга қараб: «Кўрқма, бундан буён инсонларни овлайсан», – деди.

¹¹ Улар иккита қайиқни қирғоққа тортиб чиқардилар ва ҳаммасини қолдириб, Ийсонинг кетидан эргашдилар.

Ийсонинг моховни соғайтириши

¹² Ийсо бир шаҳарда бўлганида бутун танаси мохов бўлган бир киши келиб қолди ва Ийсони кўриб, юз тубан ерга ташланди-да: «Раббим, агар истасанг, мени моховликдан поклай оласан», – деб ёлворди.

¹³ Ийсо қўлини узатди ва унга тегизиб: «Истайман, пок бўл!» – деди. У одам ўша заҳоти моховликдан соғайди.

¹⁴ Ийсо унга: «Бу ҳақда ҳеч кимга айтма. Гувоҳлик учун бориб ўзингни руҳонийга кўрсат ва дарддан холис бўлганингни тасдиқлаш учун Мусо пайгамбар амр этган қурбонликларни келтириб бер», – деди.

¹⁵ Шу билан Ийсо ҳақидаги гап-сўз янада кўпроқ тарқалди. Тумонат халойиқ эса Уни тинглаш ва

ўзларининг дардларига шифо топиш учун Унинг олдига оқиб келар эди.

¹⁶ У эса гоҳо-гоҳо овлоқ жойларга кетиб, ибодат қилар эди.

Ийсонинг шолни соғайтириши

¹⁷ Ийсо таълим бераётган кунларнинг бирида Жалила билан Яҳудия юртларининг ҳар бир қишлоқларидан ҳамда Қуддусдан фарзийлар ва Таврот тафсирчилари келди. Улар ўтириб тинглар эканлар, хасталарни шифоловчи илоҳий куч Ийсода намоён бўлаётган эди.

¹⁸ Шу пайт кимлардир тўшақда шол бир одамни кўтариб келиб, уни Ийсонинг олдига олиб киришга уриндилар.

¹⁹ Лекин одам кўплигидан бунинг иложини қилолмадилар. Шундан сўнг томга чиқиб шифтни ёриб, шолни тўшаги билан ўртага, Ийсонинг олдига туширдилар.

²⁰ Ийсо уларнинг эътиқодини кўриб, касал ётган одамга: «Сенинг гуноҳларинг кечирилди», – деди.

²¹ Уламолар ва фарзийлар ўзаро: «Куфрлик қилаётган бу Одам ким экан? Ёлғиз Худодан бошқа ким ҳам гуноҳларни кечира оларди?» – деб мулоҳаза юрита бошладилар.

²² Ийсо уларнинг ўй-фикрларини сезиб, бунга жавобан деди: «Сизлар кўнглингизда нималарни мулоҳаза қиляпсизлар?»

²³ «Нимани айтиш осонроқ: “гуноҳларинг кечирилди” деб айтишми, ёки “ўрнингдан туриб юра қол” деб айтишми?

²⁴ Лекин Инсон Ўғлининг ер юзида гуноҳларни кечириш ҳокимиятига эга эканлигини ҳам билиб қўйинглар!» – деди. Шундан сўнг Ийсо шол одамга қайрилиб: «Сенга айтаман: Ўрнингдан тур, тўшагингни ол-да, уйингга бор!» – деди.

²⁵ Шол одам ўша заҳотиёқ ҳамманинг кўз ўнгида ўрнидан турди-да, ўзи ётган тўшагини олиб, Худони улуғлаган-ча уйига кетди.

²⁶ Ҳаммани ваҳима босди ва қўрқув билан Худони олқишлаб: «Биз бугун ажиб ишлар кўрдик», – дедилар.

Ийсонинг Левийни (Маттони) чақириши

²⁷ Ийсо у ердан чиққандан сўнг солиқ йиғадиган жойда ўтирган Левий исмли солиқчини кўриб, унга: «Менинг орқамдан юр!» – деди.

²⁸ Шунда у ўрнидан туриб ҳамма нарсасини қолдирди-да, Ийсонинг кетидан эргашди.

²⁹ Левий Ийсони уйига чақириб, Унинг шарафига катта зиёфат берди. Ийсо билан кўплаган солиқчилар ва оддий халқдан талай киши бирга дастурхон атрофида ўтиришди.

³⁰ Шунда уламолар ва фарзийлар Ийсонинг шогирдларига: «Нега сизлар солиқчию гуноҳкорлар

билан бирга еб-ичиб ўтирибсизлар?» дея нолий бошлашди.

³¹ Ийсо уларга шундай деб жавоб берди: «Табибга соғлар эмас, беморлар муҳтождир.

³² Мен тақводорларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман».

Рўза тутиш ҳақида

³³ Яна Унга шундай дедилар: «Мана, Яхёнинг шогирдлари тез-тез рўза тутиб ибодат қилишади, фарзийларнинг шогирдлари ҳам худди шундай қилишади. Сенинг шогирдларинг-чи, нега еб-ичиб юрибдилар?»

³⁴ Ийсо уларга деди: «Куёв даврада бўлган вақтда тўй аҳлини рўза тутишга мажбур қилиб бўлармикин?

³⁵ Аммо куёв уларнинг ёнидан олинадиган кунлар келади, ана ўшанда рўза тутадилар».

³⁶ Шунингдек, Ийсо уларга бир масални ҳам айтиб берди: «Ҳеч ким янги кийимдан йиртиб олиб, эски кийимга ямоқ солмайди. Акс ҳолда янги кийим йиртиқ-ямоқ бўлади ва янги кийимдан олинган ямоқ ҳам эски кийимга ярашмайди.

³⁷ Шунинг сингари, ҳеч ким янги шаробни эски мешга қуймайди. Чунки янги шароб мешни йиртади, шароб тўкилади ва меш ҳам нобуд бўлади.

³⁸ Аксинча, янги шаробни янги мешга қуйиш керак. Шунда у ҳам, бу ҳам сақланиб қолади.

³⁹ Эски шаробни ичгандан кейин ҳеч ким янгисини истамайди. Балки «Эскиси яхши», – деб айтади.

VI БОБ

Дам олиш кунига риоя қилиш ҳақида

¹ Шанба кунларининг бирида Ийсога шогирдлари билан ғалла экилган даладан ўтишга тўғри келди. Шогирдлари эса буғдой бошоқларини узиб, кафтга уқалаб еяётган эдилар.

² Баъзи бир фарзийлар эса уларга деди: «Нега сизлар дам олиш кунига ман қилинган ишни қияп-сизлар?»

³ Ийсо уларга шундай жавоб берди: «Наҳотки, сизлар Довуд билан унинг ҳамроҳлари оч қолганида нима қилганини ҳеч ўқимаган бўлсангиз?»

⁴ Довуд Худонинг уйига кириб, фақат руҳонийларгина ейиши мумкин бўлган бахшида нонни олиб еб, ҳамроҳларига ҳам берган эди».

⁵ Кейин Ийсо уларга деди: «Инсон Ўғли дам олиш кунининг ҳам ҳокимидир».

⁶ Шанба кунларнинг яна бирида Ийсо ибодатхонага кириб таълим бера бошлади. У ерда ўнг қўли қуриб қолган бир одам бор эди.

⁷ Уламолар билан фарзийлар Ийсони айблаш учун бирон ваз топшиш мақсадида, У шанба куни ҳам одамни соғайтирармикан, деб Ийсони кузатиб турдилар.

⁸ Ийсо бўлса уларнинг фикрларини билиб, қўли шол одамга: «Ўрнингдан туриб ўртага чик!» – деб буюрди ва у ўртага чикди.

⁹ Ийсо уларга қараб шундай деди: «Мен сизларга савол берай: дам олиш кунда нима қилиш лозим – яхшиликми ёки ёмонликми? Жонни халос қилишми ёки ҳалок қилишми?» Улар индамадилар.

¹⁰ Шунда уларга бирин-кетин кўз югуртирди-да, у одамга: «Қўлингни узат!» – деди. У одам қўлини узатиши биланоқ қуриган қўли бошқа қўлидай соппа-соғ бўлиб қолди.

¹¹ Улар бўлса бундан жазавага тушишиб, Ийсо-ни нима қилсак экан, дея ўзаро фикрлаша бошладилар.

Ийсонинг ўн икки ҳаворийни танлаши

¹² Ўша кунларда Ийсо ибодат учун тоққа чикди ва тунни Худога ибодат қилиш билан ўтказди.

¹³ Тонг ёришгач, шогирдларини ёнига чақирди ва уларнинг ораларидан ўн икки кишини танлаб ҳаворий қилиб тайинлади.

¹⁴ Улар: Бутрус деб ном олган Симун, унинг укаси Идрис, Ёқуб, Юҳанно, Филип, Варфоломей,

¹⁵ Матто, Фома, Алфей ўғли Ёқуб, ватанпарвар деб танилган Симун,

¹⁶ Ёқуб ўғли Яҳудо ва кейинчалик хиёнат қилган Ишқариотлик Яҳудо.

¹⁷ Шундан сўнг Ийсо улар билан бирга пастга тушиб, ясси бир жойда тўхтади. Унинг кўплаб шогирдлари, шунингдек, бутун Яҳудиядан, Қуддусдан, Тир ва Сидон соҳилларидан келган жуда катта оломон,

¹⁸ Ийсони тинглаш учун ва ўз хасталикларидан фориғ бўлиш учун у ерга тўпланган эдилар. Ёмон руҳлардан азоб тортаётганлар ҳам шифо топар эдилар.

¹⁹ Бутун халқ қўл тегизиш мақсадида Ийсога интилар эди, чунки Ундан ҳаммани соғайтирадиган шифобахш бир куч чиқар эди.

Тогдаги насиҳат

Кимлар саодатли?

²⁰ Ийсо кўзларини шогирдларига тикиб, деди: «Руҳан камбағаллар, саодатлисиз! Чунки Худонинг Шоҳлиги сизникидир.

²¹ Эй ҳозир оч юрганлар, саодатлисиз! Чунки тўқ бўласизлар. Эй ҳозир йиғлаётганлар, саодатлисиз! Чунки сизга севинч кулгиси келур.

²² Инсон Ўғлига ён босганингиз учун одамлар сиздан нафратланса, жамиятдан қувғин қилиб, ҳақорат қилса, номингизга доғ тушириб бадном этса, сиз саодатлисиз!

²³ Ўша кунда севининг, севинчдан ўйнанглар! Зеро сизга само мукофоти буюк бўлур. Пайғамбарларга ҳам уларнинг оталари шу йўлни тутганлар.

Кимларга қайғу?

²⁴ Лекин, бойлар, ҳолингизга вой! Чунки сиз ўз хузурингизни олиб бўлдингиз.

²⁵ Эй ҳозир тўқлар, ҳолингизга вой! Чунки сиз оч қолажаксизлар. Ҳозир кулаётганлар, ҳолингизга вой! Сизлар йиғлаб-хўнграйсизлар.

²⁶ Агарда сизни ҳамма мақтаса, бу ҳолда ҳам ҳолингизга вой! Сохта пайғамбарларга ҳам оталари шу йўлни тутганлар!

Душманларингизни севинг

²⁷ Лекин сиз, тинглаётганларга айтаман: душманларингизни севинглар, сиздан нафратланганга яхшилик қилинглар.

²⁸ Сизга лаънат айтганга оқ фотиҳа беринг. Сизга озор берганлар учун ибодат қилинглар.

²⁹ Бир чакканга урганга иккинчисини ҳам тут. Тўнингни тортиб олгандан кўйлагингни ҳам аяма.

³⁰ Сўровчига доимо бер ва қайтариб беришини талаб қилма.

³¹ Одамлар сизларга қандай муомалада бўлишларини истасангизлар, сиз ҳам уларга шундай муомалада бўлинг.

³² Агар сизни севганларнигина севсангиз, қандай савоб қилган бўласизлар? Ана, гуноҳкорлар ҳам ўзларини севадиганларни севадилар.

³³ Агар ўзингизга яхшилик қилганларгагина яхшилик қилсангиз, қандай савоб қилган бўласиз? Ана, гуноҳкорлар ҳам худди шундай қиладилар.

³⁴ Агар сиз қайтариб олишга умид қилиб қарз берсангиз, қандай савоб қилган бўласиз? Ана, гуноҳкорлар ҳам берганини қайтариб олиш мақсадида гуноҳкорларга қарз берадилар.

³⁵ Лекин, сизга айтаман, душманларингизни севинг, яхшилик қилинг, ҳеч нарса таъма қилмай қарз беринг ва шунда буюк мукофот олиб, Худованднинг ўғиллари бўласизлар. Чунки Унинг Ўзи ҳам ношукур ва ёмон ниятлиларга нисбатан меҳрибондир.

³⁶ Шундай қилиб, Отангиз раҳмдил бўлгани каби, сизлар ҳам раҳмдил бўлинглар.

Бошқаларни ҳукм қилманглар

³⁷ Ҳукм қилманг, маҳкум бўлмайсиз. Айбламанг, айбдор бўлмайсиз. Кечиринг, кечириласиз.

³⁸ Бошқаларга беринг, сизларга ҳам қайтади – яхшилаб босилган, силкитилган, тўлиб-тошган ўлчов билан қўйни-қўнжингизга тўкилади. Чунки сизлар қандай ўлчов билан ўлчасангизлар, сизларга ҳам шундай ўлчов билан ўлчаб берилади».

³⁹ Ийсо уларга яна қуйидаги масални айтиб берди: «Кўр кўрни етаклаб юра олармикан? Иккаласи ҳам чоҳга тушиб кетмасмикан?»

⁴⁰Шогирд ўз устозидан юқори бўлмайди. Аммо камолотга етгандан кейин ҳар ким ўзининг устозидай бўлур.

⁴¹Сен нега биродаринг кўзидаги зирапчани кўрасан-у, лекин ўз кўзингдаги ходани сезмайсан?

⁴²Сен ўз кўзингдаги ходани кўрмай туриб, қандай биродарингга: «Кел, биродарим, кўзингдаги зирапчани чиқарай» деб айта оласан? Эй иккиюзламачи! Олдин ўз кўзингдан ходани чиқариб кўй, кейин биродарингнинг кўзидаги зирапчани чиқаришни удалайсан.

Худонинг иродасини бажо келтириш

⁴³Яхши дарахт ёмон мева бермас ва ёмон дарахт яхши мева бермас.

⁴⁴Ҳар бир дарахт ўз мевасидан билинур. Чунки тиканзордан анжир терилмас, бутазордан узум узилмас.

⁴⁵Яхши одам ўзининг қалб хазинасидан яхшилик чиқарур. Ёмон одам эса ўзининг қалб хазинасидан ёмонлик чиқарур. Одамнинг дили нимага тўлиб-тошса, тили ўшани гапирур.

⁴⁶Нега сизлар мени «Ё Раббим, Ё Раббим», деб чақирасизлар-у, аммо айтганларимни қилмайсизлар?

Соғлом ва чирик негиз

⁴⁷Менинг олдимга келган ва сўзларимни эшитиб, бажо келтирган ҳар бир кишининг кимга ўхшашлигини сизларга айтиб кўяй:

⁴⁸ У ерни чуқур қазиб ва пойдеворини тош устига ўрнатган одамга ўхшайди. Сел тошиб, ўша уйни сув босганда у уй кўзгалмади, чунки у уй тош устига мустаҳкам ўрнатилган эди.

⁴⁹ Лекин сўзимни эшитиб, унга амал қилмаган киши уйини тупроқ устига, пойдеворсиз қурган одамга ўхшайди. Сел тошиб сув босган замон у уй қулаб тушибди ва унинг ҳаробалиги эса қўрқинчли бўлибди».

VII БОБ

Римлик юзбошининг эътиқоди

¹ Тинглаб турган халққа Ийсо Ўзининг сўзларини айтиб бўлганидан кейин Кафарнаҳум шаҳрига кирди.

² У ерда бир юзбошининг жуда азиз хизматкори касал бўлиб, ўлим тўшагида ётган эди.

³ Юзбоши Ийсонинг шаҳарга келганини эшитиб, У келиб хизматкорини даволашини илтимос қилиш учун яҳудийларнинг оқсоқолларини Ийсонинг хузурига юборди.

⁴ Улар Ийсонинг ёнига келгач, бир самимий ўтинч билан: «У Сенинг ёрдамингга муносиб кишидир.

⁵ У халқимизни севади ва бизга синагога ҳам қуриб берган», – дейишди.

⁶ Ийсо улар билан бирга кетди. У уйга яқинлашиб қолганда, юзбоши дўстларини Ийсога ушбу гапларни

айтгани пешвоз чиқарди: «Эй Раббий, овора бўлма! Кулбамга оёқ босишингга мен муносиб эмасман.

⁷ Шунинг учун сенинг олдингга боришни ҳам ўзимга лойиқ кўрмадим. Сен биргина сўз айтсанг, бас, хизматкорим соғайиб кетади.

⁸ Чунки мен ҳам буйруққа тобе одамман, шунингдек, менинг ихтиёримда ҳам аскарлар бор. Бирисига “кет” десам, кетади, бошқасига “кел” десам, келади; бирон хизматкоримга “шуни қил” десам, қилади».

⁹ Ийсо бу сўзларни эшитгач, юзбошига қойил қолди. У ўгирилиб, орқасидан эргашиб келаётган халойиққа: «Сизларга шуни айтиб қўяй, Мен бундай зўр эътиқодни Исроилда ҳам топганим йўқ», – деди.

¹⁰ Юборилганлар уйга қайтиб келишганда, бемор хизматкорни тузалган ҳолда кўрдилар.

*Ийсонинг Наин шаҳридаги
бева аёлнинг ўғлини тирилтириши*

¹¹ Шундан сўнг Ийсо Наин деган шаҳарга борди. Кўплаб шогирдлари ва талай халқ Унинг орқасидан эргашиб юрар эди.

¹² Ийсо шаҳарнинг дарвозасига яқинлашганда, бир бева аёлнинг ёлғиз ўғлининг жасадини кўтариб чиқаётган эдилар. Тумонат шаҳар аҳолиси у аёл билан бирга келаётган эди.

¹³ Раббимиз Ийсо аёлни кўргач, унга раҳми келиб: «Йиғлама!» – деди.

¹⁴ Тобутга яқин келиб қўл тегизди ва тобут кўтариб келаётганлар тўхташди. Ийсо: «Эй йигит, сенга айтяпман: тур ўрнингдан!» деди.

¹⁵ Ўшанда ўлик ростланиб ўтирди-да, гапира бошлади. Ийсо уни онасига топширди.

¹⁶ Ҳаммани ваҳима босди ва улар «Орамиздан буюк пайғамбар чикди, Худо Ўз халқини йўқлаб келди» деганларича, Худони олқишлар эдилар.

¹⁷ Шу тариқа Ийсо ҳақидаги хабар бутун Яҳудия ҳамда ён-атрофдаги жойларга тарқалди.

Яҳё чўмдирувчининг саволига Ийсонинг жавоби

¹⁸ Бу воқеалар ҳақида Яҳё ўз шогирдлари орқали хабардор бўлди.

¹⁹ Шунда Яҳё шогирдларидан иккитасини чақириб: «Келадиган Сенмисан, ёки биз бошқасини кутайликми?» – деб сўраш учун уларни Ийсонинг олдига юборди.

²⁰ Улар Ийсонинг олдига келиб: «Бизни Яҳё пайғамбар юборди ва У Сендан: “Келадиган Сенмисан, ёки биз бошқасини кутайликми?” деб сўраяпти», – дейишди.

²¹ Худди шу вақтда Ийсо турли хасталик ва иллатларга мубтало бўлган ҳамда ёвуз руҳларга чалинган талай халққа шифо бериб, кўпгина кўрларнинг кўзини ҳам очиб юрган эди.

²² Ийсо Яҳёнинг шогирдларига жавобан деди: «Боринглар, кўриб эшитаётганларингизни Яҳёга билдиринглар: кўрлар кўряпти, чўлоқлар юряпти,

моховлар тузаяпти, карлар эшитяпти, ўликлар тирияпти ва бечоралар Хушхабар эшитяптилар.

²³ Менинг Ким эканлигим ҳақида шубҳа қилмаган бахтлидир!»

²⁴ Яҳё юборган хабарчилар кетгандан кейин Ийсо халққа қарата Яҳё тўғрисида гапира бошлади: «Саҳрога нима кўргани бордингизлар? Шамолда тебранаётган қамишними?»

²⁵ Ахир нима кўргани бордингизлар? Башанг кийинган одамними? Аммо башанг кийиниб, айш-ишратда яшовчилар подшоҳларнинг саройида бўлади-ку!

²⁶ Ахир, нима кўргани бордингизлар? Пайғамбарними? Ҳа, сизларга айтиб қўяй, пайғамбардан ҳам улуғини кўрдингизлар.

²⁷ У ҳақида Тавротда шундай ёзилган: “Мен Сендан аввал Ўз Фариштамни юбораман ва у Сенга йўл ҳозирлайди”.

²⁸ Сизларга айтаманки, аёл зотидан туғилганлар орасида Яҳё чўмдирувчидан улуғроқ бирон пайғамбар йўқ. Шунга қарамасдан, Худонинг Шоҳлигида ҳатто энг кичик ҳисоблангани ҳам ундан каттадир».

²⁹ Шунда барча халқ ва ҳатто солиқчилар ҳам Худого ҳамду сано айтишиб, Яҳё айтганидек, сувга чўмиб имон келтирдилар.

³⁰ Лекин уламолар ва фарзийлар сувга тушиб имон келтиришдан бош тортиб, ўзларига мўлжалланган Худо иродасини рад қилдилар.

³¹ Ийсо уларга шундай деди: «Шундай қилиб, бу насл одамларини кимга тенглаштирай? Улар кимга ўхшайди?

³² Улар майдонда ўтиришиб, бир-бировига: “Биз сизларга най чалдик, ўйнамадинглар, сизларга мунгли кўшиқ айтдик, йиғламадинглар”, – деб қичқиришадиган болаларга ўхшайдилар.

³³ Чунки Яҳё пайғамбар келиб нон емади, шароб ҳам ичмади, сизлар эса уни “жин урибди”, дейсизлар.

³⁴ Инсон Ўғли келиб, ҳам еди, ҳам ичди, бу гал эса Уни “еб-ичишни яхши кўрадиган солиқчилар билан гуноҳкорларнинг дўсти”, дейсизлар.

³⁵ Ва лекин илоҳий ҳикмат унга рия қилувчилар орқали тасдиқланади».

Ийсо ва гуноҳкор аёл

³⁶ Фарзийлардан бири Ийсони таом ейишга чақирди. Ийсо унинг уйига кириб, дастурхон атрофида ўтирди.

³⁷ Шу шаҳарлик гуноҳкор деб танилган бир аёл Ийсонинг фарзий уйида меҳмон бўлганлигини билиб, бир ганч идишда хушбўй мой олиб келди.

³⁸ У Ийсонинг орқа томонида, кўз ёшларини Унинг оёқларига оқизиб йиғлай бошлади. Сўнг сочлари билан Ийсонинг оёқларини артганча, ўпа туриб хушбўй мойни Унинг оёқларига суртди.

³⁹ Ийсони таклиф этган фарзий буни кўргач: «Агар У пайғамбар бўлганида эди, Унга кўлини теккизиб

турган аёлнинг кимлигини ва у қанақа гуноҳкор аёл эканлигини билар эди», – деб кўнглидан ўтказди.

⁴⁰ Шунда Ийсо унга қайрилиб: «Симун, сенга айтадиган сўзим бор», – деди. «Айтгил, Устоз!» – деди у.

⁴¹ Ийсо деди: «Бир қарз берувчининг икки қарздорлари бор экан, бири беш юз, иккинчиси эллик кумуш танга қарз бўлган экан.

⁴² Аммо қарздорларнинг тўлаш учун ҳеч нарсаси бўлмаганидан, у икковини ҳам кечириб юборибди. Айт-чи, улардан қайси бири уни кўпроқ севар экан?»

⁴³ Симун жавоб бериб: «Менинг фикримча, кўпроқ қарзи кечирилгани бўлса керак», – деди. «Тўғри мулоҳаза қилдинг», – деди унга Ийсо.

⁴⁴ Кейин аёлга ўгирилиб: «Бу аёлни кўряпсанми? Мен сенинг уйингга келганимда оёқларимни ювгани сув бермадинг. У эса ўзининг кўз ёшлари билан оёқларимни хўллаб, сочлари билан артди.

⁴⁵ Сен Мени ўпганинг йўқ, бу аёл бўлса келганимдан бери оёқларимни ўпишдан тўхтамади.

⁴⁶ Сен бошимга мой суртмадинг, у эса оёғимни қимматбаҳо хушбўй мой билан мойлади.

⁴⁷ Шунинг учун сенга айтиб қўяй: унинг кўп гуноҳлари кечирилди, кўп севишининг сабаби ана шунда. Кимки оз кечирилса, у оз севади», – деди Симунга.

⁴⁸ Сўнг Ийсо аёлга қайрилиб: «Гуноҳларинг кечирилди», – деди.

⁴⁹ Ийсо билан еб-ичиб ўтирганлар эса: «Ким бўлди бу гуноҳни ҳам кечира оладиган», дея ўзларича фикр юрита бошладилар.

⁵⁰ Ийсо эса яна аёлга: «Ишончинг сени қутқарди, эсон-омон боргил», – деди.

VIII БОБ

Ийсога эргашган аёллар

¹ Шундан кейин Ийсо шаҳару қишлоқлар бўйлаб Худо Шоҳлиги тўғрисидаги Хушxabарни тарқатиб юрди. Ўн икки шогирди,

² шунингдек, ёмон рухлардан ва турли касалликлардан халос бўлган бир неча аёллар, шу жумладан ичидан еттита жин чиқиб кетган мағдалалик Марям,

³ Хироднинг сарой бошқарувчиси Хузанинг аёли Йўанна, Сусанна ва бошқа кўп аёллар ҳам Ийсо билан юриб, ўз мол-мулклари билан Унга хизмат қилишар эди.

Уруғ сепувчи ҳақида масал

⁴ Барча шаҳарлардан кўплаган халойиқ Унинг олдига тўпланиб келаётган бир пайтда Ийсо масал билан гап бошлади:

⁵ «Уруғ сепувчи ўз уруғини сепиш учун чиқибди. Сепётганда баъзи уруғлар йўл ёқасига тушиб,

поймол бўлибди ва қушлар учиб келиб уруғларни чўқиб кетибди.

⁶ Баъзи уруғлар тошлоқ ерга тушибди. Уруғлар кўкариб чиқибди-ю, лекин тупроқ намсиз бўлгани учун қуриб қолибди.

⁷ Яна бошқа уруғлар тиканлар орасига тушибди ва тиканлар ўсиб, уруғларни бўғиб қўйибди.

⁸ Баъзи уруғлар эса ҳосилдор ерга тушибди. Улар кўкариб чиқиб, юз карра ҳосил берибди». Ийсо буларни айтиб бўлиб: «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!» – деб хитоб қилди.

⁹ Шогирдлари Ийсодан: «Бу масалнинг маъноси нима?» – деб сўрашди.

¹⁰ У шундай жавоб берди: «Худо Шохлигининг сирларини билиш қобилияти сизларга насиб бўлган. Бошқаларга эса ҳамма нарсани масаллар билан тушунтираман, чунки улар қараб туриб кўрмаслар, эшитиб туриб англамаслар.

¹¹ Бу масалнинг маъноси шу: Уруғ Худонинг каломидир.

¹² Йўл ёқасига тушган уруғлар шундай одамларни билдирадими, улар каломни эшитадилар, лекин кейин имон ва нажот топмасликлари учун иблис уларнинг юрагидаги каломни олиб кетади.

¹³ Тошлоқ ерга тушган уруғлар эса шундай одамларни билдиради, улар каломни эшитганда уни севинч билан қабул қиладилар. Лекин улар илдиз-

га эга эмас, шунинг учун вақтинча ишонсалар-да, синов вақтида имондан қайтадилар.

¹⁴ Тиканлар орасига тушган уруғлар шундай инсонларни билдирадики, улар каломни эшитадилар, аммо ҳаётнинг ташвишлари, бойлик ва завқ-шавқ садолари остида бўғилиб, ҳосил бермайдилар.

¹⁵ Ҳосилдор ерга тушган уруғлар эса шундай кишиларни билдиради: улар каломни эшитиб, яхши, соф юракда сақлайдилар ва чидам билан ҳосил берадилар». Ва Ийсо хитоб қилиб: «Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!» – деди.

Ёниб турган шам ҳақида масал

¹⁶ «Ҳеч ким шамни ёқиб, уни идиш билан ёпмайди ёки чорпоя тагига қўймайди. Аксинча, кирганлар ёруғликни кўрсин, деб уни шамдонга қўяди.

¹⁷ Шунингдек, ошқора бўлмайдиган ҳеч қандай сир йўқ, маълум бўлмайдиган ҳеч яширин иш йўқ.

¹⁸ Шу сабабдан қандай тинглаётганингизга диққат қилинглр. Чунки кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда йўқ бўлса, ўзида бор деб ўйлаган нарсаси ҳам ундан тортиб олинади».

Ийсонинг онаси ва укалари

¹⁹ Ийсонинг онаси билан укалари Унинг олдига келдилар, аммо халойиқ кўплигидан Унга яқинлаша олмадилар.

²⁰ Шунда Ийсога: «Онанг ва укаларинг Сени кўрмоқчи бўлиб ташқарида турибдилар», – деган хабар етказдилар.

²¹ Ийсо уларга шундай жавоб берди: «Менинг онам ва укаларим – Худо каломини тингловчи ва бажо келтирувчилардир».

Ийсонинг бўронни тинчлантириши

²² Кунларнинг бирида Ийсо Ўз шогирдлари билан қайиққа тушиб, уларга: «Кўлнинг нариги томонига сузиб ўтайлик», – деди ва улар сузиб жўнаб кетишди.

²³ Сузиб кетаётганларида Ийсо ухлаб қолди. Кўлда қаттиқ бўрон бошланди ва тўлқинланган сув қайиққа кира бошлади. Улар хавfli аҳволда қолишди.

²⁴ Шогирдлари Ийсога: «Устоз, Устоз, ҳалокатдамиз!» – деб Уни уйғотишди. Ийсо туриб шамолга ва тўлқинланаётган сувга буйруқ қилди. Шу заҳоти бўрон тиниб, ҳаммаёкни сукунат босди.

²⁵ Ийсо шогирдларига: «Имонингиз қани?» – деди. Улар жуда кўрқиб кетишди ва ҳайрон бўлиб бири-бирига: «У Ўзи Ким бўлди экан? Мана, шамоллар билан сувга буюради, улар эса Унга бўйсундилар!» – дейишди.

Ийсо Гадара юртида

²⁶ Шундай қилиб улар Жалиланинг нариги томонидаги Гадара юртига сузиб келдилар.

²⁷ Ийсо қирғоққа чиқиши билан шаҳардан Уни кўпдан бери жинга гирифтор бўлган бир одам тўсиб чикди. У одам кийим киймасди ва уйида ҳам турмасдан, қабристон ғорларида яшар эди.

²⁸ У Ийсони кўргач, қичқириб юборди-да, ўзини Унинг олдига ташлаб баланд овоз билан: «Эй Ийсо, Худойи Таолонинг Ўғли, менда нима ишинг бор? Ўтинаман, мени қийнама!» – деди.

²⁹ Чунки Ийсо ёмон руҳга бу одамдан чиқиб кетишини буюрган эди. Сабаби, ёвуз руҳ бу кишини кўпдан бери қийнаб келган. Уни сақлаш учун занжирлар билан боғласалар-да, у бандларни узиб ташлар ва жин тез-тез уни чўл-сахроларга судраб борар эди.

³⁰ Ийсо ундан: «Исминг нима?» – деб сўради. «Ис-мим Тумонат» – деди у. Чунки унинг вужудини бир талай жин чирмаган эди.

³¹ Жинлар ўзларини тубсизлик қаърига юбормасликни Ийсодан ёлвориб сўрадилар.

³² Шу тоғнинг ён бағрида катта бир тўнғиз пода-си ўтлаб юрган эди. Жинлар тўнғизларга киришга рухсат беришини Ийсодан ёлвориб сўрадилар ва Ийсо уларга рухсат берди.

³³ Шунда жинлар одамдан чиқиб тўнғизларга кирдилар, тўнғизлар эса кўл томон кетишди ва тик қияликдан пастга ёпирилиб, кўлда ғарқ бўлишди.

³⁴ Тўнғиз боқувчилар эса содир бўлган воқеани кўргач, югуриб бориб шаҳарда ва овулларда бу ҳақда гапириб бердилар.

³⁵ Эшитганлар эса бўлиб ўтган ҳодисани кўриш учун далага чиқиб, Ийсонинг ёнига келдилар ва жинлар тарк этган кишини кийинган ва ақли расо ҳолатда Ийсонинг оёғи томонда ўтирганини кўриб, ваҳимага тушишди.

³⁶ Бу воқеага гувоҳ бўлганлар эса у одамнинг жиндан қандай кутулганини ҳаммага сўзлаб беришди.

³⁷ Шунда Гадара атрофидан келган барча аҳоли қаттиқ даҳшатга тушиб, Ийсони уларнинг еридан чиқиб кетишини илтимос қилишди. Ийсо эса қайиққа тушиб қайтиб кетди.

³⁸ Жинлардан халос бўлган одам эса Ийсо билан бирга юрмоқликни Ундан илтимос қилди. Лекин Ийсо унга:

³⁹ «Ўз уйингга қайтиб бориб, Худо сен билан нималар қилганини гапириб бер», – деб уни жўнатди. У киши бориб, Ийсо у билан нималар қилганини бутун шаҳар бўйлаб ваъз қилиб юрди.

Соғайган аёл, тирилган қиз

⁴⁰ Ийсо кўлнинг бериги қирғоғига келганда халқ Уни қарши олди, чунки ҳамма Уни кутиб турган эди.

⁴¹ Шу орада синагоганинг бошлиғи бўлган Яир исмли бир киши келиб қолди ва Ийсонинг оёқларига ўзини ташлаб, уйига боришини ўтиниб сўради.

⁴² Чунки унинг ўн икки ёшлардаги ёлғизгина қизи ўлим тўшагида ётар эди. Ийсо борар экан, халойикнинг сиқувида қолди.

⁴³ Халойик орасида ўн икки йилдан бери қон кетишидан азоб чекаётган бир аёл ҳам борар эди. У бор-йўғини табибларга сарф этгани билан ҳеч биридан шифо топмаган эди.

⁴⁴ Аёл Ийсога орқа томондан яқинлашиб, этагига қўл теккизган онда қон кетиши дарҳол тўхтади.

⁴⁵ Шунда Ийсо: «Ким у Менга қўлини теккизган?» – деди. Ҳеч ким тан олмагач, Бутрус ва бошқалар деди: «Устоз, халойик Сени ўраб, сиқиб турибди, Сен бўлса, Менга ким қўл теккизди, дейсан?»

⁴⁶ Аммо Ийсо: «Кимдир Менга аниқ қўл теккизди, чунки Мен ўзимдан бир куч чиққанини сездим», – деди.

⁴⁷ Аёл эса бошқа яширина олмаганини пайқагач, қалтираганча Ийсога яқинлашиб, Унинг оёқларига ўзини ташлади-ю, Унга қандай мақсад билан текканлигини ва ўша заҳоти қандай дарддан халос бўлганини бутун халққа эшиттириб сўзлаб берди.

⁴⁸ Ийсо аёлга: «Дадил бўл, қизим! Ишончинг сени қутқарди, тинчлик билан боргил», – деди.

⁴⁹ Ийсо гапириб турган вақтда, синагога бошлигининг уйдан кимдир келиб, унга: «Қизинг ўлди, Устозни овора қилмай қўя қол», – деди.

⁵⁰ Ийсо буни эшитиб, Яирга: «Кўркма, фақат ишонгин, кизинг кутқарилади», – деди.

⁵¹ Ийсо у уйга келиб, Бутрус, Юханно, Ёқуб ва кизнинг ота-онасидан бошқа ҳеч кимнинг Ўзи билан ичкарига киришига рухсат бермади.

⁵² Ҳамма қизча учун йиғлаб нола қилаётган эди. Ийсо уларга: «Йиғламанглар, у ўлган эмас, фақат ухлаб ётибди», – деди.

⁵³ Улар қизнинг ўлганлигини аниқ билганлиги учун, Ийсонинг устидан кулишди.

⁵⁴ Ийсо эса ҳаммани ташқарига чиқариб, кизчанинг қўлидан ушлади-да: «Эй қизалоқ, ўрнингдан тур!» – деб хитоб қилди.

⁵⁵ Шу пайт қизчанинг руҳи танига қайтди ва дарҳол ўрnidан турди. Ийсо унга овқат беришни буюрди.

⁵⁶ Қизчанинг ота-онаси жуда ҳам ҳайрон қолишди. Ийсо эса уларга бўлган воқеа ҳақида ҳеч кимга айтмасликни буюрди.

IX БОБ

*Ийсонинг ўн икки шогирдини
Хушхабар тарқатишига юбориши*

¹ Ийсо ўн икки шогирдини ёнига чақириб, уларга жинларни қувиб чиқариш ва хаста одамларни соғайтириш кудрати ва ҳокимиятини берди.

² Уларни Худонинг Шоҳлигини эълон қилиш ва хасталарга шифо бериш учун юбориб, деди:

³ «Йўлга ҳеч нарса олманглар: ҳасса ҳам, тўрва ҳам, нон ҳам, кумуш ҳам, бир жуфт кўйлак ҳам олманглар.

⁴ Қайси уйга кирсангизлар, у ердан жўнагунигизча ўша уйда қолинглар.

⁵ Агар бирор шаҳарда сизни қабул қилмасалар, у ердан чиқаётганигизда аҳолига огоҳлантириш тариқасида оёқларингиздаги чангни қоқиб кетинглар».

⁶ Шогирдлар жўнадилар ва қишлоқдан-қишлоққа ўтиб, ҳамма ёқда Хушхабарни тарғиб қилар ҳамда касалларга шифо берар эдилар.

Ҳоким Ҳироднинг Ийсо туфайли тинчсизланиши

⁷ Вилоят ҳокими Ҳирод содир бўлаётган ажойиботларни эшитиб, эсанкираб қолди. Чунки баъзилар: «Яҳё тирилиб келибди», – десалар,

⁸ бошқалар эса: «Илёс пайғамбар пайдо бўлибди», – дердилар. Яна бошқалар бўлса: «Қадимги пайғамбарлардан бири тирилиб келибди», – деб юришди.

⁹ Ҳирод бўлса: «Мен Яҳёни бошидан жудо қилганман. Энди бундай ишларни қилаётган бу Одам ким экан?» – деб, Уни кўргиси келди.

Шогирдларнинг қайтиб келиши. 5000 кишининг тўйиши

¹⁰ Ҳаворийлар сафардан қайтиб келиб, қилган ишларини Унга айтиб беришди. Ийсо ҳаворийларни Байтсайда номли шаҳар яқинидаги овлоқ жойга Ўзи билан олиб кетди.

¹¹ Аммо халойиқ буни билиб қолиб, Унинг орқасидан эргашди. Ийсо уларни қарши олиб, улар билан Худо Шохлиги тўғрисида суҳбатлашди ва шифога мухтожларни даволади.

¹² Кун ботиб, кеч кира бошлагач, Ийсонинг ўн икки шогирди Унинг олдига келиб: «Халойиқни жўнат, улар атрофдаги овул ва қишлоқларга бориб, тунагани жой ва егани овқат топишсин. Чунки бу ер овлоқ жой», – дедилар.

¹³ «Сизлар уларга овқат беринглар!» – деди Ийсо. «Бизда бешта нон ва иккита балиқ бор, холос. Бориб, шунча кишига овқат сотиб олайликми?» – деди шогирдлари.

¹⁴ Ўша ерда беш мингга яқин эркак бор эди. Ийсо шогирдларига: «Халойиқни қатор-қатор қилиб элликтадан ўтқазинглар», – деди.

¹⁵ Улар худди шундай қилиб, ҳаммани ўтқаздилар.

¹⁶ Ийсо бешта нон билан иккита балиқни олди-да, осмонга қараб Худога миннатдорчилик билдирди. Сўнг буларни синдириб, халққа тарқатиш учун шогирдларига берди.

¹⁷ Ҳаммалари еб тўйгандан ортиб қолган бурдаларни йиғиб олишганда, ўн икки сават чиқди.

Халқ ва шогирдлари Ийсони ким деб ҳисоблашади

¹⁸ Бир вақтда Ийсо ёлғиз Ўзи ибодат қилар эди. Шогирдлари ҳам У билан бирга эди. Ийсо улардан: «Халқ Мени ким деб ҳисоблайди?» – деб сўради.

¹⁹ Улар Унга: «Баъзилар Яҳё пайғамбар деб, бошқалар эса Илёс пайғамбар деб ҳисоблайдилар. Яна бировлар бўлса: қадимги пайғамбарлардан бири тирилиб келибди, деб ўйлаб юришибди», – деб жавоб бердилар.

²⁰ Ийсо улардан: «Сизлар-чи, сизлар Мени ким деб ҳисоблайсизлар?» – деб сўради. Бутрус Унга: «Сен Худо юборган Масихсан!» – деб жавоб берди.

Ийсонинг Ўз ўлими ҳақида айтиши

²¹ Ийсо шогирдларига бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликларини буйруқ қилди.

²² «Инсон Ўғли кўп азоб чекиши, оқсоқоллар, олий руҳонийлар ва уламолар томонидан рад қилиниб ўлдирилиши, учинчи куни эса қайта тирилиши керак», – деди.

²³ Сўнг ҳаммага хитоб қилиб деди: «Агар ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, Менга эргашсин.

²⁴ Ким ўз жонини сақлаб қолмоқчи бўлса, уни йўқотади. Ким Мен учун жонини йўқотса, уни сақлаб қолади.

²⁵ Агар инсон бутун дунёни эгалласа-ю, бироқ ўзига зарар етказса ёки ҳалокатга йўликса, бундан қандай фойда кўради?

²⁶ Ким Мендан ва Менинг сўзларимдан уялса, Инсон Ўғли ҳам Ўзи, Отаси ва фаришталар шуҳрати ила келганида, ундан уялади.

²⁷ Сизларга ростини айтайин: бу ерда турганлардан баъзилар борки, Худонинг Шоҳлигини кўрмагунча ўлим кўрмайдилар».

Ийсо қиёфасининг ўзгариши

²⁸ Ийсо бу сўзларни айтганидан кейин орадан саккиз кунча ўтиб, Бутрус, Юҳанно ва Ёқубни олиб, ибодат қилиш учун тоққа чиқди.

²⁹ У ибодат қилаётганида, юзининг кўриниши ўзгариб, кийимлари эса оппоқ бир тусда ярқираб кетди.

³⁰ Шу онда нур ёғилиб турган икки зот – Мусо ва Илёс пайғамбарлар пайдо бўлиб, Ийсо билан суҳбат курдилар.

³¹ Улар Ийсонинг яқинда Қуддусга бориб амалга оширадиган иши ва ўлим кўриши ҳақида суҳбатлашишар эди.

³² Бутрус ва у билан бирга бўлганларни қаттиқ уйқу босди. Аммо улар бирдан уйғонишиб, шуҳрат ила турган Ийсони ва У билан яна икки зотни кўрдилар.

³³ У зотлар энди Ийсодан нари кетаётганларида, Бутрус Ийсога: «Устоз, бизга бу жой жуда ёқяпти! Бу ерга учта чайла қурайлик – бириси Сенга, бириси Мусога, бириси Илёсга...», – деди. Аммо у нима деяётганини билмас эди.

³⁴ Бутрус ҳали гапини тугатмасданок, булут пайдо бўлиб уларни қоплади. Улар булут остида қолиб, ваҳимага тушдилар.

³⁵ Булут ичидан: «Бу Менинг севикли Ўғлимдир, Унга кулоқ солинглар», – деган садо эшитилди.

³⁶ Овоз тўхтагач, шогирдлар Ийсонинг у ерда ёлғиз қолганини кўрдилар. Улар кўрганлари ҳақида ўша кунларда ҳеч кимга билдирмадилар.

Жинга чалинган боланинг соғайиши

³⁷ Эртаси куни улар тоғдан тушишганда, Ийсони кўп халойиқ қарши олди.

³⁸ Тўсатдан кимдир халқ орасидан дод солиб: «Устоз! Сендан ялиниб сўрайман, ўғлимга бир назар сол, ахир у менинг ягона болам-ку.

³⁹ Жин ушлаганда у бирданига бақириб юборади. Ёвуз куч уни оғзидан кўпик чиққунча ерга йиқитиб судрайди ва уни жуда қийнаб, зўрға ундан айрилади.

⁴⁰ Мен Сенинг шогирдларингдан жинни қувинглар, дея ёлвордим, лекин улар эпллмади», – деди.

⁴¹ Ийсо бунга жавоб қилиб: «Эй вафосиз ва бузилган авлод! Қачонгача сизлар билан бўлиб, сизларга чидаб юраман? Ўғлингни бу ерга келтир!» – деди.

⁴² Бола яқинлашмасданоқ, жин уни ерга ағана-тиб титрата бошлади. Лекин Ийсо ёмон рухга буйруқ қилиб, болани соғайтирди ва отасига топширди.

Ийсонинг Ўз ўлими ҳақида иккинчи марта айтиши

⁴³ Ҳамма Худонинг кудратига қойил қолди. Халойиқ Ийсонинг қилаётган ишларидан ҳайратда турганида, У Ўз шогирдларига:

⁴⁴ «Сизлар бу сўзларимни қулоқларингизга қуйиб олинглар! Инсон Ўғли одамлар қўлига тутиб берилиши муқаррардир», – деди.

⁴⁵ Шогирдлар бўлса бу сўзларни тушунмадилар. Бу сўз уларнинг тушунчасидан яширин бўлиб, маъносига етмадилар, Ийсодан сўрашга эса ботина олмадилар.

Ким катта?

⁴⁶ Шогирдлар орасида: қай биримиз каттамыз, деган фикр пайдо бўлди.

⁴⁷ Уларнинг кўнглидаги фикрини билиб турган Ийсо бир болани олиб, Ўзининг ёнига турғазди-да,

⁴⁸ уларга деди: «Ким бу болани Менинг номимдан қабул қилса, Мени қабул қилган бўлади. Ким

Мени қабул қилса, Мени юборганни қабул қилган бўлади. Орангизда ким энг кичик бўлса, у буюк бўлади».

⁴⁹ Шунда Юҳанно деди: «Устоз, Сенинг номинг билан жинларни куваётган бир одамни кўрдик. У биз билан юрмагани сабабли, унга буни ман этдик».

⁵⁰ Ийсо унга: «Ман қилманг, кимки сизга қарши бўлмаса, у сиз томонда», – деди.

Севги руҳи

⁵¹ Ийсонинг осмонга олинадиган кунлари яқинлашаркан, У Қуддусга боришга жазм қилди.

⁵² У Ўзидан олдин хабарчиларини юборди ва улар Ийсонинг келишига ҳозирлик кўриш учун Самариянинг бир қишлоғига кирдилар.

⁵³ Лекин У Қуддусга кетаётган сайёҳ кўринишида бўлгани учун, самарияликлар Ийсони қабул қилмадилар.

⁵⁴ Шогирдларидан Ёқуб билан Юҳанно буни кўриб: «Раббий, хоҳлайсанми, биз Илёс пайғамбар қилганидек буларни йўқ қилиш учун осмондан олов тушсин деб айтамыз!» – дедилар.

⁵⁵ Ийсо эса уларга қаради-да: «Сизлар қандай руҳда эканингизни билмайсизлар.

⁵⁶ Инсон Ўғли одамнинг жонини ҳалок қилиш учун эмас, ҳалос қилиш учун келган», – деди тақиқлаб. Сўнгра улар бошқа қишлоқ сари кетдилар.

Ийсога эргашишининг шартлари

⁵⁷ Улар йўлда кетар эканлар, кимдир Ийсога: «Раббий, Сен қаерга борсанг, мен ҳам орқангдан юраман», – деди.

⁵⁸ Ийсо унга: «Тулкиларнинг инлари, кушларнинг уялари бор. Лекин Инсон Ўғлининг бош суқадиган жойи йўқ», – деди.

⁵⁹ Бошқасига: «Орқамдан юр!» – деди. Лекин у: «Раббий, олдин бориб отамни кўмиб келайин, рухсат бер», – деди.

⁶⁰ Ийсо унга: «Ўликларни кўй, уларни ўзича ўлик бўлганлар кўмсин. Сен эса бориб, Худонинг Шоҳлиги ҳақида Хушхабар тарқатгин», – деди.

⁶¹ Яна бошқа бири: «Раббий, мен Сенинг орқангдан юраман, фақат олдин бориб уйдагилар билан хайрлашишимга ижозат бер», – деди.

⁶² Лекин Ийсо унга деди: «Кўлларини омочга кўйиб, орқасига қарайверадиган одам Худонинг Шоҳлиги учун лаёқатли эмас».

X БОБ*Етмиш шогирднинг**Хушхабар тарқатиш учун юборилиши*

¹ Шундан кейин Раббимиз Ийсо бошқа етмиш шогирдни танлаб, Ўзи борадиган ҳар бир шаҳар, ҳар

бир жойга Ўзидан олдин бориб туриш учун уларни иккита-иккитадан юборди.

² Ва уларга шундай деди: «Ҳосил мўл, аммо юмушчилар оз. Шунинг учун ҳосил Эгасига Ўз ҳосилини йиғиб-терадиган юмушчилар юборсин, деб илтижо қилинглар.

³ Боринглар! Сизни бўрилар орасига кўзилардай юборяпман.

⁴ Ҳамён ҳам, тўрва ҳам, чориқ ҳам олманг, йўлда ҳеч кимга салом берманглар.

⁵ Қайси уйга кирсангизлар, аввал бошда: “Уйингизга тинчлик бўлсин”, деб салом беринглар.

⁶ Агар у уйда тинчликсевар одам бўлса, унинг боши саломат бўлади. Бўлмаса, саломингиз сизларга қайтиб келади.

⁷ Кирган уйда қолинглар ва сизларга нимаики берсалар, уни еб-ичинглар. Чунки меҳнат қилган ўз меҳнатига яраша тақдирланмоққа муносибдир. Уйдан-уйга кўчиб юрманглар.

⁸ Қайси бир шаҳарга келганингизда сизларни қабул қилсалар, олдингизга қўйилганини енглар.

⁹ Ўша ердаги касалларга шифо бериб, уларга: “Худонинг Шоҳлиги сизларга яқинлашди”, деб айтинглар.

¹⁰ Агарда қайси бир шаҳарга келганингизда сизни қабул қилмасалар, у ердан кўчага чиқиб:

¹¹ “Шаҳрингиздан оёқларимизга ёпишган чангни ҳам қоқиб, ўзингизга қолдириб кетяпмиз. Аммо

шунга қарамай билиб қўйинглarki, Худонинг Шоҳлиги сизларга яқинлашиб қолди”, деб айтинглар.

¹² Сизларга айтиб қўяйин, қиёмат куннда у шаҳардан кўра Садўм шаҳрининг ҳоли энгилроқ бўлади».

Гуноҳкор шаҳарларнинг ҳолига вой

¹³ «Сенинг ҳолингга вой, эй Хоразин! Сенинг ҳолингга вой, эй Байтсайда! Агар сизларда содир бўлган мўъжизалар Тир билан Сидон шаҳарларида содир бўлганда эди, улар аллақачон жулга ўраниб, кулга ўтириб тавба қилган бўлардилар.

¹⁴ Аммо қиёмат куннда Тир ва Сидоннинг ҳоли сизлардан кўра энгилроқ бўлади.

¹⁵ Эй сен кўкка кўтарилган Кафарнаҳум, дўзахгача кулаб тушасан.

¹⁶ Ким сизларни тингласа, Мени тинглаган бўлади. Ким сизларни рад этса, Мени рад этган бўлади. Мени рад этган эса Мени Юборганни рад этган бўлади».

Етмиш шогирднинг сафардан қайтиши

¹⁷ Етмиш шогирд кувонч билан сафардан қайтиб келишиб Ийсога: «Раббий, Сенинг номингни тилга олсак, жинлар ҳам бизга бўйсунди!» – дедилар.

¹⁸ Ийсо уларга деди: «Мен шайтоннинг осмондан яшиндай тушганини кўрдим.

¹⁹ Мана, Мен сизларга илону чаёнларни эзиб ташлаш ҳамда душманнинг бутун куч-қудратини

оёқости қилиш ҳокимиятини беряпман. Ҳеч нарса сизларга зарар етказмайди.

²⁰ Аммо жинлар сизга бўйсунмаётганидан эмас, балки номларингиз осмонга ёзилгани учун қувонинглар!»

Отани шарафлаш

²¹ Шу пайт Ийсо Руҳан илҳомланиб, жуда хурсанд бўлиб деди: «Ота, Сен еру кўкнинг Хукмдорисан! Сен бу ишларни доною оқиллардан яшириб, гўдакларга маълум этганинг учун Сенга ҳамду сано айтаман. Ҳа, Ота, Сенинг эзгу хоҳишинг шундай эди».

²² Кейин яна деди: «Отам Менга ҳамма нарсани топширган. Ўғилнинг кимлигини Отадан бошқа ҳеч ким билмайди, Отанинг кимлигини ҳам Ўғилдан ва Ўғил очиб беришни хоҳлаган кишидан бошқа ҳеч ким билмайди».

²³ Сўнг шогирдларига алоҳида қараб, Ийсо деди: «Сизлар кўраётган нарсаларни кўриб турган кўзлар саодатлидир!»

²⁴ Чунки сизларга айтаман: не-не пайғамбару подшоҳлар сиз кўраётганни кўрмоқни орзу этгандилар, лекин кўролмадилар, сиз эшитганни эшитмоқни орзу этгандилар, лекин эшитолмадилар».

Меҳрибон самариялик ҳақида масал

²⁵ Ийсони синаш мақсадида келган қонун тафсир-

чиларидан бири ўрнидан туриб, Унга савол берди: «Устоз, абадий ҳаётга эга бўлишим учун нима қилишим керак?»

²⁶ Ийсо ундан: «Қонунда нима ёзилган? Қандай деб ўқияпсан?» – деб сўради.

²⁷ У киши шундай жавоб берди: «Раббинг бўлган Худовандни бутун қалбинг, бутун жонинг, бутун қувватинг ва бутун онгинг билан сев, яқинингни эса ўзинг каби сев», – деб ёзилган.

²⁸ Ийсо унга: «Сен тўғри жавоб бердинг, шундай қилгин, ана шунда мангу ҳаётга эришасан!» – деди.

²⁹ Аммо у одам ўзини оқламоқчи бўлиб: «Менинг яқиним ким?» – деб сўради.

³⁰ Бунга жавобан Ийсо унга шундай деди: «Бир одам Қуддусдан Ерихога борар экан, қароқчилар қўлига тушиб қолибди. Қароқчилар унинг кийимларини ечиб олиб, роса калтаклашиб, чалажон ҳолича ташлаб кетишибди.

³¹ Шу йўлдан бораётган бир руҳоний уни кўриб ёнидан ўтиб кетибди.

³² Шунингдек, бир дин хизматкори ҳам келиб, у одамни кўрибди-ю, ёнидан ўтиб кетаверибди.

³³ Бир самариялик йўловчи эса бу жойдан ўтаркан, унинг устидан чиқиб қолибди ва унга жуда ҳам раҳми келибди.

³⁴ Унинг ёнига келибди-да, яраларига мой суриб, шароб қуйиб, боғлаб қўйибди. Сўнг уни ўз эшаги-

га миндирибди-да, меҳмонхонага олиб келиб, унга ғамхўрлик қилибди.

³⁵ Эртасига жўнаётганида икки кумуш танга чиқариб, меҳмонхона эгасига бериб: “Унга яхши қарагин. Агар бундан кўп ҳаражат қилсанг, мен қайтиб келганимдан сўнг сенга бераман”, – деб кетибди.

³⁶ Сенингча, учовидан қайси бири қароқчиларнинг кўлига тушган одамнинг яқини саналади?»

³⁷ Қонун тафсирчиси: «Унга шафқат қилгани», – деб жавоб берди. «Бор, сен ҳам шундай қил!» – деди унга Ийсо.

Марта билан Марямнинг хизмати

³⁸ Ийсо шогирдлари билан йўлини давом эттириб, бир қишлоққа кирди. Бу ерда Марта исмли бир аёл Уни уйига таклиф қилди.

³⁹ Унинг Марям исмли бир синглиси бор эди. Марям Ийсонинг оёқлари олдида ўтириб, Унинг сўзларини тинглар эди.

⁴⁰ Марта эса тайёргарлик ишлари билан жуда овора эди. Ниҳоят у Ийсо ёнига келиб: «Раббий! Наҳотки, синглимнинг ҳамма хизматларни менга қолдириб қўйганига эътибор бермасанг? Унга айтгин, менга ёрдам берсин!» – деди.

⁴¹ Ийсо унга шундай жавоб берди: «Марта, Марта, сен кўп нарса ҳақида овора бўлиб, ташвишланяпсан!

⁴² Зарур бўлган биттагина иш бор. Марям эса ўзи учун яхши улушни танлади ва бу ундан тортиб олинмайди».

ХІ БОБ

Ибодат ҳақида

¹ Ийсо бир жойда ибодат қилар эди. Ибодатни тамом қилгач, шогирдларидан бири Унга: «Раббий! Яхё ўз шогирдларини ўргатганидек, бизни ҳам ибодат қилишга ўргат», – деди.

² Ийсо уларга деди: «Ибодат қилаётганингизда шундай деб айтинглар: Осмондаги Отамиз! Сенинг муқаддас исминг улуғлансин. Сенинг Шоҳлигинг келсин.

³ Кундалик ризкимизни бериб тургин.

⁴ Бизга қарздор бўлган ҳар бир кишини кечирганимиздек, бизнинг ҳам гуноҳларимизни кечиргин. Бизни васвасага дучор қилма, ёмонликдан сақла!»

⁵ Яна уларга шундай деди: «Фараз қилайлик, орангизда бир кишининг дўсти бор ва сиз ярим кечада дўстингизнинг олдига бориб: “Дўстим, менга учта нон қарз бериб тур.

⁶ Менинг бир дўстим йўлдан ўтатуриб ташриф буюрди, унинг олдига кўядиган ҳечнарсам йўқ”, – дейсиз.

⁷ У бўлса ичкаридан жавоб бериб: “Мени безовта қилма. Эшик қулф, болаларим ҳам мен билан бир

тўшакда ухлаб ётишибди, энди ўрнимдан туриб сенга беролмайман”, – дейдими?

⁸ Сизларга айтиб кўяй: у ўз дўсти бўлгани учун ҳам туриб бермаса-да, лекин унинг талабчанлиги туфайли у туриб, қанча сўраса, шунча беради.

⁹ Шунинг учун, Мен сизларга айтаман: сўраб туринглар, сизга берилади. Изланглар, топасизлар. Тақиллатинглар ва сизларга очилади.

¹⁰ Чунки ҳар бир сўраган олар, излаган топар, тақиллатганга эшик очилар.

¹¹ Сизларнинг орангизда қайси ота ўғли ундан нон сўраса, унга тош беради? Ёки балиқ сўраса, унга балиқ ўрнига илон беради?

¹² Ёки тухум сўраса, унга чаён беради?

¹³ Шундай қилиб, сизлар ёвуз бўла туриб болаларингизга яхши ҳадялар бера билар экансиз, самодаги Отангиз эса Ундан сўраганларга Муқаддас Рухни бериши янада шубҳасиздир».

Ийсо ва шайтон

¹⁴ Бир куни Ийсо бир одамдан соқов жинни қувиб чиқарди. Жин чиққандан кейин соқов тилга кирди ва халқ ҳайратда қолди.

¹⁵ Аммо кимлардир: «У жинларни инс-жинслар бошлиғи баалзабулнинг кучи билангина қувиб чиқарпти!» – деди.

¹⁶ Бошқалар эса Ийсони синаб кўрмоқчи бўлиб, осмондан далолат кўрсатишни талаб қилдилар.

¹⁷ Аммо Ийсо уларнинг ўй-хаёлларини билиб, деди: «Ўз ичидан бўлинган ҳар бир подшоҳлик нурайди, ўз ичидан бўлинган хонадон эса хароб бўлади.

¹⁸ Агар шайтон ҳам ўзаро бўлинган бўлса, унинг салтанати қандай тура олади? Сизлар бўлса, яна Мени баалзабулнинг кучи билан жинларни қувиб чиқараётир дейсизлар-а?

¹⁹ Агар Мен жинларни баалзабулнинг кучи билан қувиб чиқараётган бўлсам, у ҳолда сизларнинг ўғилларингиз кимнинг кучи билан қувиб чиқаришмоқда? Шу сабабдан ҳам улар сизга ҳакам бўладилар.

²⁰ Агарда Мен Худо қудрати ила жинларни қувиб чиқараётган эканман, бу Худо Шоҳлигининг сизга етиб келгани демакдир.

²¹ Агар кучли одам ўз уйини қурол-яроғи билан кўриқлаб турса, унинг мол-мулки беҳатар бўлади.

²² Аммо ундан кучлироғи қўл солиб уни енгса, у таянган барча қуролларни тортиб олиб, эга бўлган ўлжани тақсимлаб олади.

²³ Ким Мен билан бирга бўлмаса, Менга қаршидир. Ким Мен билан бирга йиғмаса, у сочади.

²⁴ Ёвуз руҳ инсондан чиққанидан кейин, хузур-халоват излаб сувсиз ерларни айланиб юради ва топмагач: “Чиққан уйимга қайтиб бораман”, дейди.

²⁵ Қайтиб келгач эса, уйни супурилган ва йиғиштирилган ҳолда кўради.

²⁶ Шунда бориб, ўзидан ҳам ёвузроқ бошқа еттита рухни чақиради ва уларни эрчитиб келиб, у уйга кириб яшай бошлайди. Шунда у одамнинг кейинги аҳволи аввалгидан баттароқ бўлади».

Ҳақиқий бахтиёрлик

²⁷ Ийсо бу сўзларни айтаётганида халқ орасидан бир аёл овозини баланд қилиб: «Сени асраган қорин, Сени эмизган кўкрак бахтлидир!» – деб юборди.

²⁸ Ийсо шундай жавоб берди: «Худо каломини тинглаб, уни бажо келтирганлар бахтлидирлар!»

Ийсодан далил талаб қилиш

²⁹ Кўплаган халойиқ йиғила бошлагач, Ийсо сўз бошлаб деди: «Бу насл ёмондир! Бу насл бир далил изламоқда, аммо Юнус пайғамбарнинг аломатидан бошқа унга далил берилмайди.

³⁰ Юнус Ниневия аҳолиси учун қандай аломатли бўлган бўлса, Инсон Ўғли ҳам бу насл учун шундай аломатли бўлади.

³¹ Жануб маликаси қиёмат кунида бу насл одамлари билан бирга тирилиб, уларни маҳкум этади. Чунки у Сулаймоннинг ҳикматини тинглаш учун дунёнинг олис еридан келган. Мана бу ерда Сулаймондан буюкроқ Кимса бордир.

³² Ниневияликлар қиёмат кунда бу насл одамлари билан бирга тирилиб, уни маҳкум этадилар. Чунки улар Юнуснинг ваъзи сабабли тавба қилганлар. Аммо бу ерда Юнусдан буюк Кимса бордир!»

Ёниб турган шам ҳақида масал

³³ «Ҳеч ким шамни ёқиб, уни кўринмас ерга ёки идиш билан ёпиб қўймайди. Аксинча, кирганлар зиёни кўрсин, деб уни шамдонга қўяди.

³⁴ Таннинг чироғи – кўздир. Агар кўзинг беғубор бўлса, бутун танинг ҳам ёруғ бўлур. Агар кўзинг ёмон бўлса, танинг ҳам қоронғу бўлур.

³⁵ Шунинг учун қараб кўр: ичингдаги нур деганинг зулмат эмасми?

³⁶ Агар танангнинг ҳеч бир ерида қоронғулик бўлмай, ҳамма жойи нурланиб турса, шунда чироқнинг ёруғи сени ёритгандек бутун тананг ҳам ёрқин бўлар».

Ийсонинг дин арбобларини айблаши

³⁷ Ийсо бу сўзларни гапириб бўлганда, бир фарзий Уни уйига тушки таомга чақирди. Ийсо унинг уйига кириб, овқатланишга ўтирди.

³⁸ Ийсо овқат олдидан қўл ювиш расмини бажармаганини кўрган фарзий ажабланди.

³⁹ Раббимиз Ийсо унга шундай деди: «Эй фарзийлар, сизлар чиннию товоқнинг сиртини тозалайсиз-у, аммо ичингиз талончилик ва маккорликка тўлиб-тошган!

⁴⁰ Эй бефаҳмлар! Сиртни яратган ични ҳам яратган эмасми?

⁴¹ Ундан кўра ўзингизда бор нарсаларнинг энг яхшисидан хайр-садақа қилинглар, ана ўшанда ҳамма нарсангиз ҳалол бўлур.

⁴² Ҳолингизга вой, эй фарзийлар! Чунки сизлар ялпиз, заъфарон ва ҳар хил сабзавотлардан закот* берасиз-у, аммо ҳаққоният ва Худо севгисига бепарвосизлар! Буларнинг барисини бажариш керак, лекин унисини ҳам ташлаб қўймаслигингиз керак эди.

⁴³ Ҳолингизга вой, эй фарзийлар! Чунки сизлар синагогаларнинг тўрида ўтиришни ва халқ йиғинларида иззат-икром кўришни яхши кўрасизлар.

⁴⁴ Ҳолингизга вой, эй мунофиқ тафсирчилар ҳамда фарзийлар! Сизлар одамлар сезмай устидан босиб ўтаётган белгисиз қабрларга ўхшайсизлар».

⁴⁵ Шу пайт қонун ўқитувчиларидан бири: «Устоз, бу сўзларни айтиб, бизни ҳам хафа қиляпсиз», – деди Унга.

⁴⁶ Ийсо эса шундай деди: «Эй қонун ўқитувчилари, сизларнинг ҳам ҳолингизга вой! Сиз кўтариб бўлмайдиган юкларни инсонларга юклайсиз-у, ўзларингиз эса у юкларга бармоғингизни ҳам теккизишни хоҳламайсиз.

⁴⁷ Ҳолингизга вой! Сизлар ота-боболарингиз ўлдирган пайгамбарларга мақбаралар қуряпсизлар.

* Ўнлик, даромаднинг ўндан бир қисми назарда тутиляпти.

⁴⁸ Шу орқали оталарингизнинг қилмишларини тасдиқлаб, уларнинг ишларини маъқулламоқдасизлар. Чунки улар пайғамбарларни ўлдиришди, сизлар эса уларга мақбаралар қуриб юрибсизлар.

⁴⁹ Шунинг учун ҳам Худо ўз ҳикматларида шундай деган: “Мен уларга пайғамбарлар ва расуллар юбораман. Улардан баъзиларини ўлдирадилар, баъзиларини эса қувғин қиладилар”.

⁵⁰ Дунё яратилгандан бери тўкилган барча пайғамбарлар қони,

⁵¹ Ҳобилдан тортиб, қурбонгоҳ билан ибодатхона орасида ўлдирилган Закариёгача тўкилган қон шу наслнинг бўйнига тушади! Ҳа, сизларга айтаманки, шу наслдан талаб қилинади!

⁵² Эй тафсирчилар, ҳолингизга вой! Чунки сизлар маърифат калитини қўлингизга олдингизлар, аммо очиб кирмадингиз, кирмоқчи бўлганларга эса тўсқинлик қилиб турибсизлар».

⁵³ Ийсо ушбу сўзларни айтиб, у ерни тарк этар экан, уламолар ва фарзийлар Уни қаттиқ сиқувга олиб, кўплаб саволларга жавоб беришга мажбурладилар.

⁵⁴ Чунки Унинг оғзидан айблашга имкон берадиган бирон-бир сўз чиқишини пойлаб, Уни тузоққа тушириш пайида эдилар.

XII БОБ

Риёкорликка қарши огоҳлантириш

¹ Шу орада минглаган одамлар тўпланиб, бир-бирини сиқа бошлади. Ийсо аввал Ўз шогирдларига қараб сўзлай бошлади: «Фарзийларнинг хамиртурушидан, яъни риёкорлигидан эҳтиёт бўлинглар!

² Очилмай қоладиган ҳеч яширин нарса йўқ, билинмай қоладиган ҳеч қандай сир йўқ.

³ Шунинг учун сизнинг қоронғуликда сўзлаганларингиз ёруғликда эшитилади, уйнинг ичида қулоққа шивирлаганларингиз томлар узра эълон қилинади.

Кўрқиш ва кўрқмаслик ҳақида

⁴ Дўстларим, сизларга айтаман: танангизни ўлдириб, кейин бошқа бирон нарса қилишга қодир бўлмаганлардан кўрқманглар.

⁵ Аммо кимдан кўрқишингиз кераклигини сизларга айтайин: одамни ўлдиргандан кейин жаҳаннамга ташлашга ҳам қодир бўлган Зотдан кўрқинглар. Ҳа, сизларга айтаман, Ундан кўрқинглар!

⁶ Бешта чумчуқ икки тангага сотилмайдими? Аммо Худо буларнинг биронтасини ҳам унутмаган.

⁷ Сизларга келсак, бошингиздаги сочлар ҳам бари санокли. Шунинг учун кўрқманглар, сиз кўплаган чумчуқлардан қадрлироқсиз.

⁸ Сизларга яна шуни айтай: кимда-ким Мени инсонлар олдида тан олса, Инсон Ўғли ҳам Худо фаришталари олдида уни тан олади.

⁹ Аммо кимда-ким инсонлар олдида Мендан бош тортса, Мен ҳам Худо фаришталари олдида ундан бош тортаман.

¹⁰ Кимки Инсон Ўғлига қарши сўз айтса, кечирилади. Лекин ким Муқаддас Рухни ҳақорат қилса, кечирилмайди.

¹¹ Сизларни синагогалар, бошлиқлар ва ҳокимлар олдида олиб келганларида қандай сўзлаб, нима деб ўзимизни ҳимоя қиламиз деб қайғурманглар.

¹² Чунки Муқаддас Рух нима дейиш кераклигини ўша онда сизларга ўргатади».

Ақлсиз бой ҳақида масал

¹³ Халойиқ ичидан кимдир Ийсога: «Устоз, акамга айт, меросни мен билан бўлишсин», – деди.

¹⁴ Ийсо унга: «Эй инсон! Мени сизларга ким қози ёки мерос бўлувчи қилиб қўйди?» – деди.

¹⁵ Кейин халойиққа: «Эҳтиёт бўлинглар, ўзингизни ҳар турли очкўзликдан сақланглар. Чунки инсон умри унинг мол-мулки кўплигига боғлиқ эмас», – деди.

¹⁶ Ва уларга шундай масал айтиб берди: «Бир бой одам даласидан мўл ҳосил кўтарди.

¹⁷ Бой ўзича: “Нима қилай? Бунча ҳосилни қўядиган жойим йўқ”, – деб ўйланди.

¹⁸ Мен бундай қиламан: бутун ғалла ва бойликларимни жойлаш учун омборимни бузиб, каттароғини кураман.

¹⁹ Сўнг ўзимга: “Эй жоним, сен ўзингга кўп йилларга етгулик давлат тўпладинг. Энди роҳат қилиб, еб-ичгин ва кайфу сафо сургин, дейман”, – дебди.

²⁰ Аммо Худо унга: “Эй нодон! Шу кечаёқ жонинг олинади. Шунда бу тежаб қўйганларинг кимга қолади?” – дебди.

²¹ Ўзи учун бойлик тўплаб, Худо назарида боймаган одамнинг қисмати ана шундай бўлади».

Тирикчилик ташвишлари ҳақида

²² Сўнг Ийсо шогирдларига шундай деди: «Шунинг учун сизларга айтаманки, нима еймиз, деб жонингиз учун, нима киямиз, деб танангиз учун ташвишланиб юрманглар.

²³ Чунки жон овқатдан, тана эса кийимдан афзалдир.

²⁴ Қарғаларга қаранглар: улар на экади, на ўради, на омборлари ва на сақлайдиган жойлари бор. Шунга қарамай, Худо уларнинг ризқини беради. Сизлар эса қушлардан нақадар қадрлисизлар!

²⁵ Сизлардан қайси бирингиз ташвишланиб, ўз бўйига бир қарич бўй қўша олади?

²⁶ Демак, бу қадар кичик ишни қилишга қурбингиз етмас экан, бошқа нарсалар ҳақида нега ташвишланасизлар?

²⁷ Пиёзгулларнинг қандай ўсиб турганига бир қаранглар! Улар меҳнат ҳам қилмайди, чарҳ ҳам йигирмайди. Аммо сизларга айтаманки, ҳатто подшоҳ Сулаймон ўзининг шухрат чўққисида ҳам буларнинг биридай кийинмаган эди.

²⁸ Бугун далада ўсиб туриб, эртага оловга ташланадиган дашт ўтига Худо шундай зеб берган бўлса, сизларни ундан кам кўрармикан, эй имони сустлар!

²⁹ Шунинг учун сизлар: “Нима еймиз, нима ичамиз”, деб қайғуриб, тинчингизни йўқотманг.

³⁰ Бу дунёнинг одамлари ҳадеб шу нарсаларнинг пайида юрадилар. Лекин сизларнинг бу нарсаларга муҳтож эканингизни Отангиз билади!

³¹ Энг аввало, Худо Шоҳлигини изланг, шунда буларнинг ҳаммаси сизга қўшиб берилади.

³² Қўркмагил, эй кичик пода! Чунки Отангиз Шоҳликни сизларга беришни муносиб кўрди.

³³ Мол-мулкингизни сотиб, садақа беринг. Ўзингизга чиримайдиган ҳамёнлар тайёрлаб, битмас-туганмас хазинани ўғри тегмас, куя емас осмонга ҳозирланг.

³⁴ Чунки хазинангиз қаерда бўлса, юрагингиз ҳам ўша ерда бўлур».

Ийсонинг қайта келишига тайёр бўлиш

³⁵ «Белларингиз белбоғ билан боғланган, чироқларингиз эса ёниб турган бўлсин!

³⁶ Сизлар хўжайин тўйдан қайтишини кутиб турган ва у келиб эшикни тақиллатиши билан очиб беришга тайёр турган одамлардек бўлинглар.

³⁷ Хўжайин келганида хушёр ҳолда топилган хизматкорлар бахтлидир! Сизларга ростини айтайин, хизматкорларини ўтқазиб, бел боғлаганча ўзи уларга хизмат қилади.

³⁸ Хоҳ ярим кечада, хоҳ тонготарда хўжайин келиб қолса-ю, хизматкорларини хушёр ҳолда учратса, улар қандай бахтлидир!

³⁹ Биласизларки, агар уй эгаси ўғри қай соатда келишини билганида, у хушёр бўлиб, уйига чоҳ қазилишига йўл қўймас эди.

⁴⁰ Сизлар ҳам тайёр бўлиб туринглар, чунки Инсон Ўғли сиз ўйламаган соатда келиб қолади».

⁴¹ Шу пайт Бутрус Ийсодан: «Раббий, Сен бу ибратли масални фақат биз учун айтяпсанми, ёки ҳамма учунми?» – деб сўради.

Уй бошқарувчи ҳақида масал

⁴² Раббий Ийсо шундай деди: «Уй аҳлига ўз вақтида овқатини бериб туриш учун хўжайин хизматкорларига бошлиқ қилиб қўйган ишончли ва ақлли уй бошқарувчи ким?»

⁴³ Хўжайин келиб, хизматкорини юмуш билан банд ҳолда кўрса, у қандай бахтлидир!

⁴⁴ Сизларга ростини айтайин, хўжайин уни ўзининг бутун мол-мулклари устидан бошқарувчи қилиб қўяди.

⁴⁵ Мабодо у хизматкор ўз кўнглида: “Хўжайиним яқин орада келмайди” – деб, қул ва чўриларни уриб, еб-ичиб маст бўлса,

⁴⁶ у хўжайин хизматкори кутмаган бир кунда, ўйламаган бир соатда келиб қолади-да, уни тилка-пора қилиб, бошига имонсизлар кунини солади.

⁴⁷ Хўжайиннинг хоҳишини билиб туриб, тайёр бўлмаган, хўжайин хоҳлаганидек иш тутмаган хизматкор кўп таёқ ейди.

⁴⁸ Билмай туриб жазога муносиб иш қилган хизматкор оз таёқ ейди. Кимга кўп берилган бўлса, ундан кўп талаб қилинади, кимга кўп ишониб топширилган бўлса, ундан кўпроқ ундирилади».

*Ийсо низога сабаб бўлиши
ҳақида олдинданоқ айтиб бериши*

⁴⁹ Мен ер юзига ўт ёқиш учун келдим ва шу ондаёқ ўтнинг аланга олишини қанчалик истар эдим!

⁵⁰ Мен жуда оғир азоб-уқубатни бошдан кечиришим керак. Бу амалга ошмагунча нақадар қийналаман!

⁵¹ Мени ер юзига тинчлик ўрнатиш учун келган, деб ўйлайсизларми? Йўқ, сизларга айтиб қўяй, низо солгани келганман.

⁵² Чунки бундан буён бир уйда беш киши ўзаро бўлиниб, учтаси иккитасига ва иккитаси учтасига қарши туради.

⁵³ Ота ўғлига, ўғил отасига қарши, она қизига, қиз онасига қарши, қайнона келинига, келин қайнона-сига қарши чиқади».

*Замон аломатларидан
ўрнат олиб нажот топиш*

⁵⁴ Ийсо халқ оммасига яна шуни айтди: «Сизлар ғарбдан булут кўтарилганини кўриб, “жала бўлади” дейсизлар ва шундай бўлади.

⁵⁵ Жануб шамоли эсан вақтда сизлар “жазирама иссиқ бўлади” дейсизлар ва шундай бўлади ҳам.

⁵⁶ Эй иккиюзламачилар! Еру кўк юзини аниқлай оласиз-у, нега бу вақт-соатнинг белгиларини тушуна олмайсизлар?

⁵⁷ Наҳотки, ўзингизча нима тўғри эканини англамасангиз?

⁵⁸ Сен рақибинг билан бирга маҳкамага бораётганингда йўл-йўлакай у билан келишишга ҳаракат қил. Акс ҳолда у сени қозининг олдига олиб келади, қози сени зиндонбонга топширади, зиндонбон эса сени зиндон қаърига ташлайди.

⁵⁹ Сенга айтиб қўяй, сўнгги тийинингни тўламагунингча у ердан чикмайсан».

XIII БОБ

Тавба қилиш ҳақида

¹ Ўша вақтда кимлардир келиб, Ийсога жалилалликлар ҳақида хабар қилишди. Пилат уларни тигдан ўтказиб, қонларини ўзлари сўйган қурбонликлар қонига аралаштириб ташлаган эди.

² Ийсо уларга шундай деди: «Сизнингча, бу жалилалликлар бошқа бутун Жалила кишиларидан кўпроқ гуноҳкор бўлгани учун шунчалик жафо чекдиларми?»

³ Сизларга айтиб қўяй, ундай эмас. Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз улар каби ҳалок бўласизлар.

⁴ Силоам минораси қулаганда остида қолиб кетган ўн саккиз киши Қуддусда яшовчи ҳаммадан кўра айбдорроқ, деб ўйлайсизларми?

⁵ Сизларга айтиб қўяй, ундай эмас. Лекин тавба қилмасангиз, ҳаммаларингиз ҳам улар каби ҳалок бўласиз».

Мева келтирмаган анжир дарахти ҳақида масал

⁶ Шундан кейин Ийсо қуйидаги масални айтиб берди: «Бир кишининг узумзорида анжир дарахти ўтқазилган экан. У келиб, ундан мева излабди-ю, лекин тополмабди.

⁷ Шунда у боғбонга: “Мен уч йилдан бери бу анжир дарахтидан мева излаб келаман ва тополмай-

ман. Уни кесиб ташла, ерни бекордан банд қилиб турибди”, – деб айтибди.

⁸ Аммо боғбон шундай деб жавоб берибди: “Хўжайин, дарахтингиз бу йил ҳам турсин. Мен унинг ёнбағирларини чопиб, гўнг солай.

⁹ Балки мева берар. Майли, агар бермаса, унда келгуси йили кесиб ташларсиз”.

Қадди буқик аёлни шанба кунда шифолаш

¹⁰ Шанба куни Ийсо яхудий синагогаларининг бирида таълим берар эди.

¹¹ У ерда бир аёл ёмон руҳдан қийналиб қадди буқилган эди. У аёл, мана ўн саккиз йилдирки, қаддини сира тиклай олмас эди.

¹² Ийсо уни кўргач, ёнига чақириб: «Эй аёл, сен дардингдан халос бўлдинг!» – деди-да, кўлини унинг устига кўйди.

¹³ Аёл ўша вақтнинг ўзида қадди ростланиб, Худога ҳамду сано айта бошлади.

¹⁴ Синагога бошлиғи Ийсонинг шанба куни аёлни соғайтирганини кўриб аччиқланди ва халойиққа: «Ишлаш учун олти кун бор. Даволанмоқчи бўлсангиз, шанбадан бошқа куни келинглар», – деди.

¹⁵ Шунда Раббий Ийсо унга жавобан деди: «Эй иккиюзлилар! Шанба куни ҳар бирингиз ўз хўкиз ва эшагингизни охурдан ечиб суғоргани олиб бормасизми?»

¹⁶ Шундай қилиб, ўн саккиз йилдан бери шайтон боғлаб қўйган Иброҳим қизини шанба куни кишанлардан озод қилиш ўринли эмасмиди?»

¹⁷ Ийсонинг бу сўзларидан Унга қаршилиқ кўрсатаётганларнинг ҳаммаси уятга қолишди. Бутун халқ эса Унинг бажараётган барча ажойиб ишларини кўргани сайин қувонар эди.

Худо Шоҳлиги ҳақида икки масал

¹⁸ Ийсо эса шундай деди: «Худонинг Шоҳлиги нимага ўхшаш? Уни нимага тенглаштирайин?»

¹⁹ У бир одам ўз боғига эккан хантал уруғига ўхшар. Уруғ униб, улкан дарахт бўлибди ва унинг шоҳларига кўкдаги қушлар қўниб уя қурибди».

²⁰ Яна деди: «Худонинг Шоҳлигини нимага ўхшатай?»

²¹ У бир аёл бутун хамирни ачитиш учун уч тоғора унга қориштириб солган хамиртурушга ўхшайди».

Нажот эшиги тор

²² Ийсо шаҳар ва қишлоқларни оралаб, таълим берар ва шу йўсин Қуддус томон бормоқда эди.

²³ Кимдир Ундан: «Раббий, наҳотки нажот топадиганлар оз бўлса?» – деб сўради. Шунда Ийсо ҳаммага қараб шундай деди:

²⁴ «Тор эшикдан кириш учун тиришиб ҳаракат қилинглар. Сизларга айтиб қўяйин: кўплар кириш учун интиладилар, аммо киролмайдилар.

²⁵ Уй Эгаси туриб эшикни бекитиб қўйгандан кейин сизлар ҳам ташқарида қолиб: “Ё Раббий, ё Раббий, очиб бер!” – деб эшикни тақиллата бошлайсизлар. Лекин У сизларга: “Сизларни танимайман ва қаердан эканингизни ҳам билмайман”, – деб жавоб беради.

²⁶ Шунда сизлар: “Биз Сен билан бирга еб-ичдик, Сен бизнинг кўчаларда таълим бериб юрдинг-ку”, – деб айтасизлар.

²⁷ У эса: “Кимсиз, қаердансиз, билмайман деб сизларга айтдим-ку. Эй адолатсизлик қилувчилар, Менинг ёнимдан кетинглар!” – дейди.

²⁸ Сизлар Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб ва барча пайгамбарларни Худонинг Шоҳлигида, ўзингизни эса ташқарига қувғин қилинган ҳолда кўрганингизда оҳу воҳ ила йиглаб, тиш ғичирлатасизлар.

²⁹ Ўшанда шарқу ғарбдан, шимолу жанубдан одамлар келиб, Худо Шоҳлигида зиёфатда ўтирадилар.

³⁰ Шундай қилиб биринчилар охирги, охиргилар эса биринчи бўладилар».

Ҳироднинг Ийсони ўлдириши нияти

³¹ Ўша куни фарзийлардан айримлари келиб Ийсога: «Бу ердан чиқиб кет, чунки Ҳирод Сени ўлдирмоқчи», – деб айтишди.

³² Ийсо уларга шундай деди: «Бориб у тулкига шундай деб айтинглар: Мен бугун ва эрта жинларни қувиб, касалларни даволайман ва учинчи куни ишимни якунлайман.

³³ Аммо Мен бугун, эрта ва индин Ўз йўлимни давом эттираман. Чунки пайғамбарнинг Қуддусдан ташқарида ўлишига йўл қўйилмайди».

Ийсонинг Қуддус учун ноласи

³⁴ «О Қуддус, Қуддус! Пайғамбарларни қатл қилиб, ҳузурингга юборилганларни тошбўрон қилгувчи шаҳар! Товуқ ўз жўжаларини қанотлари остига қандай тўпласа, Мен ҳам сенинг болаларингни неча бор шундай тўпламоқчи бўлдим ва лекин сиз истамадингиз.

³⁵ Мана, сизнинг Уйингиз бўш қолади. Сизларга шуни айтиб қўяй: “Худованд номидан келаётган муборак”, – деб хитоб қиладиган вақт келмагунича Мени яна кўрмайсизлар».

XIV БОБ

Ийсонинг шанба кунда шифолаши

¹ Шанба кунларнинг бирида Ийсо фарзийлар мазҳаби бошлиқларидан бирининг уйига меҳмонга борди. Фарзийлар Уни зимдан кузатиб туришарди.

² Ийсонинг олдига истиско* дардидан қайналиб юрган бир одам келди.

³ Шунда Ийсо қонун ўқитувчилари ва фарзийларга қайрилиб: «Шанба кунда касал одамни шифолаш мумкинми ёки йўқми?» – деб сўради.

⁴ Улар эса индамадилар. Ийсо бу одамга қўлини теккизиб шифолади-да, жўнатиб юборди.

⁵ Сўнг уларга деди: «Сизлардан кимнингдир эшаги ёки хўкизи кудуққа тушиб кетса, шанба кун бўлишига қарамасдан, дарҳол чиқариб олмасмидингиз?»

⁶ Улар Ийсонинг бу саволига жавоб топа олмадилар.

*Базмларда биринчи бўлишга
интилувчилар ҳақида панд-насиҳат*

⁷ Меҳмонга чақирилганларнинг тўрда ўтиришга интилаётганларини пайқаб, Ийсо уларга қуйидаги ибратли нақлни айтди:

⁸ «Сени биров никоҳ тўйига чақирса, тўрига чиқиб ўтириб олма. Эҳтимол, таклиф этилганлар орасида сендан эътиборлироғи бўлиб қолар.

⁹ Шунда сени ҳам, уни ҳам чақирган мезбон келиб сенга: “Бу кишига ўрнингни бўшатиб бер-чи”, – деб қолса, уялганингдан пойгоҳда ўтиришга мажбур бўласан.

¹⁰ Яхшиси, меҳмонга борганингда пойгоҳда ўтира тур, токи мезбоннинг ўзи келиб сенга: “Дўстим,

* Тўқималарга сув тўпланиш касаллиги.

тўрга ўтиб ўтир”, – деб айтсин. Шунда бошқа меҳмонлар олдида сенинг ҳурматинг ортади.

¹¹ Кимки ўзини юқори олса, пасайтирилади. Кимки ўзини паст олса, юксалтирилади».

¹² Сўнг Ийсо Ўзини таклиф қилган уй эгасига шундай деди: «Тушки ёки кечки зиёфат қилганинда, фақатгина дўст, ака-ука, қариндош-уруғ ва бой кўшнилариингигина чақирма. Чунки улар ҳам сени чақириб миннатдорчилик билдиришга кодирдирлар.

¹³ Аксинча, зиёфат берганинда қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни чақир.

¹⁴ Улар сенга қайтара олмаганликлари учун сен бахтлисан. Чунки сенга қиёматда солиҳлар тирилганда мукофот берилади».

Тўйга чақирилганлар ҳақида масал

¹⁵ Ийсо билан бирга дастурхон атрофида ўтирганлардан бири бу сўзларни эшитиб, Унга: «Худонинг Шоҳлигида таом тотган киши бахтлидир!» – деди.

¹⁶ Шунда Ийсо унга деди: «Бир одам кечки зиёфат учун дастурхон тузаб, кўпларни таклиф этибди.

¹⁷ Зиёфатни бошлаш вақти етганда чақирилган меҳмонларга: “Келинлар, дастурхон тайёр бўлди”, – деб айтиш учун ўз хизматкорини юборибди.

¹⁸ Шунда ҳаммалари худди келишиб олгандек узр сўрай бошлашибди. Биринчиси унга: “Мен ер сотиб

олдим, бориб уни кўришим керак. Илтимос, мени кечиринг”, – дебди.

¹⁹ Бошқаси эса: “Мен беш жуфт хўкиз сотиб олдим, уларни синагани боришим керак. Илтимос, мени кечиринг”, – дебди.

²⁰ Учинчиси эса: “Мен яқиндагина уйландим, шунинг учун боролмайман”, – дебди.

²¹ Хизматкор қайтиб келиб хўжайинига вазиятни тушунтирибди. Шунда ғабланган уйнинг эгаси хизматкорига: “Тезроқ бориб, шаҳарнинг йўлак ва кўчаларини кезиб чиқ, қашшоқ, майиб, шол ва кўрларни бу ерга олиб кел”, – дебди.

²² Хизматкор бориб келиб: “Хўжайин, буюрганларингизни бажардим, аммо яна бўш жой бор”, – дебди.

²³ Шунда хўжайин хизматкорига: “Менинг уйим тўлиши учун йўлларга чиқ, сўқмоқларга бор ва элни келишга унда”, – дебди.

²⁴ Сизларга айтаманки, олдинги чақирилган одамлардан ҳеч кимиси зиёфатимдан тотиб кўрмайди. Чунки чақирилганлар кўп, аммо танланганлар оздир».

Ийсонинг шогирди бўлмоқ ҳақида

²⁵ Ийсо орқасидан эргашиб келаётган халойиққа қараб, шундай деди:

²⁶ «Агар ким Менинг ҳузуримга келса-ю, аммо ота-онаси, хотини, бола-чақаси, ака-укаси, опа-син-

гиллари ва ҳатто ўз жонини Мендан ортиқ кўрса, у Менинг шогирдим бўла олмайди.

²⁷ Кимки ўз хочини кўтариб орқамдан эргашмаса, Менинг шогирдим бўлолмайди».

Иморат қурувчи ҳақида масал

²⁸ «Орангиздан бирортангиз иморат курмоқчи бўлсангиз, уни битиришга маблағ етарлими, деб олдиндан харажатини ҳисоблаб чиқмайсизми?

²⁹ Бўлмаса пойдевор солиб, иморатни қуришга курбингиз етмаса, ўтган-кетган буни кўриб:

³⁰ “Бу одам қуришни бошлади-ю, аммо битира олмади”, – деб масхара қилмайдими?

³¹ Ёки қайси бир подшоҳ бошқа бир подшоҳга қарши урушга чиқса, ўзимнинг ўн минг аскарим билан қарши келаётган йигирма минг аскарга кучим етармикан, деб олдиндан ўтириб маслаҳатлашмас экан?

³² Кучи етмаса, душман ҳали узоқдалигидаёқ унинг олдига элчисини юбориб сулҳ сўрайди.

³³ Шу сингари сизлардан ҳар бирингиз ўзингизнинг бор-йўғингиздан кўнгил узмасангиз, Менинг шогирдим бўлолмайсиз».

Таъмини йўқотган туз ҳақида

³⁴ «Туз – яхши нарса. Лекин туз ўз таъмини йўқотса, уни яна қандай қилиб ўз ҳолига келтирса бўлади?

³⁵ Ерга ҳам, гўннга ҳам ярамагани учун уни ахлатга ташлаб юборадилар. Кимнинг эшитар қулоғи бўлса, эшитсин!»

XV БОБ

Адашган қўй ҳақида масал

¹ Барча гуноҳкор одамлар ва солиқчилар Ийсонинг сўзларини тинглаш учун Унинг олдига яқин келдилар.

² Буни кўрган фарзийлар ва уламолар норози бўлиб: «Мана, У гуноҳкорларни қабул қилиб, улар билан бирга еб-ичмоқда», – дедилар.

³ Ийсо эса уларга қуйидаги масални айтиб берди:

⁴ «Сизлардан кимдир юзта қўйга эга бўлса-ю, улардан биттаси йўқолса, тўксон тўққизтасини даштда қолдириб, йўқолган қўйни топмагунча кидирмайдими?

⁵ Топгандан кейин қувонганидан уни елкасига кўтариб олади.

⁶ Уйга келгач, дўстлари билан қўшниларини чақириб: “Мен билан бирга қувонинглар, чунки мен йўқолган қўйимни топдим”, – дейди.

⁷ Сизларга айтаманки, худди шунга ўхшаб тавбага муҳтожлик сезмаган тўксон тўққизта тақводордан кўра, тавба қилган биттагина гуноҳкор учун осмонда кўп шодлик бўлади».

Йўқолган танга ҳақида масал

⁸ «Ёки ўн кумуш тангаси бор бир аёл бир кумуш тангасини йўқотиб қўйса, у шам ёқиб, тангани топмагунича уйини супуриб-сидириб синчиклаб қидирмайдими?

⁹ Топгач эса, дугоналари ва қўшнилари чақириб: “Мен билан бирга қувонинглар, мен йўқотган тангамни топдим”, – дейди.

¹⁰ Сизларга айтаманки, худди шунга ўхшаб тавба қилган битта гуноҳкор учун Худо фаришталари хузурида шодлик бўлади».

Дарбадар ўғил ҳақида масал

¹¹ Яна шундай деди: «Бир одамнинг икки ўғли бор экан.

¹² Уларнинг кичиги отасига: “Ота, мол-мулкингизнинг менга тегишли қисмини бўлиб беринг”, – дебди. Шунда отаси ўғилларига мол-мулкини бўлиб берибди.

¹³ Бир неча кундан кейин кичик ўғил улушини йиғиштириб, узоқ бир мамлакатга жўнаб кетибди. У ерда шалоқ яшаб, мол-дунёсини кўкка совура бошлабди.

¹⁴ Бор-йўғини исроф этганидан кейин мамлакатда оғир қаҳатчилик бошланибди ва у ҳам муҳтожликка йўлиқибди.

¹⁵ Шунда у бориб, бу мамлакат фуқароларидан би-

рига ёлланибди. У одам эса йигитни ўз даласидаги чўчқаларини боқишга юборибди.

¹⁶ У очликдан ҳатто чўчқаларнинг емиши билан қорнини тўйғазишга ҳам зор бўлибди, лекин унга шуни ҳам ҳеч ким бермабди.

¹⁷ Шунда у ўзига келгач, дебди: “Отамнинг қанчадан-қанча ёлланма ишчилари тўйиб овқат ейишади, мен эса бу ерда очликдан ўляпман.

¹⁸ Энди отамнинг олдига бораман ва унга: “Ота, мен осмондаги Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим.

¹⁹ Энди сизнинг ўғлингиз деб аталишга ҳам лойиқ эмасман. Мени ёлланма ишчиларингиз қаторига қабул қилсангиз бас, деб айтаман”.

²⁰ Шундай қилиб йигит отаси олдига равона бўлибди. У ҳали узокдалигидаёқ отаси ўғлини кўриб, жуда ҳам раҳми келибди ва югурганича бориб ўғлининг бўйнидан кучоқлаб, юзларидан ўпибди.

²¹ Ўғли отасига: “Ота, мен Худога ва сизга қарши гуноҳ қилдим. Энди сизнинг ўғлингиз деб аталишга лойиқ эмасман”, – дебди.

²² Отаси эса хизматкорларига шундай буюрибди: “Тезлик билан энг нафис тўн келтириб елкасига ёпинглар, қўлига узук тақиб, оёқларига чориқ кийгизинглар.

²³ Бўрдоқига боқилаётган бузокни олиб чиқиб сўйинглар, еб-ичиб, хурсандчилик қилайлик.

²⁴ Чунки менинг бу ўғлим ўлган эди – тирилди, йўқолган эди – топилди”. Шундай қилиб, хурсандчилик қила бошлабдилар.

²⁵ Шу пайтда унинг катта ўғли далада экан. У қайтаётиб уйга яқинлашганда, уй томондан қулоғига ўйин-кулги садолари эшитилибди.

²⁶ Шунда у хизматкорларидан бирини чақириб: “Нима гап?” – деб сўрабди.

²⁷ “Укангиз келди, отангиз уни соғ-саломат кўрганни учун бўрдоқини сўйдилар”, – дебди хизматкор.

²⁸ Буни эшитган катта ўғил аччиқланиб, ичкарига киргиси келмабди. Отаси эса ташқарига чиқиб, ўғлидан ичкарига киришини сўранибди.

²⁹ Шунда у отасига: “Мен шунча йилдан бери хизмат қилиб келяпман, ҳеч қачон буйруғингизга қарши чиққан эмасман. Лекин дўстларим билан хурсандчилик қилишим учун сиз менга битта улоқ ҳам атамадингиз.

³⁰ Аммо мол-мулкингизни фоҳишаларга сарфлаб қайтган анови ўғлингизга бўрдоқи сўйибсиз!” – дебди.

³¹ Отаси унга шундай жавоб берибди: “Ўғлим! Сен доимо мен билан биргасан, менинг ҳамма нарсам сеники.

³² Аммо бугун шодланишинг ва хурсандчилик қилишинг керак. Чунки сенинг бу уканг ўлган эди – тирилди, йўқолган эди – топилди”».

XVI БОБ

Ақлли, аммо ишончсиз уй бошқарувчи ҳақида масал

¹ Ийсо Ўзининг шогирдларига яна шундай деди: «Бир бойнинг уй ишларини бошқарувчиси бор экан. Бойнинг қулоғига иш бошқарувчи унинг мол-мулкини бежо сарф қилиб юрибди, деган сўз етибди.

² Шунда бой иш бошқарувчисини чақириб: “Бу қанақаси? Сен тўғрингда ҳар хил гаплар юрибди. Ишларингнинг ҳисобини бер, сен бундан буён уй ишларини бошқара олмайсан”, – дебди.

³ Иш бошқарувчи ўзича: “Нима қилсам экан? Хўжайиним мени бошқарувчиликдан бўшатмоқда. Ер қазिशга кучим етмайди, тиланчилик қилишдан уяламан.

⁴ Аммо мен нима қилиш кераклигини биламан. Бошқарувчиликдан бўшатилоганимдан сўнг одамлар мени ўз уйларига қабул қилишлари учун мен шундай қиламан”, – дебди-да,

⁵ хўжайинидан қарз бўлганларнинг ҳар бирини алоҳида ёнига чақирибди. Биринчисидан сўрабди: “Хўжайинимдан қанча қарзинг бор?”

⁶ “Юз қува* зайтун мойи”, – жавоб берибди у. “Тилхатингни ол ва тезда ўтириб, эллик қува деб ёз!” – дебди унга иш бошқарувчи.

⁷ Ундан кейин бошқасидан: “Сенинг қанча қарзинг бор?” – деб сўрабди. “Юз қанор қоп бугдой”, –

* Уч минг литр.

жавоб берибди у. Унга ҳам: “Тилхатингни ол-да, саксон канор коп деб ёз!” – дебди.

⁸ Хўжайини эса ўзининг бу шум иш бошқарувчисининг ишбилармонлигини мақтабди, чунки бу дунёнинг одамлари ўзларига ўхшаганлар орасида нур аҳлидан кўра ақллироқ ҳаракат қиладилар.

⁹ Мен сизларга айтаманки, бу бевафо ва ўткинчи дунёнинг бойлигидан фойдаланиб дўст орттиринглар, токи бу бойлик тугагач, сизларни абадий маконларга қабул қилсинлар.

¹⁰ Кичик ишда садоқатли бўлган буюк ишда ҳам садоқатлидир.

¹¹ Шунингдек, сиз бу бевафо дунёнинг бойлигига содиқ бўлмасангиз, ҳақиқий бойликни сизга ким ишониб топширади?

¹² Агар бошқаларнинг мулкига содиқ бўлмасангиз, ўз насибангизни сизга ким беради?

¹³ Ҳеч қандай хизматкор икки хўжайинга хизмат қилолмайди. У ё бирини ёмон кўриб, бошқасини севади, ёки бирига ихлос қўйиб, бошқасидан норози бўлади. Бир вақтнинг ўзида ҳам Худога, ҳам мамонга* бирдек хизмат қила олмайсиз».

Худо салтанати ва қонуни ҳақида

¹⁴ Бу гапларни эшитган фарзий мазҳабидагилар

* бойликка.

пулпараст бўлганликлари учун Ийсони мазах қила бошладилар.

¹⁵ Шунда Ийсо уларга деди: «Сизлар одамлар олдида ўзингизни тақводор қилиб кўрсатасизлар, лекин Худо юрагингизни билади, чунки одамлар юқори баҳолаган неки бўлмасин, Худо назарида жирканчдир.

¹⁶ Таврот ва Пайғамбарлар даври Яҳё келгунча давом этди. Шу вақтдан бошлаб Худо Шоҳлиги тўғрисидаги Хушxabар ваъз қилинмоқда ва ҳамма бу Шоҳликка кириш учун зўр бермоқда.

¹⁷ Аммо қонундан бир чизик йўқолишидан кўра, еру осмоннинг йўқолиши осонроқдир».

Ажрашув ҳақида

¹⁸ Кимда-ким ўз хотинидан ажралиб, бошқасига уйланса, зино қилган бўлади. Шунингдек, эридан ажралган хотинга уйланган киши ҳам зино қилган бўлади.

Бой одам ва Лазар ҳақида

¹⁹ «Бир бой одам бор экан. У кимхоб ва шойи кийимлар кийиб, ҳар куни дабдабали базмлар куриб, кайф-сафо сурар экан.

²⁰ Унинг дарвозаси олдида бутун баданига яра тошган Лазар исмли бир гадой ётар экан.

²¹ У бойнинг дастурхонидан тўкилган қолдиқлар билан қорин тўйдиришга зор эди, итлар эса келиб унинг яраларини ялаб кетар экан.

²² Вақти келиб гадоё ўлибди ва фаришталар уни Иброҳим кучоғига олиб боришибди. Кейин бой ҳам ўлиб, уни дафн қилишибди.

²³ Дўзахда азоб чекаётган бой бошини кўтариб узоқдаги Иброҳимни ва унинг ёнидаги Лазарни кўрибди.

²⁴ Шунда у фарёд кўтариб: “Эй Иброҳим ота! Менга раҳм қилиб Лазарни юборгин, у бармоғининг учини сувга ботириб тилимни хўлласин, чунки мен бу оловда кўп азоб чекапман”, – дебди.

²⁵ Иброҳим унга шундай жавоб берибди: “Болам, сен ҳаётингда яхши насибангни олганингни, Лазар эса ёмон насибага эга бўлганини эсла. Энди у бу ерда тасалли топяпти, сен бўлсанг азоб чекапсан.

²⁶ Бунинг устига сиз билан бизнинг орамизда тубсиз жарлик бор. Бу ердан сиз томон ўтмоқчи бўлганлар ўта олмайдилар ва у ердан биз томон ҳам ўтмайдилар”.

²⁷ “Ундай бўлса, эй ота, сендан ўтиниб сўрайман, Лазарни отамнинг уйига юборгин.

²⁸ Менинг бешта укам бор. Улар ҳам бу азобли жойга келмасликлари учун уларни огоҳлантириб қўйсин”, – дебди бой.

²⁹ Иброҳим унга: “Уларда Мусо ва бошқа пайғамбарларнинг китоблари бор, уларга қулоқ солишин”, – дебди.

³⁰ Бой эса: “Йўқ, Иброҳим ота! Агарда ўликлардан биров тирилиб уларнинг олдига борса, ўшанда тавба қиларлар”, – дебди.

³¹ Иброҳим шундай дебди: “Агар Мусо ва бошқа пайғамбарларга кулоқ солмасалар, ўликлардан бири тирилиб борса ҳам ишонмайдилар”».

XVII БОБ

Васваса, гуноҳ ва кечирим ҳақида

¹ Ийсо Ўзининг шогирдларига шундай деди: «Васвасалар келиши шубҳасиздир. Лекин ким орқали келса, ўша одамнинг ҳолига вой!

² Шунинг учун бу кичиклардан биронтасини йўлдан оздиргандан кўра, бўйнига тегирмон тошини осиб, денгизга ташланиши унинг учун яхшироқ бўлар эди.

³ Ўзларингизга эҳтиёт бўлинглар! Агар биродаринг сенга қарши гуноҳ қилса, унга танбеҳ бер. Агар тавба қилса, уни кечир.

⁴ Агар у бир куннинг ўзида сенга қарши етти марта гуноҳ қилса-ю, етти марта сенга қайтиб келиб: “Тавба қилдим”, – деса, уни кечириб юбор».

⁵ Ҳаворийлар Раббийга: «Имонимизни кўпайтир», – дедилар.

⁶ Раббий жавоб берди: «Агар имонингиз зиғирдай бўлиб, шу тут дарахтига “Илдизинг билан кўпорилиб чиқ ва денгизга кўчиб илдиз от”, – десангиз, дарахт сизга бўйсунар эди».

Даладан қайтаётган хизматкор ҳақида

⁷ «Орангизда кимингиз қўш ҳайдовчи ёки подачи хизматкорингиз даладан қайтгач, унга: “Тез келиб дастурхонга ўтир”, – дейсиз?

⁸ Аксинча: “Кечки таомни тайёрла, ишга бел боғлаб, овқатланиб бўлгунимча менга хизмат қил, ундан кейин ўзинг еб-ичасан”, – деб айтмайсизми?

⁹ Буйруғини бажаргани учун у хизматкорига ташаккур айтадими? Айтади деб ўйламайман.

¹⁰ Шунга ўхшаб сизлар ҳам ўзингизга буюрилган ҳамма ишни бажаргандан сўнг: “Бизлар арзимайдиган куллармиз, фақат зиммамиздаги ишни бажардик”, – денглар».

Шифо топган ўнта мохов

¹¹ Ийсо Самария билан Жалила оралиғидан ўтиб, Қуддус томон йўл олди.

¹² У бир қишлоққа кираётганида мохов касалига чалинган ўнта одамга дуч келди. Улар узоқда тўхтаб, овозларининг борича:

¹³ «Ийсо, Устоз, бизга раҳм қил!» – дейишди.

¹⁴ Уларни кўрган Ийсо: «Бориб, ўзларингни руҳонийларга кўрсатинглар», – деди. Улар эса йўлда кетаётиб, моховдан тоза бўлиб соғайишди.

¹⁵ Улардан бири ўзининг шифо топганини пайқагач, баланд овоз билан Худони улуғлаб орқага қайтди-да,

¹⁶ Ийсонинг оёқларига йиқилиб, Унга ташаккур билдирди. Бу одам самариялик эди.

¹⁷ Шунда Ийсо деди: «Шифо топган ўн киши эмасмиди? Қолган тўққизтаси қани?»

¹⁸ Худони улуғлаш учун шу бегона кишидан бошқа ҳеч ким қайтиб келмадими?»

¹⁹ Сўнг у одамга: «Ўрнингдан туриб бора қол, ишончинг сени қутқарди», – деди.

Худо Шоҳлиги келиши ҳақида

²⁰ Фарзийлар Худонинг Шоҳлиги қачон келишини сўрашганда, Ийсо шундай деб жавоб берди: «Худонинг Шоҳлиги кўзга кўриниб келмайди.

²¹ “Мана, у бу ерда”, ёки “Ана у ерда”, – деб ҳам айтишмайди. Чунки Худонинг Шоҳлиги ўз ичингиздадир».

Ийсо Ўзининг иккинчи бор келиши ҳақида айтиши

²² Сўнг шогирдларига шундай деди: «Шундай кунлар келадики, Инсон Ўғлининг биттагина кунини кўришни хоҳлайсиз, аммо кўролмайсизлар.

²³ Сизларга: “Мана, У бу ерда”, ёки “Мана шу ерда”, деб айтишса, борманглар ва уларнинг орқасидан қувманглар.

²⁴ Чунки чақмоқ чақиб, фалакни бир учидан бошқа учигача ярқиратиб юборганидек, Инсон Ўғли ҳам Ўз кунида худди шундай бўлади.

²⁵ Аммо ундан аввал У кўп азоб чекиши ва бу насл томонидан рад қилиниши лозим.

²⁶ Нуҳ пайғамбар даврида қандай бўлган бўлса, Инсон Ўғли келадиган кунларда ҳам шундай бўлади.

²⁷ Нуҳ кемага кирган кунига қадар одамлар едилар, ичдилар, уйландилар, турмушга чиқдилар. Ва тўфон келиб, ҳаммани ҳалок қилди.

²⁸ Лутнинг вақтида ҳам шундай бўлди: еб-ичдилар, олди-сотди қилдилар, экин-тикин ва бинокорлик билан шуғулландилар.

²⁹ Лекин Лут Садўм шаҳридан чиққан куниёқ осмондан олов ва олтингугурт ёғиб, ҳаммани ҳалок қилди.

³⁰ Инсон Ўғли келадиган кунда ҳам худди шундай бўлади.

³¹ Ўша кунда томнинг устида бўлган киши уйда қолдирган буюмларини олиш учун пастга тушмасин. Шунингдек, ким далада бўлса, ортга қайтмасин.

³² Лутнинг аёлини эслаб туринглар.

³³ Кимки ўз жонини сақлаб қолишга ҳаракат қилса, уни йўқотади. Кимки жонини фидо қилса, уни қутқаради.

³⁴ Сизларга айтиб қўяй, ўша кеча бир тўшакда ётган икки кишидан бири олинади, бири қолдирилади.

³⁵ Биргалашиб тегирмон тортаётган икки аёлдан бири олинади, бири қолдирилади.

³⁶ Далада юрган икки кишидан бири олинади, бири қолдирилади.

³⁷ Шогирдлари Ийсодан: «Раббий, бу воқеалар қаерда юз беради?» – деб сўрадилар. «Мурда қаерда бўлса, калхатлар ҳам ўша ерда тўпланади», – деб жавоб берди Ийсо.

XVIII БОБ

Бева аёл ва қози ҳақида масал

¹ Ийсо шогирдларига доимо, тушкунликка тушмасдан ибодат қилиш кераклиги ҳақида масал айтиб берди:

² «Бир шаҳарда Худодан кўркмаган, одамлардан ҳам уялмайдиган бир қози бўлган экан.

³ Ўша шаҳарда бир бева аёл ҳам яшар экан ва у аёл қозининг олдига қайта-қайта келиб: “Мени рақибимдан ҳимоя қилинг”, – деб ўтиниб сўранибди.

⁴ Аммо қози анча вақтгача унинг илтимосини бажармади. Охири у ўзига-ўзи: “Мен Худодан кўркмайман, одамлардан ҳам уялмайман.

⁵ Аммо бу бева аёл менга тинчлик бермаётгани учун, майли, уни ҳимоя қилай, токи у келавериб зериктирмасин”, – дебди».

⁶ Сўнг Раббий шундай деди: «Адолатсиз қози нима деганини эшитдингизми?»

⁷ Наҳотки, Худо Ўзига кечаю кундуз ёлвораётган Ўз танлаганларини ҳимоя қилмаса? Куттириб қўйса-да, уларни ҳимоя қилмайдими?

⁸ Сизларга айтаманки, уларни кўп ўтмай ҳимоя қилади. Аммо Инсон Ўғли келганида, ер юзида имон топармикан?»

Фарзий ва солиқ йиғувчи ҳақида масал

⁹ Ўзларини одил одамлардек ҳисоблаб, бошқаларни эса камситиб юрган баъзи одамларга Ийсо қуйидаги масални айтиб берди:

¹⁰ «Икки киши ибодат қилиш учун ибодатхонага кирибди. Уларнинг бири фарзий, бошқаси эса солиқ йиғувчи экан.

¹¹ Фарзий тик туриб, ўзича шундай ибодат қилди: “Ё Худо! Мен бошқа одамлар каби талончи, жиноятчи, зинокор ва ҳатто шу солиқчига ўхшамаганим учун Сендан миннатдорман.

¹² Ҳафтада икки марта рўза тутаман. Топганимнинг ўндан бирини ушр бераман”.

¹³ Солиқчи бўлса узоқда туриб, ҳатто кўзларини осмонга қаратишга ҳам ботина олмай, кўкрагига урганича: “Ё Худо! Мен гуноҳкорга раҳм қил!” – дебди.

¹⁴ Сизларга айтаманки, бу одам фарзийдан кўра кўпроқ оқланиб, уйига кетди. Чунки ўзини юқори олган ҳар бир киши пасайтирилади, ўзини паст олган эса юксалтирилади».

Ийсонинг болаларни дуо қилиши

¹⁵ Қўлини теккизиб қўйсин, деб Ийсонинг олдига ёш болаларни ҳам келтиришар эди. Буни кўрган шогирдлар уларга тўсқинлик қилишди.

¹⁶ Аммо Ийсо болаларни ёнига чақириб, шогирдларига шундай деди: «Болаларни Менинг олдимга келишига йўл беринглар, уларга тўсқинлик қилманглар, зеро Худонинг Шоҳлиги шундайларникидир.

¹⁷ Сизларга ростини айтайин: кимки Худонинг Шоҳлигини бола каби қабул қилмаса, унга кира олмайди».

Ийсо ва бой йигит

¹⁸ Бошлиқлардан бири Ийсодан: «Валинеъмат Устозим! Абадий ҳаётга эга бўлмоқ учун нима қилишим керак?» – деб сўради.

¹⁹ Ийсо унга: «Нега сен Мени валинеъмат дейсан? Биргина Худодан бошқа ҳеч ким валинеъмат эмас.

²⁰ «Зино қилма, одам ўлдирма, ўғрилик қилма, сохта гувоҳлик берма. Ота-онангни ҳурмат қил» деган илоҳий амрларни биласан-ку», – деди.

²¹ «Буларнинг ҳаммасига ёшлигимданоқ амал қилиб келаман», – деди у.

²² Буни эшитиб, Ийсо унга шундай деди: «Сенга яна бир нарса етишмайди: нимага эга бўлсанг, ҳаммасини сот ва камбағалларга улашиб бер, шунда сенинг хазинанг осмонда бўлади. Шундан сўнг келиб Менга эргаш».

²³ Бу гапларни эшитган бошликнинг кўнгли чўкди, негаки у ҳаддан зиёд бадавлат эди.

²⁴ Ийсо унинг ҳафа бўлганини кўриб: «Бойларнинг Худо Шоҳлигига кириши нақадар қийин!

²⁵ Бойнинг Худо Шоҳлигига киришидан кўра, туянинг игна тешигидан ўтиши осонроқдир», – деди.

²⁶ Буни эшитганлар эса: «Ундай бўлса, ким нажот топа олар экан?» – деб сўрашди.

²⁷ «Одамларга мумкин бўлмаган нарса Худо учун мумкиндир», – деди Ийсо.

Шогирдларнинг мукофоти

²⁸ «Мана, биз ҳамма нарсани қолдириб, Сенинг орқангдан эргашдик!» – деди Бутрус.

²⁹ Шунда Ийсо шогирдларига шундай деди: «Сизларга ростини айтайин, Худо Шоҳлиги йўлида уй-жой, ота-она, ака-ука, опа-сингил ёки хотин-болаларини қолдириб кетган ҳар бир киши

³⁰ бу дунёдаёқ кўп ҳисса яхшиликлар топиб, у дунёда эса абадий ҳаётга муяссар бўлади».

Ийсонинг Ўз ўлими ва қайта тирилиши ҳақида учинчи бор айтиши

³¹ Ийсо ўн икки шогирдини алоҳида чақириб уларга деди: «Мана, биз Қуддусга яқинлашиб қолдик. Ана ўша ерда Инсон Ўғли ҳақида ёзилган барча пайғамбар оятлари амалга ошади.

³² Уни мажусийларга топширадилар, Уни масҳаралаб ҳақорат қиладилар, Унинг юзига тупурадилар.

³³ Қамчилайдилар ва Уни ўлдирадилар. Аммо учинчи куни У қайта тирилади».

³⁴ Шогирдлар эса бу сўзлардан ҳеч нарса тушунмадилар. Бу сўзларнинг маъноси улар учун сирли эди ва улар айтилганни англай олмадилар.

Ерихога яқин жойда бир кўр одамнинг соғайиши

³⁵ Ийсо Ерихо шаҳрига яқинлашиб келаётганида, бир кўр одам йўл бўйида садақа сўраб ўтирар эди.

³⁶ Олдидан халойиқ ўтиб бораётганини эшитиб: «Нима гап?» – деб сўради у.

³⁷ Унга: «Носиралик Ийсо ўтиб бормоқда», – деб жавоб беришди.

³⁸ Шунда кўр одам: «Эй Довуд Ўғли Ийсо, менга раҳм қил!» – деб бақириб юборди.

³⁹ Олдинда кетаётганлар ундан жим бўлишни талаб қилишди. Аммо у: «Довуд Ўғли! Менга раҳм қил», – дея янада кучлироқ бақира бошлади.

⁴⁰ Ийсо тўхтади ва кўр одамни ёнига келтиришларини буюрди. Кўр одам яқин келганда, Ийсо ундан:

⁴¹ «Мен сен учун нима қилишимни хоҳлайсан?» – деб сўради. «Раббий, менинг кўзларим кўрса экан!» – деди у.

⁴² Шунда Ийсо унга: «Кўзларинг кўрсин, ишончинг сени кутқарди», – деди.

⁴³ Шу заҳоти унинг кўзлари кўра бошлади. У Худони шарафлаганча Ийсонинг кетидан эргашди. Буни кўрган бутун халойиқ Худога ҳамду санолар айтишди.

ХІХ БОБ

Заккайнинг Ийсо билан учрашуви

¹ Ийсо Ерихога кириб, уни оралаб ўтиб борар эди.

² У ерда солиқ йиғувчиларнинг бошлиғи, Заккай исмли бир одам бор эди.

³ У Ийсонинг ким эканлигини билиш учун кўришга интилди. Аммо бўйи пастлиги туфайли кўпчиликнинг орасидан Ийсони кўролмади.

⁴ Шунда у Ийсони кўриш учун олдинга югуриб бориб, Ийсо ўтадиган йўлнинг бўйидаги анжир дарахтига чиқиб олди.

⁵ Ийсо у жойга келгач, юқорига қараб унга: «Заккай! Тезроқ пастга туш, Мен бугун сенинг уйингда бўлишим керак», – деди.

⁶ Заккай дарахтдан шошилиб тушиб, Ийсони қувонч билан қаршилаб, меҳмон қилди.

⁷ Буни кўрганларнинг ҳаммаси: «У гуноҳкор одамнинг уйига ташриф буюрди», – деб норози бўлдилар.

⁸ Заккай бўлса ўрнидан туриб, Ийсога: «Эй Раббим, мол-мулкимнинг ярмини камбағалларга тарқатиб

бераман. Агар бировнинг хақини еб кетган бўлсам, тўрт баробар қилиб қайтариб бераман», – деди.

⁹ Ийсо унга шундай деб жавоб берди: «Бугун бу уйга нажот келди, чунки бу одам ҳам Иброҳимнинг ўғлидир.

¹⁰ Чунки Инсон Ўғли адашгани излаб топиш ва қутқариш учун келган».

Ўн тилла ҳақида масал

¹¹ Ийсо Қуддусга яқинлашиб қолгани сабабли, Уни тинглаётган халойиқ Худо Шохлиги яқин орада намоеън бўлиши керак деб ўйлар эди. Шунинг учун Ийсо Ўз нутқини бир масал билан давом эттирди:

¹² «Асилзода бир одам ўзига салтанат олиб келиш учун узоқ мамлакатга жўнамоқчи бўлибди.

¹³ У ўзининг хизматкорларидан ўн нафарини чақриб ва уларга ўн кумуш тангани бўлиб бериб: “Мен қайтиб келгунимча бу пулни ишлатиб фойда топинглар”, – деб жўнаб кетибди.

¹⁴ Асилзоданинг ҳамшаҳарлари эса уни ёмон кўришганлари учун орқасидан элчилар юбориб: “Бу одам бизга подшоҳ бўлишини истамаймиз”, – деб айттирибдилар.

¹⁵ Аммо у салтанат эгаси бўлиб қайтиб келибди. Бериб кетган кумуш тангаларидан ким қанча фойда ундирганини билиш учун хизматкорларини ёнига чақиртирибди.

¹⁶ Биринчиси келиб: “Хўжайин, сизнинг тангангиз ўн танга фойда келтирди”, – дебди.

¹⁷ Хўжайин унга: “Баракалла, яхши хизматкор! Кичик ишда садоқат кўрсатганинг учун ўнта шаҳар устидан ҳоким бўласан”, – дебди.

¹⁸ Иккинчиси келиб: “Хўжайин, сизнинг тангангиз беш танга фойда келтирди”, – дебди.

¹⁹ Унга ҳам: “Сен ҳам беш шаҳарга ҳокимлик қиласан”, – дебди.

²⁰ Учунчиси келиб: “Хўжайин! Мана сизнинг тангангиз, мен уни рўмолчага тугиб сақладим.

²¹ Мен сиздан кўрқдим, чунки сиз қўймаган ердан оладиган, экмасдан ўрадиган қаттиққўл одамсиз”, – дебди.

²² Хўжайин унга дебди: “Эй маккор хизматкор, мен сени оғзингдан чиққан сўзинг билан ҳукм қиламан. Сен менинг қўймаган ердан олиб, экмаган ердан ўрадиган қаттиққўл эканлигимни биларкансан,

²³ нега кумуш тангани муомалага киритмадинг? Шунда мен келиб, фойдасини кўрардим”.

²⁴ Сўнг хўжайин ёнидагиларга қараб: “Унинг қўлидан тангани олиб, ўн тангаси борга беринглар”, – дебди.

²⁵ Улар бўлса унга: “Хўжайин, унинг ўн тангаси бор-ку!” – дейишибди.

²⁶ Асилзода эса шундай дебди: “Сизларга айтиб қўяй, кимда бор бўлса, унга яна берилади. Кимда

йўқ бўлса, кўлида бор бўлгани ҳам ундан тортиб олинади.

²⁷ Менинг подшоҳлик қилишимни истамаган душманларимни эса шу ерга келтиринглар-да, кўзим олдида ўлдиринглар».

Ийсонинг Қуддусга тантанали кириши

²⁸ Бу сўзларни айтгандан сўнг Ийсо олға босганча Қуддус сари йўлини давом эттирди.

²⁹ У Зайтун тоғи бағридаги Байтфагия билан Байтания қишлоқларига яқинлашгач, Ўзининг икки шогирдини юбориб, деди:

³⁰ «Қаршингиздаги қишлоққа боринглар. Қишлоққа киргач, ҳозиргача одам боласи минмаган, боғлаб қўйилган хўтикни топасизлар. Уни ечиб, бу ёққа олиб келинглар.

³¹ Агар кимдир сизлардан: “Хўтикни нега ечяпсизлар?” – деб сўраб қолса, “У Раббимизга керак”, – деб айтинглар».

³² Юборилганлар бориб, худди Ийсонинг айтганидек хўтикни топдилар.

³³ Хўтикни ечаётганларида унинг эгалари: «Нега хўтикни ечяпсизлар?» – деб сўрашди.

³⁴ Шогирдлар эса: «У Раббимизга керак», – деб жавоб беришди.

³⁵ Улар хўтикни Ийсонинг олдига келтиришди-да, устига ўз кийимларини ташлаб, Ийсони миндиришди.

³⁶ У миниб кетаётганида одамлар ўзларининг кийимларини йўлга пойандоз қилиб солдилар.

³⁷ Ийсо Зайтун тоғидан пастга тушадиган жойга яқинлашганда Унинг кўплаган шогирдлари кўрган барча мўъжизаларини эслаб хурсанд бўлишди ва овозларини баланд кўтариб, Худо шаънига ҳамду санолар айта бошлашди.

³⁸ «Худованд номидан келаётган Подшоҳ муборак! Осмонда тинчлик, Арши аълода шон-шарафлар бўлсин!»

³⁹ Шунда халойиқ орасидаги баъзи фарзийлар Ийсога: «Устоз, шогирдларингга айт, жим бўлишсин!» – дейишди.

⁴⁰ Ийсо эса уларга: «Сизга айтаманки, агар булар жим бўлишса, тошлар нола қилгай!» – деди.

Ийсонинг Қуддус учун қайгу чекиши

⁴¹ Ийсо Қуддусга яқинлашганда шаҳарни кўриб, унинг ҳолига йиғлаб юборди:

⁴² «Кошки, сен ҳеч бўлмаса шу бугун тинчлигингга нелар даркор эканини билсанг эди! Аммо ҳозир бу сенинг кўзларингдан яшириндир.

⁴³ Бошингга шундай кунлар тушадики, душманларинг атрофингга чоҳ қазиб, чор тарафдан қуршаб сиқувга оладилар.

⁴⁴ Сени ер билан яксон қилиб, кўксингдаги фарзандларингни ўлдирадилар. Илоҳий йўқлаш вақт-

соатини билмаганинг учун тош устида тош қолдирмасдан кулингни кўкка совурадилар».

Сотувчиларни ибодатхонадан қувиш

⁴⁵ Ийсо ибодатхонага кириб, ичкарида олди-сотди қилаётганларни қувиб чиқара бошлади.

⁴⁶ Уларга шундай деди: «Ёзилганки: “Менинг уйим ибодат уйи бўлгай”. Сизлар эса уни қароқчилар уясига айлантириб юборибсизлар!»

⁴⁷ Ийсо кун сайин ибодатхонада таълим бериб юраркан, олий руҳонийлар, уламолар ва халқ оқсоқоллари Уни ҳалок қилиш пайига тушдилар.

⁴⁸ Лекин бунинг чорасини топа олмадилар, чунки бутун халқ Ийсонинг ёнидан кетмай, Уни тинглар эди.

XX БОБ

Ийсонинг ваколати ҳақида савол

¹ Ўша кунларнинг бирида Ийсо ибодатхонада таълим бериб, халққа Хушxabарни баён қилаётганида олий руҳонийлар, уламолар ва оқсоқоллар бирга келишиб, Ундан:

² «Бизларга айтчи, Сен бу ишларни қандай ҳуқуқ билан қиляпсан? Буларни қилиш учун Сенга ким ваколат берган?» – деб сўрашди.

³ Ийсо уларга шундай деб жавоб берди: «Мен ҳам сизлардан бир нарсани сўрайин, Менга айтинглари-чи:

⁴ Яхёнинг одамларни тавба қилдириш учун сувда чўмдириши Худодан бўлганми ёки инсонларданми?»

⁵ Улар ўзаро: «Агар ”Худодан“ десак, У: ”нега Яхёга ишонмадингизлар?“ – дейди.

⁶ Агар ”инсонлардан“ десак, бутун халқ бизни тошбўрон қилади, чунки халқ Яхёнинг пайғамбарлигига қатъий ишонади», – дея мулоҳаза юритишди.

⁷ «Қаерданлигини билмаймиз», – деб жавоб бердилар.

⁸ Ийсо уларга: «Мен ҳам сизларга бу ишларни қайси ваколат билан қилаётганимни айтмайман», – деди.

Ёвуз боғбонлар ҳақида масал

⁹ Ийсо сўзини давом эттириб, халққа ушбу масални айтиб берди: «Бир одам узумзор барпо этиб, уни боғбонларга топшириб, ўзи узок вақт бошқа бир мамлакатга кетибди.

¹⁰ Ҳосил вақти келганда узумзор маҳсулидан унга беришлари учун боғбонлар олдига бир хизматкорини юборибди. Лекин боғбонлар уни уриб, қурук қайтаришибди.

¹¹ Узумзор эгаси яна бир хизматкорини юборибди. Уни ҳам уриб, ҳақорат қилиб, қурук қайтариб юборишибди.

¹² Учинчи қулини юборганда, уни ҳам ярадор қилиб қувиб чиқаришибди.

¹³ Шунда узумзор эгаси: “Нима қилсам экан? Севикли ўғлимни юбора қолай? Балки ундан уялишар”, – дебди.

¹⁴ Аммо боғбонлар унинг ўғлини кўришлари билан ўзаро муҳокамага тушиб: “Бу меросхўр-ку! Уни ўлдирамиз, шунда мерос бизга қолади”, – дейишибди.

¹⁵ Шундай қилиб улар уни узумзордан ташқарига олиб чиқиб, ўлдиришибди. Энди узумзор эгаси уларни нима қилсин?

¹⁶ У келиб бояги боғбонларни ўлдиради ва узумзорни бошқаларга топширади». Буни эшитиб турганлар: «Ундай бўлмасин!» – деб юборишди.

¹⁷ Ийсо эса уларга қараб, шундай деди: «У ҳолда, Муқаддас Ёзувдаги: “Бинокорлар кераксиз деб ташлаган тош бинонинг пештоқидан ўрин олди”, – деган оят нимани ифодалайди?

¹⁸ Кимки бу тошга йиқилса, парчаланиб кетади. Тош кимнинг устига тушса, уни эзиб ташлайди».

Солиқ ҳақида савол

¹⁹ Олий руҳонийлар ва уламолар Ийсонинг бу масали ўзларига қаратилганини тушуниб, Унга қўл солмоқчи бўлдилар, лекин халқдан хайиқдилар.

²⁰ Улар Ийсони зимдан кузатиб, Уни бирон-бир сўзидан тузокқа илинтириш ва шу йўсин ҳокимнинг қўли ва ҳукмига топшириш ниятида Унинг олдига

ўзларини мўмин-қобил кишилардек кўрсатувчи одамларини юбордилар.

²¹ Улар Ундан: «Устоз! Биз биламизки, Сен хақиқатгўйсан, тўғри таълим берасан, ҳеч кимга юз-хотир қилмасдан Худонинг ҳақиқий йўлини ўргатмоқдасан.

²² Бизга айт-чи, Рим подшоҳига қарамлик солиғини тўлашимиз керакми ёки йўқми?» – деб сўрашди.

²³ Ийсо уларнинг маккорлигини англаб: «Нега Мени синамоқдасизлар?

²⁴ Қани Менга бир динор кўрсатинглар! Бу тангадаги сурат ва ёзув кимники?» – деди. «Подшоҳники», – жавоб берди улар.

²⁵ Ийсо уларга: «Ундай бўлса, Подшоҳнинг ҳақини Подшоҳга, Худонинг ҳақини Худога беринглар», – деди.

²⁶ Шундай қилиб, улар Ийсони халқ олдида бирон-та сўзи учун ҳам тузоққа туширолмадилар. Унинг жавобидан эса ҳайрон бўлиб, лол қолдилар.

Қиёмат ҳақида савол

²⁷ Шундан сўнг қайта тирилиш бўлишини инкор этувчи саддуқийлардан баъзилари келиб, Ийсога савол бердилар:

²⁸ «Устоз! Мусо пайғамбар бизга: “Агар хотини бор одам фарзандсиз қазо қилса, укаси унинг хотинини олиб, ўз акасига авлод тикласин”, – деб ёзиб қолдирган.

²⁹ Етти ака-ука бор эди. Биринчиси уйланиб, бола кўрмай кўз юмди.

³⁰ Иккинчиси ҳам ўша хотинни олиб, фарзандсиз ўлди.

³¹ Шунингдек, учинчиси ҳам, ҳатто еттинчисигача ҳаммаси ҳам ўша хотинни олиб, фарзанд кўрмай ўлиб кетдилар.

³² Ҳаммасидан кейин хотин ҳам ўлди.

³³ Хўш, қайта тирилиш кунда у қайси бирининг хотини бўлар экан? Чунки у аёлни етталаси ҳам хотинликка олган эди-ку?»

³⁴ Ийсо уларга жавобан деди: «Бу дунёнинг болалари уйланадилар ва эрга тегадилар.

³⁵ Лекин у дунёга кетганлар ҳамда тирилишга сазовор бўлганлар на уйланадилар, на эрга тегадилар.

³⁶ Улар энди ўлим кўрмайдилар, чунки фаришта-ларга ўхшаб қоладилар ва қиёмат аҳли сифатида Худонинг болалари бўладилар.

³⁷ Ўликларнинг тирилиши ҳақида Мусо ҳам Таврот китобининг ёнаётган бута оятида айтган. У ерда Худованднинг Мусога “Мен Иброҳимнинг, Исҳоқнинг, Ёқубнинг Худосиман”, дегани айтилади.

³⁸ Зотан Худо ўликларнинг эмас, тирикларнинг Худосидир. Зеро У учун ҳамма тирикдир».

Ийсо уламолар ҳақида

³⁹ Шунда уламолардан баъзилари: «Устоз, Сен яхши сўзладинг», – деб айтишди.

⁴⁰ Ва Ийсодан яна бирон гап сўрашга ботина олмадилар. Ийсо эса уларга шундай деди:

⁴¹ «Нима учун Масихни Довуднинг Ўғли дейишади?

⁴² Мана, Довуднинг ўзи Забур китобида нима деган:

⁴³ “Худованд менинг Раббимга айтди: “Ёвларингни оёқларинг остига йикитмагунимча, сен Менинг ўнг томонимда ўлтириб тургин””.

⁴⁴ Демак, Довуд Масихни Раббим деб атаган бўлса, қандай қилиб Масих Довуднинг Ўғли бўлади?»

⁴⁵ Бутун халойиқ Ийсони тинглаб турганда У Ўз шогирдларига бурилиб деди:

⁴⁶ «Узун кийимларни кийиб юришни ва халқ йиғинларида иззат-икром кўришни севадиган, синагогаларда юқори ўринни олиш ва зиёфатларда тўрда ўтиришни яхши кўрадиган уламолардан эҳтиёт бўлинглар!

⁴⁷ Улар беваларнинг уй-жойини шилиб, хўжакўрсинга узоқ дуо ўқийдилар. Ана шундайлар оғирроқ жазога мубтало бўлғусидир».

XXI БОБ*Бева аёлнинг хайр-эҳсони*

¹ Ийсо ибодатхонанинг садақа қутисига хайр-эҳсон солаётган бой одамларни кўрди.

² Шунингдек, икки тийин солган бир камбағал бева аёлни ҳам кўрди.

³ Шунда Ийсо деди: «Сизларга ростини айтайин, бу камбағал бева аёл ҳаммадан кўпроқ эҳсон берди.

⁴ Чунки буларнинг ҳаммаси ўзларидан ортганини Худога беришди. Аммо бу аёл қашшоқлигига қарамасдан, ўзининг бор-йўғини ташлади».

Зайтун тоғида

⁵ Баъзи кишилар ибодатхонанинг нақадар гўзал тошлар ва бахшидалар билан безатилгани тўғрисида сўзлашаётганида, Ийсо шундай деди:

⁶ «Шундай кунлар келадики, сиз шу ерда кўриб турган бинонинг бирорта ҳам тоши қолмай, ҳаммаси вайрон бўлади».

⁷ Шунда улар Ийсодан: «Устоз, бу ишлар қачон юз беради? Буларнинг содир бўладиган вақтини қандай белгилардан билиш мумкин?» – деб сўрадилар.

⁸ Ийсо шундай деди: «Сизларни йўлдан оздирмасликлари учун эҳтиёт бўлинглар! Зеро кўплар “Бу менман” ва “Вақт яқин”, деб Менинг номим остида келадилар. Уларнинг орқасидан борманглар.

⁹ Уруш ва исёнлардан дарак топганда чўчиманглар. Чунки булар аввалдан бўлиб ўтиши керак, лекин дарҳол сўнгги ниҳоя келмайди».

¹⁰ Сўнг уларга деди: «Халқ халққа қарши, подшоҳлик подшоҳликка қарши кўтарилади.

¹¹ Айрим жойларда шиддатли зилзилалар, қаҳатчиликлар, ўлатлар бўлади. Ваҳимали ҳодисалар содир бўлиб, осмонда ажиб ғаройиботлар юз беради.

¹² Лекин буларнинг ҳаммасидан бурун сизларни исканжага олиб, қувғин қиладилар, синагогаларга топшириб, зиндонларга ташлайдилар. Менинг номим туфайли сизларни подшоҳлар ва ҳокимлар олдига олиб борадилар.

¹³ Мен ҳақимда гувоҳлик беришингиз учун шундай бўлади.

¹⁴ Шунингдек, ўзимизни қандай ҳимоя қиламиз, деб олдиндан қайғурмасликни юрагингизга туғиб олинглар.

¹⁵ Чунки Мен сизларни оғзи ботир қилиб, шундай ҳикмат бераманки, сизларга қарши чиққанлардан бирортаси ҳам фикрингизни инкор этолмай қолади.

¹⁶ Ҳатто ота-она, ака-ука, қариндош-уруғ, ёру биродарларингиз сизни тутиб беришади, баъзиларингизни эса ўлимга топширишади.

¹⁷ Менинг номим туфайли ҳамма сиздан нафратланади.

¹⁸ Аммо бошингиздан бир тола соч ҳам йўқолмайди.

¹⁹ Сабр-бардош билан жонингизни сақлаб қола-сиз».

Қуддуснинг ҳароба бўлиши ҳақида башиорат

²⁰ «Қуддусни қўшинлар қуршаб олганини кўрганда билинглarki, шаҳарнинг ҳароб бўлиш вақти яқинлашган.

²¹ Ўшанда Яҳудиядагилар тоғларга қочсин, шаҳарнинг ичида бўлганлар ундан чиқсин, атрофда бўлганлар шаҳарга асло кирмасин.

²² Чунки бу кунлар – барча оятлар бажо бўлғуси интиқом кунларидир.

²³ У кунларда ҳомиладор ва эмизувчи аёлларнинг ҳолига вой! Чунки ер юзини катта мусибат қоплаб, бу халқнинг бошига қаҳр-ғазаб ёғади.

²⁴ Улар қилич тиғидан ўтказилиб, барча элларга асир қилиб олиб кетиладилар. Мажусийларнинг даврони тугамагунча, Қуддус улар томонидан оёқости қилинади».

Раббийнинг шуҳрат ила қайта келиши

²⁵ «Қуёш, ой ва юлдузларда ажойиб аломатлар пайдо бўлади, ер юзидаги халқлар эсанкираб, маъюсликка тушадилар. Шунингдек, денгизлар шовуллаб-жўшиб тўлқинланади.

²⁶ Одамлар жаҳонга келаётган мусибатларни кўриб, кўрқувдан адо бўладилар.

²⁷ Ниҳоят булут ичида буюк қудрат ва улуғворлик ила келаётган Инсон Ўғлини кўрадилар.

²⁸ Бу воқеалар рўй бера бошлаганда қоматингизни ғоз тутиб, бошингизни кўтаринглар, чунки халос бўлиш вақт-соатингиз яқиндир».

²⁹ Ийсо уларга қуйидаги масални айтиб берди: «Анжир дарахтига ва бошқа дарахтларга қаранглар:

³⁰ улар япроқ ёзаётганини кўриб, ёз яқин қолганини ўзингиз ҳам англайсиз.

³¹ Худди шунга ўхшаб, бояги ишларнинг содир бўлаётганини кўрганингизда, Худонинг Шоҳлиги жуда яқин қолганини билинглар.

³² Сизларга ростини айтиб қўяй, бу насл ўтмасданок, буларнинг ҳаммаси содир бўлади.

³³ Еру осмон битар, лекин Менинг сўзларим битмас.

³⁴ Ўзингизга ҳушёр бўлинг! Айш қилиб, кайф суриб, юракларингизни ёғ босмасин ва ҳаёт ташвишлари остида бўғилиб қолганингизда у кун ногаҳон бошингизга тушиб қолмасин!

³⁵ Чунки у кун ер юзида яшовчи ҳар бир кишини тўр каби босиб қолади.

³⁶ Шу сабабдан доимо ҳушёр бўлинглар, юз бериши муқаррар бўлган бу мусибатлардан омон қолишга ва Инсон Ўғли олдида туришга муносиб бўлмоқ учун доимо ибодат қилинглар».

³⁷ Ийсо кундузи ибодатхонада таълим берар, тунларини эса шаҳардан чиқиб, Зайтун тоғида ўтказар эди.

³⁸ Барча халқ Ийсони тингламоқ учун эрталабдан ибодатхонага, Унинг ҳузурига келар эди.

XXII БОБ

Яхудонинг Ийсога хиёнат қилиши

¹ Хамиртурушсиз нон ёпиладиган Фисих байрами яқинлашаётган эди.

² Олий руҳонийлар билан уламолар Ийсони ўлдириш чорасини излардилар, аммо халқдан кўрқардилар.

³ Шунда ўн икки ҳаворийдан бири – Яхудо Ишқариётнинг ичига шайтон кирди.

⁴ У бориб, олий руҳонийлар ва ибодатхона миршаббошилари билан Ийсони қандай қилиб қўлга тушириш ҳақида маслаҳатлашди.

⁵ Улар қувониб, унга пул беришга аҳд қилдилар.

⁶ Шундай қилиб Яхудо уларга ваъда берди-да, Ийсони халқ кўзидан яширинча уларнинг қўлига тутиб бериш учун қулай пайт излайдиган бўлди.

Фисих байрамига тайёргарлик

⁷ Қурбонлик кўзиси сўйиладиган ва хамиртурушсиз нон ёпиладиган байрам келди.

⁸ Ийсо Бутрус билан Юҳаннони юбориб: «Боринглар, Фисих байрами таомини ейишимиз учун тайёргарлик кўринглар», – деди.

⁹ Улар Ийсодан: «Қаерда тайёрлашимизни буюрасан?» – деб сўрашди.

¹⁰ Ийсо уларга деди: «Шаҳарга кирганингизда кўзада сув кўтариб кетаётган бир одам учрайди.

Унинг ортидан у кирадиган уйга эргашиб киринг ва уй эгасига шундай денглар:

¹¹ «Устоз сендан: шогирдларим билан Фисих байрами таомини ейдиган хона қаерда, деб сўраётир».

¹² Шунда у сизларга тўшалган катта болохонани кўрсатади. Ўша ерда ҳозирлик кўринглар».

¹³ Улар боришса, Ийсо айтгандек бўлиб чикди. Шундай қилиб улар Фисих таомини тайёрлашди.

Фисих

¹⁴ Зиёфат вақти етгач, Ийсо ўн иккала ҳаворий билан бирга дастурхон атрофида ёнбошлаб ўтирди.

¹⁵ Шунда Ийсо уларга:

¹⁶ «Мен азоб чекмасимдан аввал бу Фисих таомини сизлар билан бирга ейишни жуда ҳам хоҳлаган эдим. Сизларга айтиб қўяй: бу таом Худо Шоҳлигида тўла маъносини топмагунча, Мен уни бошқа емайман», – деди.

¹⁷ Кейин Ийсо косани олиб, Худога шукрона айтиб деди: «Буни олинглар ва ўзаро бўлишинглар.

¹⁸ Сизларга айтиб қўяй: Худонинг Шоҳлиги амалга ошмагунча, Мен узум шарбатидан энди ичмайман».

¹⁹ Сўнгра нонни олди, Худога шукрона айтиб синдирди ва шогирдларига бериб: «Бу сизлар учун фидо бўлаётган Менинг танамдир. Мени эслаб туриш учун шундай қилинглар», – деди.

²⁰ Қутлуғ зиёфатдан сўнг Ийсо косани олиб, шундай деди: «Бу коса сизлар учун тўкилаётган Менинг қоним эвазига битилган Янги Аҳдни билдиради.

Ийсонинг хиёнатчи ҳақида айтиши

²¹ Аммо, Менга хиёнат қилувчининг қўли ҳам Мен билан бир дастурхонга чўзилмоқда.

²² Ҳа, Инсон Ўғли олдиндан белгиланган йўлдан бормоқда. Аммо Унга хиёнат қилгучи кишининг ҳолига вой!»

²³ Шунда Ҳаворийлар: «Ким экан ичимизда бу ишни қиладиган?» – дея ўзаро суриштира бошладилар.

Шогирдлар орасидаги баҳс

²⁴ Шогирдлар ичра ўзаро: «Кимимиз катта?» – деган талашув бўлди.

²⁵ Ийсо уларга деди: «Эл-юрт подшоҳлари ўз халқлари устидан ҳукмронлик қиладилар. Элни бошқарувчилар “олийҳиммат” деб олқишланадилар.

²⁶ Сизлар эса бундай бўлманглар. Аксинча, ичингизда ким катта бўлса, у кичикдай бўлсин. Ким бошлиқ бўлса, у хизматкордек бўлсин.

²⁷ Қай бири улугдир – дастурхонга ёнбошлаганми, ёки хизмат қилиб юрганми? Дастурхонга ёнбошлаган эмасми? Мен эса орангизда бамисоли хизматкордекдирман.

*Ҳаворийларнинг келажакдаги
шоҳликда эгаллайдиган ўрни*

²⁸ Сизлар бошимга қийинчилик келган вақтларда Мен билан бирга бўлдингизлар.

²⁹ Шу сабабли, Отам Менга васият қилгани каби, Мен ҳам сизларга Шоҳликни васият қиламан.

³⁰ Сизлар Менинг Шоҳлигим дастурхонида ўтириб еб-ичасизлар, тахтларга ўтириб, Исроилнинг ўн икки қабиласини ҳукм қиласизлар».

Ийсонинг Бутруснинг бош тортиши ҳақида айтиши

³¹ Сўнг Раббий Бутрусга деди: «Симун, Симун! Мана, шайтон сизларни буғдой каби ғалвирдан ўтказишга рухсат сўради.

³² Аммо имондан тоймагил, дея Мен сен учун ибодат қилдим. Сен яна қайрилганингдан кейин биродарларингнинг имонини мустаҳкамла».

³³ Симун бўлса Ийсога: «Раббий! Мен Сен билан зиндонга ҳам, ўлимга ҳам боришга тайёрман!» – деди.

³⁴ Аммо Ийсо унга: «Бутрус, сенга айтаман, бугун хўроз қичқирмасданоқ сен Мени танишдан уч марта тонасан».

*Ийсо Ўзининг олдидан турган
синовлар ҳақида шогирдларига айтиши*

³⁵ Ийсо шогирдларига деди: «Мен сизларни ҳамёнсиз, тўрвасиз, чориқсиз юборганимда, бирон

нарсага мухтож бўлдингизми?» Улар: «Ҳеч нарсага мухтож бўлмадик!» – деб жавоб беришди.

³⁶ Ийсо уларга шундай деди: «Аммо энди кимнинг ҳамёни бўлса, ўзи билан олсин ва тўрваси бор ҳам шундай қилсин. Шунингдек, кимнинг қиличи йўқ бўлса, кийимини сотиб қилич олсин.

³⁷ Сизларга айтиб қўяй: “У жиноятчилар қатори ҳисобланди” деган Тавротдаги оят Менда амалга ошмоғи лозим. Чунки Мен тўғримда ёзилган барча оятлар бажо бўлмоқда».

³⁸ Шогирдлар: “Раббий, ана бу ерда икки қилич бор!” – деб айтишди. “Етарли!” – деб айтди Ийсо.

Ийсонинг богдаги ибодати

³⁹ Ийсо ташқарига чиқиб, одати бўйича Зайтун тоғига жўнади. Шогирдлари ҳам Унинг орқасидан эргашишди.

⁴⁰ Ўша жойга келгандан кейин Ийсо уларга: «Васвасага тушмаслик учун ибодат қилинглар», – деди.

⁴¹ Ўзи улардан бир тош отар масофагача нари борди-да, тиз чўкиб, шундай дея ибодат қилди:

⁴² «Эй Ота, кошки бу заққум косани Мендан четлатиб ўтказсанг! Лекин Мен хоҳлагандек эмас, Сен хоҳлагандек бўлсин».

⁴³ Шу орада осмондан бир фаришта Унга зоҳир бўлиб, Уни қувватлантирди.

⁴⁴ У жон илинжида янада ҳафсала билан ибодат қила бошлади. Ундан чиқаётган тер эса ерга томаётган қон томчилари каби эди.

⁴⁵ Ийсо ибодатдан сўнг ўрнидан туриб, шогирдлари ёнига келди. Уларни қайгудан ухлаб ётган ҳолда кўрди.

⁴⁶ Шунда уларга: «Нега ухлаб ётибсизлар? Туринглар ва васвасага тушмаслик учун ибодат қилинглар», – деди.

Ийсонинг ҳибсга олиниши

⁴⁷ Ийсо ҳали гапириб бўлмасидан бир оломон кўзга кўринди. Уларнинг олдида ўн икки ҳаворийларнинг бири Яхудо келаётган эди. У Ийсони юзидан ўпиш учун яқинлашди. Чунки у: «Мен кимни ўпсам, У – Ўша» деб, улар билан сўзлашиб олган эди.

⁴⁸ Ийсо унга: «Яхудо, сен Инсон Ўғлига ўпиш билан хиёнат қиляпсанми?» – деди.

⁴⁹ Ийсонинг ёнидагилар воқеа қаёққа йўналаётганини англаб: «Раббий, қилични ишга солайликми?» – дейишди.

⁵⁰ Улардан бири эса олий руҳонийнинг қулини қилич билан чопиб, ўнг қулоғини узиб туширди.

⁵¹ Шунда Ийсо: «Тўхтанглар, етарли!» – деди-да, қулнинг қулоғига қўл теккизиб, уни асл ҳолига қайтарди.

⁵² Сўнг Ийсо Ўзини ҳибсга олгани келган олий руҳонийлар, ибодатхона миршаббошилари ва оқсо-

қоллар томон қайрилиб, деди: «Сизлар худди қароқчининг пайига тушгандек қиличу таёқ билан Мени ушлагани келибсизлар!

⁵³ Сизлар билан ҳар куни бирга ибодатхонада бўлганимда Менга қўл кўтармадингиз. Аммо энди сизнинг вақтингиз, зулмат ҳукмронлик қиладиган вақт».

Бутруснинг Ийсодан тониши

⁵⁴ Улар Ийсони ушлаб, бош олий руҳонийнинг уйига олиб бордилар. Бутрус эса узоқроқда уларга эргашиб келди.

⁵⁵ Улар ҳовлининг ўртасида олов ёқиб, ўтнинг атрофида ўтиришганда Бутрус ҳам уларнинг орасига бориб ўтирди.

⁵⁶ Бир оқсоч Бутруснинг олов ёнида ўтирганини кўриб, унга тикилиб қаради-да: «Бу ҳам У билан бирга бўлган!» – деди.

⁵⁷ Лекин Бутрус Ийсодан бош тортиб, у аёлга: «Мен Уни танитайман!» – деб айтди.

⁵⁸ Бир оздан кейин яна бошқа бири Бутрусга: «Сен ҳам улардансан-ку!» – деди. Лекин Бутрус унга ҳам: «Йўқ, мен улардан эмасман!» – деб жавоб берди.

⁵⁹ Бир соатча вақт ўтгандан кейин яна кимдир: «Бу ҳам У билан бўлгани аниқ, чунки у ҳам жалилаллик», – дея ишонч билан таъкидлади.

⁶⁰ Лекин Бутрус: «Нима деяётганингни тушунол-маяпман?» – деди унга ҳам. Шу заҳоти, у гапини тугатмасданоқ, хўроз қичқирди.

⁶¹ Шунда Раббимиз Ийсо Бутрусга қайрилиб, кўзини тикди. Ва Бутрус Раббимизнинг унга: «Бугун хўроз қичқирмасданоқ сен Мендан уч марта тонасан», – деб айтган сўзини эслади.

⁶² Ва ташқарига чиқиб, аччиқ-аччиқ йиғлади.

Гуноҳкорларнинг Ийсони хўрлаши

⁶³ Ийсони ушлаб турган одамлар эса Уни ҳақоратлаб, ура бошладилар.

⁶⁴ Унинг кўзларини боғлаб, юзига шапалоқ билан уриб: «Қани, Сени ким ураётганини башорат қилчи?» – деб сўрашарди Ундан.

⁶⁵ Улар Уни яна кўплаган куфр сўзлар билан ҳақорат қилишди.

Ийсо яҳудийларнинг Олий Кенгаши олдиди

⁶⁶ Тонг отгач, халқ оқсоқоллари, олий руҳонийлар ва уламолар тўпланиб, Ийсони ўзларининг Олий Кенгаши ўтказилувчи жойга олиб келдилар ва Ундан:

⁶⁷ «Қани, айт-чи бизга, Сен Масихмисан?» – деб сўроқ қилишди. Ийсо бўлса уларга: «Сизларга айтсам ишонмайсизлар.

⁶⁸ Сизлардан сўрасам жавоб бермайсизлар.

⁶⁹ Аммо бундан буён Инсон Ўғли Қодир Худонинг ўнг томонида ўтиражак», – деди.

⁷⁰ Шунда ҳаммаси Унга: «Демак, Сен Худонинг Ўғли экансан-да?» – деб айтишди. Ийсо уларга: «Ўша Мен эканимни ўзингиз айтдингизлар», – деб жавоб берди.

⁷¹ Шунда улар: «Бизга яна қандай гувоҳлик керак? Чунки биз Ўз оғзидан буни эшитдик, ахир!» – дейишди.

XXIII БОБ

Ийсо Пилатнинг олдиди

¹ Йиғилганларнинг ҳаммаси ўрнидан туришиб, Ийсони Пилатнинг олдига олиб боришди.

² Улар: «Биз бу Одам халқимизни йўлдан оздираётганини аниқладик. У подшоҳга солиқ тўлашни ман этиб, Ўзини эса Масих, яъни Подшоҳман деб айтмоқда», – деб айблай бошладилар.

³ Пилат Ийсодан: «Сен яхудийларнинг Подшоҳимсан?» – деб сўради. Ийсо унга жавоб бериб: «Ўзинг айтяпсан», – деди.

⁴ Пилат олий рухонийларга ва халойиққа қараб: «Мен бу Одамдан ҳеч қандай айб тополмаяпман», – деди.

⁵ Лекин улар талабчанлик билан: «У Жалиладан тортиб шу ергача – бутун Яхудия бўйлаб таълимотини ёйиб, халқни ғалаёнга солмоқда», – дедилар.

⁶ Пилат Жалила хақида эшитгач: «Бу одам жалилаликми?» – деб сўради.

⁷ Ийсонинг Ҳирод вилоятидан эканини билгач, Уни Ҳиродга юборди, чунки шу кунларда у Қуддусда эди.

Ийсо ҳоким Ҳирод олдида

⁸ Ҳирод Ийсони кўриб жуда қувониб кетди, чунки У ҳақда хабардор бўлиб, анчадан бери Уни кўрмоқчи бўлган ва У кўрсатаётган бирон-бир мўъжизани ўз кўзи билан кўришни умид қилиб юрган эди.

⁹ У Ийсога кўп саволлар берди. Лекин Ийсо унга ҳеч қандай жавоб бермади.

¹⁰ Атрофда турган олий руҳонийлар ва уламолар эса Уни шиддат билан қораладилар.

¹¹ Ҳироднинг ўзи ҳам аскарлари билан бирга Ийсони камситиб масхара қилди-да, Унга шоҳона чопон кийдириб, Пилатнинг олдига қайтариб юборди.

¹² Бунга қадар бир-бирига адоватда бўлган Ҳирод ва Пилат ўша куни дўстлашдилар.

Ийсони маҳкум қилиши

¹³ Пилат эса олий руҳонийлар, бошлиқлар ва халқни чақириб олиб, уларга шундай деди:

¹⁴ «Сизлар бу Одамни халқни йўлдан оздиришда айблаб олдимга олиб келдингизлар. Аммо мен Уни

сизларнинг олдингизда текшириб кўрдим ва сизлар кўяётган айбларнинг биронтасини ҳам Ундан топмадим.

¹⁵ Мен Уни Хироднинг олдига юборгандим, аммо у ҳам ҳеч бир айб тополмасдан қайта юборди. Хуллас, Унда ўлимга лойиқ бирор-бир айб топилмади.

¹⁶ Шунинг учун Уни жазолаб, бўшатиб юбораман».

¹⁷ Пилат байрам муносабати билан бир маҳбусни озод қилиши керак эди.

¹⁸ Халойиқ эса бир овоздан: «Унга ўлим! Бизга Бараббани чиқариб бер!» – деб бақира бошлашди.

¹⁹ Барабба эса шаҳарда юз берган исённи кўтарганликда ва қотиллик қилганликда айбланиб зиндонга ташланган эди.

²⁰ Пилат яна бир бор халойиққа хитоб қилиб, Ийсони бўшатмоқчи бўлди.

²¹ Лекин улар: «Уни хочга михлаб қўй! Хочга михла!» – деб кичқирдилар.

²² Пилат учинчи марта уларга: «У ахир нима ёмонлик қилди? Мен Унда ўлим жазосига лойиқ ҳеч бир айб топганим йўқ. Шунинг учун мен Уни калтаклатиб бўшатиб юбораман», – деди.

²³ Аммо улар овозлари бориचा кичқиришда давом этиб, Ийсони хочга михлашни қаттиқ туриб талаб қилдилар. Ниҳоят, халойиқ ва олий руҳонийларнинг бақириқ-чақириқлари устун келганлигидан,

²⁴ Пилат уларнинг талабига кўнди.

²⁵ Шундай қилиб, у исёнчилиги ва қотиллиги учун зиндонга солинган одамни халқнинг талабига кўра озодликка чиқариб, Ийсони бўлса уларнинг ихтиёрига топширди.

Ийсонинг ҳочга михланиши

²⁶ Аскарлар Ийсони олиб чиқаётганларида даладан қайтаётган Симун исмли киринеялик бир одамни ушлашди-да, Ийсонинг кетидан кўтариб бориш учун хочни унга юклашди.

²⁷ Ийсонинг кетидан жуда кўп халойиқ эргашиди ва уларнинг орасида кўксига уриб йиғлаётган хотин-қизлар ҳам талай эди.

²⁸ Ийсо уларга қараб шундай деди: «Эй Қуддус қизлари! Мен учун йиғламанглар, аксинча ўзингиз ва болаларингиз учун йиғланглар.

²⁹ Зеро шундай кунлар келадики: “Туғмаган аёллар, бепушт қоринлар, бола эмизмаган кўкраклар бахтлидир”, – деб айтишади.

³⁰ Ўшанда тоғларга: “Устимизга қуланг”, тепаликларга эса “Бизни босиб қолинг”, – деб айтишади.

³¹ Ям-яшил дарахтга бундай қилишса, қуриганини не қилурлар».

³² Ийсо билан бирга икки жинойтчини ҳам ўлимга олиб бордилар.

³³ Бош суяги деган жойга келганларида Ийсони ҳамда Унинг ўнг ва чап томонига иккала жиноятчини хочга михлаб қўйдилар.

³⁴ Ийсо бўлса: «Ота! Уларни кечиргин, чунки улар нима қилаётганини билмайдилар», – деди. Аскарлар қуръа ташлашиб, Ийсонинг кийимларини бўлиб олишди.

³⁵ Халойиқ томоша қилиб турди. Бошликлар бўлса халойиқ билан бирга: «Бошқаларни қутқарар эди. Агар у Худонинг танлагани – Масих бўлса, қани Ўзини Ўзи қутқарсин-чи!» – дея кулишди.

³⁶ Аскарлар ҳам Унга сирка ичиргани яқинлашиб:

³⁷ «Агар Сен Яхудийлар Шоҳи бўлсанг, Ўзингни Ўзинг қутқар-чи!» – деб кулишди.

³⁸ Ийсонинг бош томонига юнон, лотин ва иброний тилларида: «Бу – Яхудийларнинг Подшоҳи», деган ёзувни илиб қўйишди.

Жиноятчининг Ийсога қайрилиши

³⁹ Хочга михланган жиноятчиларнинг бири: «Агар Сен Масих бўлсанг, Ўзингни ҳамда бизларни қутқар», – дея, Ийсони ҳақорат қила бошлади.

⁴⁰ Иккинчиси бўлса уни тийиб: «Худодан қўркмайсанми? Сен ҳам худди шу жазога маҳкум бўлдинг-ку.

⁴¹ Мана, бизлар қилмишимизга яраша одилона жазо олдик. У эса ҳеч қандай ёмонлик қилгани йўқ-ку», – деди.

⁴² Кейин Ийсога: «Ё Раббий, Шоҳлигингга борганингда мени эслагин!» – деди.

⁴³ Ийсо унга деди: «Сенга ростини айтаман, бугуннинг ўзида сен Мен билан бирга жаннатда бўласан».

Ийсонинг жон бериши

⁴⁴ Тушки соат ўн иккидан учга қадар бутун ер юзини давомли зулмат қоплади.

⁴⁵ Ибодатхонадаги парда ўртасидан йиртилиб кетди.

⁴⁶ Ийсо баланд овоз билан: «Ота! Руҳимни Сенинг қўлларингга топширяпман», – деди. Шундай деб айтгандан кейин У жон таслим қилди.

⁴⁷ Воқеани кўриб турган юзбоши Худони улуғлаб: «Ҳақиқатан ҳам, бу солиҳ Одам экан», – деди.

⁴⁸ Томошага тўпланган бутун халойиқ содир бўлган воқеаларни кўргач, ўкинч ила кўксига урганча қайтиб кетди.

⁴⁹ Ийсони таниганларнинг барчаси, шу жумладан, Жалиладан Унга эргашиб келган аёллар узоқда турганча бу ходисани кузатиб турдилар.

Ийсони дафн қилиши

⁵⁰ У ерда кенгаш аъзоси бўлган, Худо Шоҳлигини кутиб юрган, Юсуф номли Ариматея шаҳридан бўлган, ҳақиқатгўй киши бор эди.

⁵¹ У кенгашнинг қарорида ҳам, ишида ҳам иштирок этмаган эди.

⁵² Юсуф Пилатга бориб, Ийсонинг жасадини сўради.

⁵³ Сўнг жасадни хочдан тушириб олиб кафанлади ва қояга ўйилган, ҳали ичига ҳеч ким қўйилмаган қабрга қўйди.

⁵⁴ У кун жума бўлиб, шанба куни кириб келаётган эди.

⁵⁵ Жалиладан Ийсо билан бирга келган аёллар ҳам эргашиб бориб, қабрни ва жасаднинг қандай қўйилганини кўрдилар.

⁵⁶ Улар уйга қайтиб келганларидан сўнг атир ва хушбўй ёғлар тайёрладилар. Шанба куни эса илоҳий амрга кўра ором олдилар.

XXIV БОБ

Ийсо Масихнинг тирилиши

¹ Якшанба куни эрта тонгда аёллар тайёрлаб қўйган хушбўй мойларни олиб қабрга келдилар.

² Улар қабр оғзидаги тошни ағдарилган ҳолда кўрдилар.

³ Ва ичкарига кириб Раббимиз Ийсо жасадини топмадилар.

⁴ Улар бундан ҳайрон бўлиб турганларида бирдан олдиларида ялтироқ кийим кийган икки зот пайдо бўлди.

⁵ Аёллар ваҳимадан бошларини ерга эгиб туришганда улар: «Нега ўликлар орасидан Тирикни излаясизлар?»

⁶ У бу ерда йўк, У қайтадан тирилди. У Жалилада юрганда сизларга айтганини эслангиз.

⁷ У сизларга: “Инсон Ўғли гуноҳкор одамлар қўлига тутиб берилади, хочга михланиб, учинчи куни қайта тирилади”, – деган эди-ку», – дейишди.

⁸ Шунда аёллар Ийсонинг бу сўзларини эсладилар.

⁹ Улар қабрдан қайтиб бориб, бу ҳақда ўн бир ҳаворийга ва яна бошқаларга маълум қилдилар.

¹⁰ Бу хабарни ҳаворийларга етказганлар – мағдалалик Марям, Йўанна, Ёкубнинг онаси Марям ва улар билан бирга бўлган бошқа аёллар эди.

¹¹ Ҳаворийлар аёлларга ишонишмади ва бу сўз улар учун қуруқ гапдек туюлди.

¹² Аммо Бутрус ўрнидан туриб, қабр томон югуриб келди-да, ичкарига энгашиб қараб, у ерда фақат кафаннинг ўзигина қолганини кўрди. У юз берган воқеадан ҳайратга тушиб, ортига қайтди.

Ийсонинг Эммаус йўлидаги икки шогирдига кўриниши

¹³ Худди шу куни шогирдлардан иккиси Қуддусдан ўн бир чақиримча узоқликда жойлашган Эммаус деган қишлоққа боришар эди.

¹⁴ Улар йўлда ўзаро бўлиб ўтган воқеалар тўғрисида суҳбатлашиб ва баҳслашиб боришар экан,

¹⁵ Ийсонинг Ўзи уларга яқинлашиб, ҳамроҳ бўлди.

¹⁶ Лекин уларнинг кўзлари Уни танимоққа ожиз эди.

¹⁷ Ийсо улардан: «Сизлар ўзаро нималар хақида суҳбатлашиб кетяпсизлар? Нега юзингиз ғамгин?» – деб сўради.

¹⁸ Улардан бири бўлган Клеопа Унга жавоб берди: «Нахотки, Сен Қуддусга келганлар орасида бўла туриб, шу кунларда бу ерда содир бўлган ходисалардан бир Ўзинг беҳабар бўлсанг?»

¹⁹ «Қайси ходисалар?» – сўради Ийсо. Улар Унга шундай деб жавоб беришди: «Носиралик Ийсога нима бўлганини билмайсанми? У Худо ва бутун халқнинг олдида қудратли иши ва сўзи билан танилган пайғамбар эди.

²⁰ Бизнинг олий руҳонийларимиз билан бошлиқларимиз ўлим жазосини талаб қилиб, Уни хочга михлатдилар.

²¹ Бу воқеа бўлиб ўтганига уч кун бўлди. Биз бўлса: “Исроилни халос қиладиган Нажоткор Ўша”, – деб умид қилиб юргандик.

²² Аммо айрим аёлларимиз бизни ҳайратда қолдиришди. Улар тонг саҳарда қабрга боришиб,

²³ Унинг жасадини тополмай келишди. Қайтиб келишганда, Унинг тирик эканлигини айтган фаришталарни кўрганликларини айтишди.

²⁴ Шунда орамиздан баъзилар қабрга бориб, худди аёллар айтганларининг гувоҳи бўлишибди, Ийсонинг Ўзини эса кўришмабди».

²⁵ Шунда Ийсо уларга: «Эй фаросатсизлар! Барча пайғамбарлар башоратларига ишончи сушт одамлар!»

²⁶ Масих Ўз улуғворлигига эришмоқ учун шу азобларни бошдан кечирмоғи керакмасмиди?» – деди.

²⁷ Сўнгра уларга Мусо пайғамбардан тортиб, барча пайғамбар китобларида Ўзи ҳақида ёзилган оятларнинг ҳаммасини тушунтира бошлади.

²⁸ Ниҳоят, улар бораётган қишлоққа яқин келиб қолишганда, Ийсо йўлини давом эттираётгандек қилиб кўрсатди.

²⁹ Лекин улар Ийсога: «Биз билан бирга қол, чунки кечкириб қолди», – деб, Уни қисташди. Ийсо улар билан қолиш учун қишлоққа кирди.

³⁰ Улар билан бирга дастурхон ёнида ўтирганда нонни олиб Худога шукрона келтирди ва синдириб уларга берди.

³¹ Шундагина уларнинг кўзлари очилиб, Уни таниб қолишди. Аммо Ийсо шу онда кўздан ғойиб бўлди.

³² Улар бир-бирига: «У йўлда биз билан гаплашиб, оятларни тушунтираётганида юрагимизга илиқлик югурмаганмиди, ахир!» – дедилар.

³³ Шу захоти ўрниларидан туриб, Қуддусга қайтиб бордилар. У ерда улар ўн бир хаворий ва улар билан бирга тўпланганларни топдилар.

³⁴ Улар: «Раббимиз ҳақиқатан тирилибди. У Симунга зоҳир бўлибди», – дея сўзлашар эдилар.

³⁵ Келганлар ҳам йўлдаги воқеани, Ийсо нонни синдираётганида Уни қандай таниб қолганликларини айтиб бердилар.

Ийсонинг шогирдларига зоҳир бўлиши

³⁶ Улар ҳали шу ҳақда сўзлашаётганларида Ийсонинг Ўзи уларнинг ўртасида пайдо бўлди-да: «Сизларга тинчлик бўлсин!» – деди.

³⁷ Шогирдлар ўтакаси ёрилгудек бўлиб, арвоҳни кўряпмиз, деб ўйладилар.

³⁸ Аммо Ийсо уларга: «Нега бунча ҳаяжонланмоқдасизлар? Нечун кўнглингизда бунча гумонлар туғияпти?

³⁹ Қўлларимга ва оёқларимга қаранглар, бу Мениннг Ўзим. Менга қўлингизни теккизиб кўринглар, Менда кўриб турганингиздек арвоҳнинг эту суяги бўлмайди-ку, ахир», – деди.

⁴⁰ Шундай деб, Ийсо қўл-оёқларини уларга кўрсатди.

⁴¹ Шогирдлар севинчдан таажжубланиб, ҳали ҳам ишонолмай турганларида, Ийсо улардан сўради: «Бу ерда ейдиган бирон нарсангиз борми?»

⁴² Улар Унга бир парча ковурилган балиқ беришди.

⁴³ Ийсо буни олиб, уларнинг кўзлари олдида еди.

⁴⁴ Сўнгра уларга: «Мен сизлар билан бирга бўлганимда Мен ҳақимда Мусо қонунида, пайғамбарлар ва Забур китобларида ҳамма ёзилганлар бажо бўлмоғи лозим, деб айтган эдим-ку», – деди.

⁴⁵ Кейин оятларни англамоқ учун шогирдларининг зеҳнини очиб юборди.

Сўнги буйруқ

⁴⁶ Сўнг уларга шундай деди: «Мана шу ёзилганларга кўра, Масих азоб чекиши ва учинчи куни эса қайта тирилиши керак эди.

⁴⁷ Шунингдек, Қуддусдан бошлаб барча халқлар Унинг номи билан тавба қилишга чақирилмоғи ва гуноҳлари кечирилиши эълон қилинмоғи ҳам лозим.

⁴⁸ Сизлар эса бу ишларга гувоҳсиз.

⁴⁹ Мен сизларга Отамнинг ваъда қилганини юбораман. Аммо юқоридан бу қудратни олмагунингизча Қуддус шахрида қолинглар».

Ийсо Масихнинг осмонга кўтарилиши

⁵⁰ Кейин Ийсо шогирдларини шаҳардан ташқарига, Байтанияга яқин жойга олиб чикди-да, кўлларини кўтариб, уларга фотиҳа берди.

⁵¹ Фотиҳа бераётиб, улардан узоқлашганча осмонга кўтарилди.

⁵² Шунда шогирдлар Унга таъзим қилишиб, катта севинч ила Қуддусга қайтиб келдилар.

⁵³ Ва доимо ибодатхонада бўлиб, Худога ҳамду санолар айтиб юрдилар.

ОМИН.

ИЙСО МАСИҲ КИМ?

Минг йиллар илгари Худо осмон билан ерни яратди. У яна қуёш, ой ва юлдузларни яратди. Шундан сўнг У биз кўриб турган табиатни яратди ҳамда У балиқларни, қушларни ва ҳайвонотларни яратди, аммо бутун яратилишнинг тожи қилиб инсонни яратди.

Худо Одам атони яратди ва унинг ёлғиз эканлигини кўриб, унга ёрдамчи бўлсин деб, аёлни, яъни Момо ҳавони яратди.

Адан деб аталмиш жаннат боғи Одам ато ва Момо ҳавонинг яшаши учун ўтказилган эди.

Ушбу жаннат боғидан улар қанчалар кўп вақт роҳатланишганлиги бизга номаълум, аммо бир нарса бизга маълумки, уларнинг Худога итоаткорлик даври – энг бахтиёр дамлар эди.

Жаннатда Худо Одам ато билан Момо ҳавога тегишли бўлмаган, фақат биргина Ўзига қарашли бўлган, бошқа дарахтлардан ўзгача икки дарахт ўтқазди. Худо Одам атога ушбу дарахтларни ҳам парвариш қилиб сақлашни, аммо уларнинг меваларидан асло емасликни буюрди. Бу дарахтларнинг бири яхшилик ва ёмонликни билиш, иккинчиси эса ҳаёт дарахти эди.

Худо Ўз бандасининг ёмонликни билиб қолишини хоҳламагани учун ҳам уларга ушбу дарахтнинг мевасини ейишни тақиқлади. Худди биз ҳам болаларимизнинг гуноҳ қилишини ва ёмон ишларга аралashiшни хоҳламаганимиздек, Худо ҳам Одам ато ва Момо ҳавонинг тоза, покиза ва муқаддас бўлган ажойиб қалбларини йўқотиб қўйишларини хоҳламаган эди.

Яратилишдан кўп йиллар илгари Худо осмон деган жойни тайёрлаб, у ерда сон-саноксиз фаришталарни яратди ва улар Унга хизмат қилар эдилар.

Бу фаришталарнинг ичида асосийлари Бош фаришталар эди. Қайсидир вақтда шундай Бош фаришталардан бири бўлган Луцифер такаббурлиги тутиб Худога қарши бош кўтарди ва у Худогагина тегишли бўлган тахтга эга бўлишга интилиб, ўзи билан бирга талайгина фаришталарни эрчитиб кетди.

Худо Луциферни ва унга эргашган фаришталарни жазолаб, уларни осмондан қувиб туширди ва улар учун мангу жазоланадиган жой бўлмиш олтингугурт кўлини (жаҳаннамни) тайёрлаб қўйди. Оқибатда Луцифер шайтон (иблис) деган ном олиб, Худога қарши ўч олишга қарор қилди.

Уша шайтон энди яратилиш тожи бўлган инсонга қарши бош кўтарди. Шу мақсадда у Адан боғига илон қиёфасида келиб, айёрлик билан Момо ҳавони яхшилик ва ёмонлик дарахтининг мевасидан ейишга ундади.

Момо ҳаво бу мевадан еди ва Одам атога ҳам берди. У ҳам еди. Худо эса бу иккисини итоатсизлиги туфайли жаннат боғидан қувиб чиқди.

Иккинчи дарахт эса мангу ҳаёт дарахти эди ва Худо уларнинг ўша дарахтнинг ҳам мевасини еб олиб, гуноҳкор таналарида мангу яшаб

колишларини хохламади. У холда Худо инсоният билан ҳеч қачон мулоқотда бўла олмаган бўлар эди. Чунки Худо инсонни аввал бошда Ўзи билан мулоқотда бўлиб яшашини хоҳлаган эди. Борлиқ жониворлар эса бундай мавқега эга эмас эдилар. Улар фақатгина инсониятга хизмат қилиш учунгина яратилган эдилар.

Бизнинг бобокалонимизга Худонинг лаънати уларнинг итоаткорсизлиги туфайли тушди. Ўша кундан бошлаб то бугунги кунга қадар инсонлар гуноҳкор бўлиб тугилиб келмоқдалар. Ёмон одатлар кичкинтой болаларнинг эндигина гапира бошлаган чоғида ва ҳаттоки ундан олдинроқ ҳам кўрина бошлайди.

Жаннат боғидан қувилган Одам ато ва Мома ҳаволарнинг кайғуси буюк эди. Аммо Худо уларга гуноҳнинг лаънатидан инсониятни ҳалос қилиш учун Инсон кифасида келадиган Ўз Ўглини юборишни ваъда қилди. Минглаб йиллар давомида бу ваъда авлоддан-авлодга ўтиб келди. Хар бир авлод маҳкум бўлмаслик учун гуноҳдан ҳалос этадиган Зотни кутиб яшаб келди. Ўз ваъдасига содиқ бўлган Худо эса пайгамбарлари орқали башоратлар бериб, одамларни ишонч-ла кутишга чорлади.

Биз яшаб турган кунлардан чамаси 2000 йилларча илгари, Рим империяси ҳукмронлик қилиб турган бир пайтда Худо Ўз ваъдасини амалга оширди. Ваъда қилинган Зот чақалоқ бўлиб дунёга келди. Унга Ийсо деб ном беришди. Ийсо деган ном Кутқарувчи деганини ифодалайди.

Худо, бокира қиз Марямдан туғилган ушбу Чақалоқ ваъда қилинган Кутқарувчи эканлигини таъкидлади.

Худо фариштаси бўлган Жаброил аввалданок Марямга ундан туғилажак Чақалоқ ким эканлиги ҳақида қувончли хабарни етказган эди. Фаришта Марямга бу чақалоқ мўъжизавий, яъни отасиз, Муқаддас Рухдан тугилиши ҳақида хабар берди. Марямга бу сўзлар тушунарсиз туюлди, чунки у ҳали турмушга чиқмаган эди. Фаришта Марямга ундан туғиладиган Чақалоқ Худонинг Ўгли деб аталишини ҳам айтди.

Ийсо ўттиз уч йил Исроилда яшаб, инсонларга Худонинг севгисини амалда кўрсатди: касалларни даволади, кўрларнинг кўзини, қарларнинг қулогини очди, чўлоқлар юрдилар, соқовлар гапирдилар, ўликларни тирилтирди. Одамлардан ёвуз руҳларни қувиб чиқарди. Ў жуда кўплаган мўъжизалар кўрсатди. Халойиқ эса Уни севаб, Унга ишонишар ва Унинг орқасидан эргашар эди. Аммо дин уламолари Унинг инсонларга кўрсатаётган таъсирини кўриб, ҳасад қила бошладилар ва Уни ўлдиришга қарор қилдилар. Бир куни эрта саҳарда улар Уни ҳибсга олишиб, диний ва сиёсий ҳокимларнинг олдига олиб келишди ва Унга ноҳақ айблар қўйиб, ҳочда миҳлаш орқали ўлим жазосига маҳкум этишди. Бу жазо ўша пайтларда римликлар томонидан жиноятчиларга нисбатан қўлланилар эди.

Улар қўлга киритган галабасидан қувонишар эди, аммо бу қувонч узокқа чўзилмади.

Учинчи куни Кутқарувчи Ийсо Масих ўликлардан тирилиб қабрдан чиқди ва қирқ кун мобайнида Ўз шогирдларига кўриниб юрди. Улар эса бу ҳақда гувоҳлик бера бошладилар. Шундан кейингина У осмонга, Ўзи келган жойга қўтарилди.

Нега У ўлди, наҳотки, Ўзини Ўзи кутқара олмаган бўлса? Ахир У ўша пайтдаёқ Ўзини жаллодлардан халос этиши учун осмондан фаришталарни чақириши мумкин эди-ку! Сабаби, У Ўз хохиши билан ўлимга борди. У танада гуноҳни жазолаш учун ўлди. У бизнинг ўрнимизга Отаси Худо томонидан ҳукм этилди. У гуноҳ оқибатида бузилган Худо билан инсоният ўртасидаги мулоқотни тиклади.

Агар сиз ҳам Ийсо Масих, Худонинг Ўгли сизнинг гуноҳларингиз учун ҳам қурбон бўлганига ишонсангиз, гуноҳларингиз кечирилади ва мангу ҳаёт инъомига эга бўласиз. Масих сизни севади ва сизнинг ҳам Кутқарувчингиз бўлишни хоҳлайди. У сиз учун қурбон бўлди ва сиз Уни севишингизни ва У учун яшаб, бошқаларга У ҳақда гувоҳлик беришингизни хоҳлайди.

Агар сиз Ундан бош тортсангиз, унда Худодан бош тортган бўласиз ва жазо олишингиз муқаррардир. Кунлар ўтиб, бир кун ўзингизни шайтон ва унинг фаришталари учун тайёрлаб қўйилган дўзахда кўриб қолишингиз мумкин.

Аммо сиз Худо юборган Масихга ишонсангиз, ушбу мудҳиш тақдирдан абадий қутуласиз. Худо оламини шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўглини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин, деб ёзилган Муқаддас китобда.

Қарор чиқариш ва танлаш сизга қолдирилди. Энди сиз Масих ҳақида билдингиз ва Худо олдида сизга гувоҳлик берилди. Олдингизда икки йўл: Ийсо Масихни имон ила юрагингизга қабул қилиб, мангуликка халос бўлиш ёки ундан бош тортиб, мангу ҳалокатга йўлиқиш. Ҳар қандай шубҳани ўзингиздан соқит қилинг ва юрагингизда туғилаётган ҳар қандай саволларни Худо олдида очинг. Худо сизни барча муқаддаслари билан Ийсо Масих орқали мангу ҳаётга чорламоқда. Бундан бош тортманг.

Агар шу сатрларни ўқиб туриб ҳаёлингизга: «Ахир бу бошқадинга ўтиб кетиш демак-ку», - деган фикр келса, қарор чиқаришга шошилманг. Дунёдаги мавжуд барча динлар инсоният томонидан Худога интилиш демакдир ва улар қанчалар одил кўринмасин, худди космик кемалар ердан узоққа уча олмани каби улар ҳам бутун коинотнинг Эгаси бўлган Худовандга ета олмайдилар.

Ийсо Масих эса, бу дин эмас, балки ҳозир ҳам тирик бўлган Шахсдир. Ва У Зот осмондан ерга келиб ва ердан осмонга кўтарилиб, ҳар бир хоҳлаган одам учун Худога йўл очди. Муқаддас Инжил китобида У шундай деган:

«Мен йўл, ҳақиқат ва ҳаётдирман. Менсиз ҳеч ким Худонинг олдида боролмайди».

Бу сўзлар ишончли ва ҳаққонийдир.

Хурматли ўқувчи, агар сиз бугуноқ, қаерда бўлсангиз, ўша ердан ибодат қилиб Ийсо Масихни чақирсангиз, у сизнинг гуноҳкор юрагингизга киради ва сизга Худонинг мангу ҳаёт инъомини тақдим этади.

Худо сизни оқ фотиҳаласин.

ОМИН.

*Агар сизда савол тугилса, ёки
бирон бошқа адабиёт олмоқчи бўлсангиз,*

*манзилига, ёки
kitepter@gmail.com электрон почтасига
хат ёзишингиз мумкин.*